



Виктор
Гюго

Клод Гё





Виктор
Гюго

Клод Гё




ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2014

УЎК: 821.133.1-3

КБК: 84(4(Фра)

Г - 99

Гюго, Виктор

Клод Гё; Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида; Шоҳона ишрат; Ҳикматлар / Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир профессор А.Х.Саидов. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2014. – 248 бет.

ISBN 978-9943-27-236-1

Виктор Гюгонинг асарлари XX асрнинг эллигинчи йилларидан бошлаб ўзбек тилига таржима қилина бошланган. “Клод Гё” қиссасини Қ.Мирмуҳамедов, “Шоҳона ишрат” драмасини Э.Воҳидов таржима қилган. Шунингдек, Виктор Гюгонинг ўлим жазоси тўғрисида сўзлаган нутқлари таржимаси Э.Эрназаров томонидан амалга оширилган.

Ушбу китоб Виктор Гюгонинг ўзбек тилида чоп этилаётган илк тўпламидир.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 821.133.1-3

КБК: 84(4(Фра)

Таржимонлар:

Қодир МИРМУҲАМЕДОВ,

Эркин ВОҲИДОВ,

Эркин ЭРНАЗАРОВ

Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир, профессор

Акмал САИДОВ

ISBN 978-9943-27-236-1

© Виктор Гюго. Клод Гё; Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида; Шоҳона ишрат; Ҳикматлар. “Янги аср авлоди”, 2014 йил.

ВИКТОР ГЮГО – ЕВРОПА ФУҚАРОСИ

Виктор Гюго – бу бутун дунёдир.

Оноре де Бальзак

Ажойиб француз ёзувчиси, шоир ва драматург, романтизм асосчиси ва назариётчиси Виктор Мари Гюго 1802 йил 26 февраль куни Франциянинг Безансон шаҳрида Биринчи Республика¹ даврида туғилган. Унинг сўзи билан айтганда: **«Мен туғилганда аср икки ёшда бўлган»**². Гюго оилада учинчи фарзанд бўлган. Ёзувчининг отаси Жозеф Леопольд Сигисбер Гюго (1773 – 1828) Наполеон армиясининг генерали бўлган. Онаси Софи Требюшё (1772 – 1821) кема эгасининг қизи бўлган. Отасининг ҳарбий хизмати туфайли Гюгонинг ёшлиги дастлаб Марсель Корсика ва Эльбада (1803 – 1805), 1807 йилгача Италияда, 1811 йилгача эса Мадридда ўтган. 1813 йилда ота-онаси ажрашгани туфайли Виктор билан онаси Парижда яшаган.

Кўп йиллар давомида Гюгонинг таълим олиши тизимсиз бўлган. 1814 йилдагина Кордье пансио-

¹ Биринчи Республика – 1792 йил 21 сентябрдан 1804 йил 18 майгача бўлган давр мобайнида Франциянинг сиёсий тузуми.

² 100 великих мастеров прозы / Грудкина Т.В., Куберева Н.П., Мешеряков В.П., Сербул М.Н. – М.: Вече, 2007. – С.130.

нига¹ кирган ва шу ердан «Буюк Людовик» лицейига ўтган. Ёшлигиданоқ кичик Виктор ўзига: **«Бўлсам, Шатобриан² бўламан ёки ҳеч ким!»**, деб шиор қилиб олган³. Шеърларини эса 14 ёшдан бошлаб ёза бошлаган.

Виктор Гюго деярли бутун XIX асрни яшаб ўтган. Шатобрианнинг нозик нафосатидан илҳомланиб, жаҳон адабиётига ўзининг ижтимоий романлари билан илдам қадам қўйган. Унинг ижодида қуйидаги сўзлар мазмуни доимо мужассам: **«Уйғонинглар, инсон қашшоқликдан, халқ адолатсизликдан эзилмоқда»**. Шу тариқа у китобхоннинг самимий муҳаббатини қозонган. Гюго Шатобрианга ўхшаб диний мавзуларни ёзмаган, йўқ, у, аввало, инсонларни Исонинг яқинларга муҳаббат, меҳр-мурувват тўғрисидаги васиятларини бажаришга чақирган.

14 ёшидан жиддий ижод қила бошлаган. Айрим норасмий маълумотларга кўра, Гюго гарчи чоп этмаган бўлса ҳам, **«Иртатин»** («Œrtatine»), **«Ателия ёки скандинавлар»** («Athelie ou les scandinaves») номли трагедиялар ва **«Луи де Кастро»** («Louis de Castro») номли драма ёзган⁴.

15 ёшида эса Француз Академияси томонидан ўтказилган танловда **«Ўқиш имтиёзлари»** («Les avantages des études») номли шеъри учун мақтов-

¹ Пансион – ўқувчиларни ётоқхона, озиқ-овқат, кийим-бош билан таъминлайдиган ўрта ўқув юрти, яъни, мактаб-интернат.

² Франсуа-Рене Шатобриан (1768 – 1848) – машҳур француз сиёсатчиси ва ёзувчиси.

³ 100 великих писателей / Г.В. Иванов, Л.С. Калюжная. – М.: Вече, 2006. – С. 212.

⁴ Виктор Гюго // <http://ru.wikipedia.org/wiki>

га сазовор бўлган. Икки йилдан кейин 1819 йилда Тулуза Адабиёт Академияси томонидан ўтказилган «Гуллар ўйини» («Jeux Floraux») адабиёт муسابақасида **«Верден қизлари»** («Vierges de Verdun»)¹ шеъри ва **«Генрих IV нинг ҳайкалини тиклаш»** («Retablissement de la statue de Henri IV») номли қасидаси учун иккита мукофот – Олтин лилияни² қўлга киритган. Ҳатто атоқли француз шоир ва давлат арбоби **Альфонс де Ламартин**³ ни ҳам доғда қолдириб, ундан-да ўзиб кетган.

Виктор Гюгонинг ҳуқуқий таълим олганлиги ҳақида деярли маълумот йўқ. Лекин француз Гюгошунос олимаси Жозетта Аше (Josette Acher) **«Гюго Садоси»** («Echo Hugo») журналида чоп этилган **«Виктор Гюго: ҳуқуқ – юридик тилга қарши»** номли мақоласида Виктор Гюгонинг 1818 йилда Ҳуқуқшунослик факультетига кириб таҳсил олганлиги ва Наполеон кодексларини жуда чуқур ўрганганлиги ҳақида қайд этган⁴.

Навқирон Гюгонинг шеърият соҳасидаги ютуқлари Людовик XVIII нинг таҳсинига сазовор бўлган ҳамда Қирол шоирни ҳар йили бериб туриладиган 1200 франк пул мукофоти билан тақдирлаган. Бу эса, ўз навбатида, Гюгонинг моддий аҳво-

¹ Айрим таржимонлар ушбу асар номини ўзбек тилига “Верден қизлари” деб ҳам таржима қиладилар.

² Лилия – лагауллиларга мансуб манзарали ўсимлик.

³ Альфонс де Ламартин (Alphonse de Lamartine, 1790-1869) – француз шоири ва сиёсат арбоби, “Шеърий мулоҳазалар”, “Кўл”, “Шеърий ва диний баркамоллик”, “Жирондинлар тарихи”, “Изҳорлар” каби асарлар муаллифи.

⁴ Josette Acher. Victor Hugo: le droit contre la langue juridique. // L'Écho Hugo, Bulletin de la Société des Amis de Victor Hugo, 2003, N°3, P. 129-147.

лини яхшилашга ва 1822 йилнинг 12 октябрида ёшлигидаги ғойибона муҳаббати **Адель Фуше** (1803 – 1868) га уйланишига имкон берган ва улар беш фарзанд кўришган.

1823 йилда Гюго готика услубида¹ ёзилган **«Исландиялик Ган»** («Hau d'Islande») номли романини чоп қилган. Роман юзасидан Шарл Нодъенинг асосли танқидий мақоласи Гюгонинг у билан учрашишига ва дўст бўлишига олиб келган. Ушбу асар шоирнинг романтизм йўлида қўйилган энг биринчи қадами бўлган. Ўша даврларда Гюго отасига бағишлаб **«Отамга қасида»** («Odes à mon père») ҳамда **«Жангдан сўнг»** («Après la bataille») номли поэмаларини битган.

1826 йилда ёзилган **«Бюг Жаргал»** («Bug Jargal») ёзувчининг илк асарларидан бири бўлган. Асарда 1791 йилда Франция мустамлакаларидан бири Сан-Домингода бўлиб ўтган ҳабашлар қўзғолони ҳақида сўз юритилади ва у ердаги қулчилик истибдодига қарши чиққан халқнинг уқубатли ҳамда аянчли ҳаёти тасвирланган.

Гюго «романтик» математик ва истеъдодли актёр ҳам бўлган. У Мольер каби ўз пьесалари асосий қаҳрамонларининг родини ўзи ижро этган. Шунингдек, «Гораций» қасидасини ва «Вергилия» асаридан парчаларни француз тилига таржима қилган.

Адибнинг танқидий мақолалари Вольтер, В.Скотт, Ламеннэ каби ёзувчи-файласуфларнинг асарларига ўз таъсирини ўтказган. Чунки Гюго ҳар қандай уруш ва зўравонликка қарши чиқиб, ХХ аср

¹ Готика услуби – готика услубидаги архитектура; Германияда ва баъзи бошқа мамлакатларда меъморчиликда қўлланиладиган усли шрифт.

тинчлик ва меҳнат асри бўлишига ишонган: **«Тинчлик ғояси бутун дунёда – барча миллатларнинг бойлиги, улар олий эзгулик бўлган тинчлик тарафдори. Ва ниҳоят, уруш ўрнига ақл келадиган бўлди. Тинчлик ғояси шу қадар ҳаёлийми? Бу амалга ошмайдими? «Позитивист» бўлишни истайдиган одамлар, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ифвогар фитначи, қари беқарор сиёсатбозлар – ҳа, бу ҳаёлий (утопия), деб жавоб берадилар. Мен ҳеч иккиланмасдан жавоб бераман: йўқ, бу ҳаёлий эмас (қарсақлар) ва буни исботлайман. Бутун дунёда тинчликка эришиш мумкин ва бу муқаррар, деб айтаман».**

Гюгонинг 1829 йилда **«Ўлимга ҳукм қилинган кишининг сўнгги куни»** («Le dernier jour d'un condamné») номли ҳикояси **Чарльз Диккенс, Фёдор Достоевский, Албер Камю** каби машҳур ёзувчиларнинг ижодига катта таъсир қўрсатган. 1834 йилда **«Клод Гё»** («Claude Gueux»)¹ асари нашрдан чиққан. «Ўлимга ҳукм қилинган кишининг сўнгги куни» ҳамда «Клод Гё» номли асарларида Гюго ўзининг ўлим жазосига бўлган салбий қарашларини ёзган. Гюгонинг чўқинтирган отаси генераль Фанно де Лагорининг қамалиши ва қатл этилиши Викторнинг нозик қалбида чуқур дард ва беҳад алам қолдирган.

Шунингдек, Гюгонинг «Шарқона» номли асарлар тўплами ҳам 1829 йил 14 январда дунё юзини кўрган ва замондошларини образлар бойлиги, вазнлар ранг-баранглиги ҳамда усуллар жилоси билан лол қолдирган. Тўплам шеърларининг нозик ифо-

¹ Гюго В. Клод Гё// Виктор Гюго. Собрание сочинений в десяти томах. Т. I. – М.: «Правда», 1972. – С. 189-216.

даси Жерико ва Делакруанинг романтик тасвирларига яқинлаштиради. Гюго ўлиmidан кейин Француз Академиясига унинг ўрнига келган Леконт де Лиль Академияда сўзлаган ўзининг кириш нутқида «Шарқона»га «барча келажак авлод учун шеъриятнинг ҳақиқий кашфиёти» деб баҳо берган.

Виктор Гюго 1841 йилда Француз Академияси аъзолигига сайланган. Гюго шоир, драматург ва ёзувчи бўлибгина қолмай, сиёсий арбоб ҳам бўлган. 1842 йилда Гюгонинг **«Рейн»** («Le Rhin») номли китоби чоп этилган. Бунда Гюго халқаро сиёсатни ривожлантириш соҳасида Франция ва Германия ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш дастурларини баён қилган.

Қирол Луи Филипп Гюгони 1845 йилда Францияда олий дворянлик унвони ҳисобланадиган Пэр унвони билан тақдирлаган¹. Бироқ давлат ҳокимияти тепасига 1851 йилда Наполеон III келганидан сўнг, Гюго Францияни тарк этишга мажбур бўлган. Гюго шу тариқа 20 йил давомида чет мамлакатларда муҳожирликда яшаган. Бунга сабаб эса унинг инсон ҳуқуқларига оид фикрлари бўлган: **«Жабр-зулмни ёмон кўраман. Ерда эса мустамлака халқлар босқинчилар зулми остида эзилиб ётибди. Туркия оёғи остидан Греция эзилганини, қонга беланган Ирландиянинг тугаётганини, Австрия ўзининг ҳассаси билан шармандаларча венециан шерни синдиришини, Вена тирноқлари билан Миланни ушлаб тураётганини кўрсам, мен ҳамма тиранларни лаънатлайман. Мен шоирни судья деб ҳис қиламан. Ўшанда мен**

¹ Oumbarov N., Soatjonov I. Histoire de la littérature française. – Т.: Oqituvchi, 2002. –Р. 118.

ёқимли қўшиқларни ташлайман ва ўзимнинг лирамга¹ мис торини қўшаман»².

Гюго 1870 йилда Францияга қайтиб келган. Орадан олти йил ўтгач эса сенатор этиб сайланган.

Виктор Гюго XIX асрнинг учта инқилоби гувоҳи бўлган. Адибнинг кўз олдида иккита империя қулаган, француз тахтида сулолалар алмашинувини кўрган. Унинг ўзи бўлиб ўтган ҳамма сиёсий ҳодисаларнинг марказида бўлган. Инсон ҳуқуқларининг чеклаб қўйилишига қарши чиққан, ҳақорат қилинганларни, хўрланганларни, камситилганларни ҳимоя қилган. Гюго ўз ҳаётини бир неча бор хавф остига қўйган, узоқ йиллар мобайнида Франциядан ташқарида сиёсий қувғинликда яшашга мажбур бўлган. Лекин бунга қарамасдан, Гюго ўзининг демократик қарашларига содиқ қолган³.

Гюго **«Инсоннинг биринчи эҳтиёжи, биринчи ҳуқуқи, биринчи бурчи бу – Озодликдир»**, деб такрор ва такрор айтишдан тўхтамаган. 1789 йилдаги Франция инқилоби Гюго ижодининг асосий илҳомлантирувчиси ҳисобланди. Унинг таъкидлашича: **«Инқилоб, бутун инқилобнинг ҳаммаси – XIX аср адабиётининг манбаи ҳисобланади. Романтизм ва социализм бир хил ҳодисанинг ўзи демакдир»⁴.**

¹ Лира – Юнонистонда: чертиб чалинадиган торли мусиқа асбоби; поэтик ижодиёт рамзи, илҳом париси; бу ерда шеърый ижодиёт.

² Иванов Г.В., Калюжная Л.С., 100 великих писателей. – М.: Вече, 2006. – С. 212-213.

³ 100 великих мастеров прозы / Грудкина Т.В., Куберева Н.П., Мешеряков В.П., Сербул М.Н. – М.: Вече, 2007. – С. 131.

⁴ 100 великих писателей / Г.В.Иванов, Л.С.Калюжная. – М.: Вече, 2006. – С. 212.

Гюго озодлик учун курашни театр сахналаридан бошлаган. Гюго **«Эрнани»** («Hernani», 1829)¹, **«Шоҳона ишрат»** («Le roi s’amuse», 1832)², **«Лукреция Боржа»** («Lucrece Borgia», 1832), **«Мария Тюдор»** («Marie Tudor», 1833), **«Анжело, падулик тиран»** («Angelo, tyran de Padoue», 1835), **«Рюи Блаз»** («Ruy Blas», 1838), **«Денгиз заҳматкашлари»** («Travailleurs de la mer», 1866)³ номли асарлар ёзган. Рус тадқиқотчиси Л. Андреев: **«Гюгонинг барча драмалари – ўзига хос инсон ҳуқуқлари декларацияси»**⁴, деб баҳолаган.

1885 йилнинг 22 майида Виктор Гюго Париж шаҳрида Вольтер ва Гёте каби⁵ 83 ёшида оламдан ўтган. Ушбу кун бутун Францияда мотам куни деб эълон қилинган ва уни сўнгги манзилга кузатиш учун Европанинг турли бурчакларидан икки миллиондан ортиқ инсонлар келишган⁶.

Унинг асарларини бутун Европа қитъаси севиб ўқиган. Дарвоқе, Виктор Гюго келажакни кўра оладиган ва истиқболларни белгилашга қодир кучли сиёсатчи ҳам бўлган. Хусусан, Виктор Гюго 1849 йилнинг 21 августида Парижда бўлиб ўтган 3-Халқаро тинчлик конгрессида Европа Иттифоқи ташкил топишидан деярли бир аср олдин

¹ Гюго В. Эрнани // Виктор Гюго. Собрание сочинений в десяти томах. Т. II. – М.: “Правда”, 1972. – С. 5-151.

² Гюго В. Корол забавляется // Виктор Гюго. Собрание сочинений в десяти томах. Т. II. – М.: “Правда”, 1972. – С. 153-292.

³ Гюго В. Трудники моря // Виктор Гюго. Собрание сочинений в десяти томах. Т. VIII. – М.: “Правда”, 1972. – 440 с.

⁴ 100 великих мастеров прозы / Грудкина Т.В., Куберева Н.П., Мешеряков В.П., Сербул М.Н., – М.: Вече, 2006. – С. 130-131.

⁵ Philippe Malaurie. Droit et littérature. Une anthologie. – Paris: Editions Cujas, 1997. – P.220.

⁶ 100 великих мастеров прозы / Грудкина Т.В., Куберева Н.П., Мешеряков В.П., Сербул М.Н., – М.: Вече, 2006. – С. 135.

«Европа фуқароси» ва «Бирлашган Европа давлатлари» ҳақидаги ғояларни илгари сурган¹.

Виктор Гюго асарлари, хусусан, **шеърлари – жамоат қораловчиси**². Уларда қонли давлат тўнтаришлари, мансаб билан боғлиқ жиноятлар қаттиқ қораланган ва жиноятчиларга нисбатан оғир ҳукм чиқаришни талаб қилган. Адиб меҳнат қилмай бойлик орттиришга ҳирс қўйган, одамга зулм қилувчи боёнлардан нафратланган ва ўзининг иқтидорли истеъдодини тамоман француз халқига бағишлаган³. Балки, шу боис ҳам, унинг асарлари ҳуқуқ оламидан кенг жой олган.

Виктор Гюго ҳаётининг биринчи қисмида ўнг томонда, яъни, роялист⁴ (дастлаб легитимист⁵, сўнгра орлеанист⁶) ва ажабмас католик ҳам бўлган. Иккинчи қисмида эса, 1851 йилдан бошлаб сўл томонда, яъни, деист⁷, антиклеркиалчи⁸,

¹ Article 17 de la version consolidée du Traité instituant la Communauté Européenne // Journal officiel n° C 325 du 24 décembre 2002.

² Андреев Л.Г., Козлова Н.П., Косиков Г.К. История французской литературы. – Москва: “Высшая школа”, 1987. – С. 310.

³ Қодир Мирмуҳамедов. Виктор Гюго // Жаҳон адабиёти, 2003, №2. – 80-81 бетлар.

⁴ Роялист – монархиячи, монархизм тарафдори, Қирол ҳокимиятини ёқловчи.

⁵ Легитимист – Францияда давлат тузилишининг бош таъмоили ҳокимиятнинг наслдан-наслга мерос бўлиб ўтишидир, деб қараган сиёсий йўналиш тарафдорлари.

⁶ Орлеанист – Франциядаги Орлеан уйи, яъни, 1830 йилдан Қирол Луи Филипп ва унинг хонадони тарафдори.

⁷ Деист – Худони тан олувчи, лекин унинг табиат тараққиётига дахли йўқ деб билувчи диний-фалсафий таълимот тарафдори.

⁸ Антиклеркиалчи – мамлакатнинг сиёсий ва маданий ҳаётида черков таъсирини кучайтиришга қаратилган реакцион оқимга қарши чиқувчи.

пешқадам демократ, кучсиз социалист бўлган. Шу билан бирга, Гюго инсоний қонунлардан ҳам юқори турувчи муҳаббат, адолат, озодлик ва биродарлик каби тушунчаларга ибодат қилувчи ҳамда ҳуқуқий дунёқараши эҳтиросли романтикага бой, замондош шогирдларига эса намунали устоз ҳисобланган.

Гюго сургун қилиш жазосини ва қуликни бекор қилиш, умумий сайлов ҳуқуқи, феминизм¹, давлат таълим тизимининг дунёвийлиги ва хусусий таълим тизимининг эркинлиги учун курашган. Ҳуқуқ, айниқса, ўта романтик ҳуқуқ ижодининг диққат марказида бўлган. XIX аср тарихининг энг юридик даври бўлса керак, чунки **Гюго қонун устуворлигига қаттиқ ишонган**².

Ф.М.Достоевский Гюгонинг **«Париж Биби Марьям ибодатхонаси»**³ романининг рус тилидаги наشري сўзбошисида қуйидагиларни ёзган: **«Унинг фикри ўн тўққизинчи аср бутун санъатининг асосий тафаккурдир, Виктор Гюгонинг ана шу ғояларидан маълумки, у расом каби биринчи башоратгўйлардан ҳисобланади. Бу насроний ва хушахлоқ фикрдир. Формуласи – жамият бидъатлари ва аср касодлиги, адолатсиз истибдодидан эзилган, ҳалок бўлган инсоннинг қайта тикланиши. Бу фикр жамият гаровларидан ҳар томонлама ҳўрланган ва камситилганларни оқлашдир.**

¹ Феминизм – аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши учун курашувчи хотин-қизлар ҳаракати.

² Philippe Malaurie. Droit et littérature. Une anthologie. -Paris: Editions Cujas, 1997. -P.221.

³ Айрим таржимонлар ушбу асар номини ўзбек тилига “Париждаги биби Марьям жомеси” деб ҳам таржима қиладилар.

Албатта, масалан, «Париж Биби Марьям ибодатхонаси» каби бадий асарда киноя (аллегория) ақлга сифмас. Квазимодо даҳшатли жисмоний куч билангина қобилиятли, бироқ охир-оқибат муҳаббат ва адолатга ташналик уйғотадиган, шулар билан биргаликда ўз ҳақиқатини англаши ва туганмас кучларини ҳали ишлатилмаган, лоқайд ва расво ўрта аср француз халқи томонидан ҳазар қилинган ва хўрланганлар тимсоли эканлиги кимнинг ҳам хаёлига келмайди».

1862 йилда Гюго салкам 30 йил ёзган «**Хўрланганлар**» («Les Misérables»)¹ романини тугатган. **Ф.М.Достоевский** уни ҳатто ўзининг «**Жиноят ва жазо**» романидан ҳам устун қўйган. У бу асарга алоҳида эътибор бериб, «Хўрланганлар» каби асарлар жамиятни қайта қуришга қодир, деб ҳисоблаган.

Ушбу қизиқарли, саргузаштли роман асосида ижтимоий муаммолар ётади. Очликдан ўлаётган жиянларига нон ўғирлагани учун йигирма йилга маҳкум этилган собиқ каторгачи Жан Вальжан ибодатхонадан кумуш қандил ўғирлагани боис яна судланишига оз қолади, бироқ руҳоний (епископ) уни қутқариб қолади. Руҳонийнинг ушбу ҳаракати Жанни шу даражада ҳайратда қолдирадигани, вақт ўтиши билан у ахлоқан қайта туғилгандек зоҳид ва тақводорга айланади ҳамда умрининг охиригача ёрдамга муҳтожларга холис хизмат кўрсатади.

Муаллиф ўзининг «**Хўрланганлар**» асарида айбсизлик (бегуноҳлик) ва айбдорлик ўртасидаги

¹ Гюго В. Отверженные // Виктор Гюго. Собрание сочинений в десяти томах. Т. IV-VII. – М.: “Правда”, 1972.

фарқни бекор қилган, чунки ушбу тушунчалар ёлгон қонунлар ҳисобланадиган инсоний қонунлардан келиб чиқади. Гап ҳуқуқ сарҳадларидан бири ҳисобланадиган биродарлик ва озодлик ҳақида боради. Бунга мисол қилиб, Жавернинг ўз жонига суиқасд қилиши ҳақидаги ҳикояни келтириш мумкин.

Асар қаҳрамони Жавер қамоқхонада дунёга келган, улғайиб, полиция нозири бўлишга муяссар бўлган. Жавер қонунни муқаддас ва илоҳий ҳуқуқ деб билган. Унинг ашаддий душмани Жан Вальжан эса қонундан ҳам юқори турувчи биродарлик ва бирдамлик, меҳрибонлик ва муҳаббат каби инсоний қадриятларга содиқ қолган. Воқеалар ривожини давомида, яъни, Жавер жанглардан бирида Жан Вальжан томонидан қутқарилиши ҳуқуқбузар Жанни қамоққа олмасликка сабаб бўлган. Бироқ ўз принципига доим содиқ қоладиган полициячи, бир томондан, қонун олдидаги бурчи, иккинчи томондан, душмани ёрдамида кашф этилган янги инсоний қадриятлари наздида виждонан ночор аҳволга тушиб қолган. Ички дунёсида аросатда яккаланиб қолган Жавер Париж шаҳридаги Адолат майдони (Palais de Justice) яқинидаги Биби Марьям кўпригидан ўзини Сена дарёсига ташлаб, ғарқ бўлган¹.

Романда 1832 йилдаги Париж кўзғолонининг қаҳрамонлари ҳалок бўлиши каби халқ ҳаётидан иборат кўпгина драматик саҳналар жой олган. Болалиқдан ҳаммамиз Гаврош тарихини ёдда тутамиз. Гаврош – ушбу романнинг қаҳрамонларидан бири.

¹ Victor Hugo, Les Misérables, Javert déraillé, V, VI. –Paris: Pléiade, P. 1345 – 1354.

Баррикадада пайдо бўлиб қолган Жан Вальжан жангда иштирок этмайди, у сиёсатдан ташқарида, у руҳонийнинг маънавий ўғлидир. Лекин Вальжан Мариусни қутқариб, ҳақиқий қаҳрамонга айланади. Келажак ҳаққи-ҳурмати учун ҳам, Козетани бахтли қилиш учун ҳам қутқаради. Бироқ ушбу хатти-ҳаракат рамзий маънода Францияни бахтли қилиш имконияти сифатида тушунилади. Гюго баррикадалар ижтимоий муаммоларни ҳал қила олмаслиги ҳақида хулосага келган. Бироқ Буюк Инқилобни бошдан кечириб, асосий қаҳрамон Жан Вальжан эзулик ва адолат ҳаворийсига айланади.

Гюго кейинги **«Тўқсон учинчи йил»**¹ романида инқилобни замонавий цивилизация эриб кетаётган «тозаловчи аланга» сифатида тасвирлаган. Лекин бунда сиёсат ва одоб-ахлоқни янада юқорироқ даражага кўтарган. Ёзувчи учун «инсоний абсолют» Адолат ва Ҳақиқатнинг энг олий мезонига айланади. Сиёсат нуқтаи назаридан адолатли Говэнга ҳукм чиқариши билан Симурдин ўзини ўзи ўлдиради.

Гюго умрининг якунида: **«Биз тараққиётга нишаб сўқмоқ йўл билан бормоқчимиз... Худонинг барча сиёсати ҳам нотекис йўлларни силлиқлашдадир»**, – деган фикрга келган.

Ўлим жазосига қарши илғор қарашлари Виктор Гюгонинг ижодида йирик кўламдаги мавзу ҳисобланган. Чунки у болалигидан бошлаб ўлим жазоси ижросининг шоҳиди бўлган ва ана шу жазо турини бекор қилиш бўйича бутун ижодий ва сиёсий кучини сафарбар этган. Ўлим жазосининг адолатсизлиги, шафқатсизлиги ва

¹ Гюго В. Девяносто третий год // Виктор Гюго. Собрание сочинений в десяти томах. Т. X. – М.: “Правда”, 1972.

бефойдалиги муаллифнинг ёшлигида ёзилган асосан иккита асарида **«Ўлимга ҳукм қилинган кишининг сўнгги куни»** ва **«Клод Гё»**да ўз аксини топган.

Хусусан, Гюгонинг **«Ўлимга ҳукм қилинган кишининг сўнгги куни»** асари сўзбошиси қуйидаги жумлалар билан якун топган: **«Ўтмишдаги ижтимоий тизим учта устунга, яъни, руҳоний, қирол ва жаллодга асосланарди. Худолар ўтарлар, дея қандайдир овоз янграганига анча бўлди. Яқинда эса, қироллар ўтарлар, дея яна қандайдир овоз ўрнидан туриб қичқирди. Учинчи бир овоз туриб, жаллодлар ҳам кетсин, дейиш вақти келди!**

Шу аснода эски жамиятнинг тошлари бирин-кетин қулай бошлайди. Худоларга раҳми келганларга – Худо қолади, – дея олишди. Қиролларга раҳми келганларга – Ватан қолар. Жаллодларга раҳми келганларга эса – айтишга гап йўқ. Аммо жаллод билан тартиб ҳам йўқолади, деганига ишонманглар. Келгуси жамият гумбази ушбу даҳшатли калитсиз қуламайди».¹

1832 йилда Франция ўзининг жиноят қонунчилигини ислоҳ қилган, авваллари олий жазо назарда тутилган ёнгин содир этиш, пул бирликларини ясаш ва қалбакилаштириш, мураккаб ўғрилиқ каби 9 та жиноят бўйича ўлим жазоси бекор қилинган. Жиноят қонунчилигини либераллаштиришда Гюгонинг асарлари самара берган бўлса ажаб эмас.²

¹ Philippe Malaurie. Droit et littérature. Une anthologie. – Paris: Editions Cujas, 1997. -P.227.

² Josette Acher. Victor Hugo: le droit contre la langue juridique. // L'Écho Hugo, Bulletin de la Société des Amis de Victor Hugo, 2003, N°3, P. 129-147(19)

Судьяларнинг адолатсизлиги тўғрисида эса Гюгонинг 1853 йилда ёзилган «**Жазо**» («Les Châtiments») сатирик поэмасига мурожаат қилиш кифоя. Ундаги жиноят, жазо ва гуноҳни ювиш масаласи – гўё уч оғайни ботирлар. 1851 йилнинг 2 декабрида бўлиб ўтган давлат тўнтариши оқибатида муаллиф сургун қилинган. Наполеон III режимида қарши ёзилган ушбу поэмада иккита жиноят, яъни, биринчиси бу Луи Наполеон Бонапарт томонидан амалга оширилган «18-брюмер» номи билан машҳур давлат тўнтариши бўлса, иккинчиси, ушбу жиноятнинг давоми «гуноҳни ювиш» репрессияларидир.

Виктор Гюго Бонапартнинг ҳокимиятни зўрлик билан олиш жиноятини Францияга қарши қўл кўтариш, унинг Иккинчи Республикага берган қасамёди олдида эса ҳақорат ва шармандалик деб баҳолаган.

Адиб қонуннинг халоскорлик хусусиятини ҳам чиройли тарзда очиб берган. Қонун адолатли киши томонидан татбиқ этилса, у халоскорлик вазифасини ўтайди. Масалан, «**Жўрланганлар**»даги йўқчилик оқибатида фоҳишабозлик қилишга мажбур бўлган Фантин ҳақидаги воқеани эсга олиш етарли. Уни бир шаҳарлик бой киши камситиб, бўйнини қор билан қоплаб ташлагани учун тарсаки туширганида Фантинни полиция ходими қамоққа олиб кетган. Бу ҳолатдан хабар топган шаҳар ҳокими уни озод этиш учун полиция маҳкамасига ташриф буюрса, чаласавод полициячи ўзича юзаки тарзда кўчадаги ички ишларга ҳоким эмас, балки полиция масъулигини айтган. Бироқ ҳоким: «Жиноий-процессуал кодекснинг 166-моддасига кўра аёл дарҳол озод қилинсин!»¹ дея мот қилган.

¹ Victor Hugo, Les Misérables, I, V, 13. -Paris: Pléiade. -P. 200 et s.

Виктор Гюго жиноят ва жазо ўртасидаги муносабат ҳақида сўз юритар экан, ҳуқуқбузар жиноятчилар айбдор бўлишидан кўра кўпроқ жабрланувчига айланганлар. Бундай бўлишга асосий жавобгар сифатида: **«Халқ оч ва юпун. Қашшоқлик уни жиноят сари йўлламоқда, фақш ботқоғига чўктирмоқда. Ўғилларини қамоқхоналар, қизларини фоҳишахоналар тортиб олаётган халққа раҳмингиз келсин. Бизда маҳбуслар кўпайиб кетди, фоҳишалар кўпайиб кетди»**¹, деб жамиятни қоралаган. Ёки бўлмаса, Жан Вальжаннинг тақдирига эътибор қаратсак, бир бурда нон ўғирлагани учун 5 йил азобда қамоқ жазосини ўтаган: **«У ўз қилмишини тан оларди. Ўзига ўзи савол берарди: балки ишли бўлганимда шунақа бўлмасди. Ўзимни оқлашдан не фойда?! Лекин тарозидаги қилмиш билан жазо палласи ҳар доим ҳам тенг бўлавермас...»**.²

Гюго танҳо адабиётнинг ўзигина бунга, афсуски, кучи етмаслигини яхши билган. Шунинг учун у сиёсий-ҳуқуқий қарашларини амалга ошириш учун дастлаб Пэрлар палатаси, Миллий мажлис ва Сенат каби олий давлат идораларининг юқори минбарларидан туриб нутқлар сўзлаган: **«... Жаноблар, инсонга тегишли бўлмаган ва Худога хос бекор этиб бўлмас, тузатилмас ва ажралмас уч нарса бор. Агар уларни қонунларга киритса, инсон бадбахт бўлажак. Эртами-кечми, ўз вазни билан жамиятни буклаб, қонунлар ва одатлар мувозанатини бузадилар ҳамда**

¹ Қодир Мирмуҳамедов. Виктор Гюго. // Жаҳон адабиёти, 2003, №2. -80-96 бетлар.

² Victor Hugo, Les Misérables, I, II, 7, –Paris: Pléiade. –P. 97.

инсоний адолатни издан чиқарадилар. Бу ҳақда чуқур ўйлашнинг вақти келди, жаноблар, даҳшатли қонун ва виждон...».¹

Жиноят ҳуқуқидан ташқари Гюго муаллифлик ҳуқуқи ҳақида ҳам ўзининг нодир фикрларини баён этган. Жумладан, китоб муаллифга тегишли, ундаги сўзлар эса тафаккур каби инсоният-никидир. Айнан мана шу ғоялар муаллифи сифатида Виктор Гюго ташаббуси билан 1886 йил 9 сентябрда Швейцариянинг Берн шаҳрида **«Адабий ва бадий асарларни ҳимоя қилиш бўйича Берн Конвенцияси»**² қабул қилинган. Бу ҳужжат шартномавий ҳуқуқнинг асосларидан бири бўлиб, асарлар халқаро ҳимоясининг ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

Хуллас, даставвал Виктор Гюго аксарият китобхонлар томонидан француз шоири ва ёзувчиси, атоқли адиб сифатида кашф этилган бўлса, унинг ҳуқуқий қарашлари билан яқиндан танишгандан сўнг эндиликда Гюгонинг ҳуқуқшунос эканлигига ҳам тўла ишонч ҳосил қилиш табиий ҳолдир. Чунки Виктор Гюго исмини эсламасдан Франция ҳуқуқий ва сиёсий тарихини ўрганиб бўлмайди. Адабиётчилар унинг ҳатто романтик асарларида ҳам ҳеч бўлмаса бирор юридик атама ёки ҳуқуқ масаласига дуч келадилар. Зеро, **Гюго адабиётдан ҳуқуқ, ҳуқуқдан эса адабиёт яратган буюк ихтирочидир.**

Виктор Гюго истейдоди фақатгина оламшумул шоирлар чиқа оладиган чўққиларни забт этган.

¹ Discours de Victor Hugo devant l'Assemblée constituante, 15 septembre, 1848.

² Convention de Berne pour la protection des œuvres littéraires et artistiques, 1886.

Унинг ижодида романтик ва реалистик элементларнинг уйғунлашиши туфайли француз шеъриятида янги йўналишга асос солинган. Вақт ўтиши билан ушбу йўналиш улкан оқимга айланиб, кейинги адабий асарларга ўз таъсирини ўтказган. Балки шу боис ҳам Густав Флобер Виктор Гюгони ўзининг биринчи ва энг мўътабар устози деб санаган ва бошқа бир машҳур танқидчи эса унинг француз адабиётига таъсирини «чексиз» деб атаган. Теодор де Банвиль эса Гюго ҳақида шундай деган: **«У ҳаётлик чоғидаёқ мангу боқийликка сазовор бўлди».**

*Акмал САЙДОВ,
профессор*

КЛОД ГЁ¹

«Клод Гё» (*Claude Gueux*) Виктор Гюгонинг қиссаси ҳисобланиб, 1834 йилда чоп этилган, муаллиф ушбу асар ёрдамида ўлим жазосига қарши ўз фикр-мулоҳазаларини илгари сурган. Роман ҳақиқатда бўлиб ўтган воқеаларга асосланади. 1832 йил 19 мартда Клод Гё исмли кишини одам ўлдирганликда айблаб, уни ўлимга маҳкум этилганлиги ҳақидаги жиноий иш материалларидан олинган маълумот даврий босма нашрлардан бири «Суд газетаси»да чоп этилган. Мақола тугатилгандан тўрт кун ўтиб, «Ўлимга ҳукм қилинган кишининг сўнгги куни» ҳикоясига сўзбоши бўлиб кирган. Ёзувчи дарҳол Клод Гё ҳақида нутқ ёза бошлаган. Бироқ Гё 1832 йил 8 июнда Труа шаҳрида қатл этилган. Виктор Гюгонинг ушбу асари судланганнинг ўлимидан кейинги ҳимоясига айланган. Муаллиф «Ўлимга ҳукм қилинган кишининг сўнгги куни» ҳикоясида жиноят моҳияти билан овора бўлган бўлса, бу асарда эса жамиятнинг ўзи кишини жиноят сари бошлаши каби масалаларни кўндаланг қўйган. **Бальзак** бундай асарларни **«рассом, ёзувчи, шоир барқ этган истеъдоди билан яратдиган асарлар»** сирасига киритган.

Шу тариқа, Гюго жиноятчи олдида жамиятнинг роли ва вазифалари ҳақида мушоҳада юритиб, очликдан ва совуқдан азият чекадиган халқ жиноят қилишгача бориши, «бемор халқ»қа эса «тўғри даво» бермаётган жамиятни қоралаган. Қиссада ижтимоий тенгсизлик қурбони Клод Гё исмли қаҳрамоннинг фожиавий тақдири ҳақида, яъни унинг қил-

¹ Виктор Гюго. Клод Гё // Қодир Мирмуҳамедов таржимаси // Жаҳон адабиёти, 2003, 2-сон. - 80-96 бетлар.

ган қилмиши, ўғрилиқ жинояти учун чора қўлланиши, қўлланганда ҳам олий жазо қўлланишининг ачинарли манзараси оқ-қора бўёқларда тасвирланган.

Мазкур қиссанинг ўзбек тилига таржимаси тажрибали ва моҳир таржимон Қодир Мирмуҳамедов томонидан амалга оширилган бўлиб, илк бор китоб шаклида эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Бундан етти ё саккиз йил аввал Парижда Клод Гё исмли қашшоқ бир ишчи бўларди. У ўзининг маъшуқаси ва битта боласи билан яшарди. Мен ҳақиқатда бўлиб ўтган воқеани ёзипманки, мазкур воқеа жараёни китобхонга унинг ибратли мазмунини яққол намоён этсин. Бу ишчи йигит ақлли, лаёқатли, уддабурон одам бўлса ҳам, маълумоти йўқ эди, аммо табиат уни ўз фазилатларидан бенасиб қилмаган эди; гарчи у саводсиз бўлса ҳам, фикрлаш лаёқати яхши эди. Қиш кунларининг бирида у иш тополмай бекорчи бўлиб қолди. Кулбасида на ейишга нони, на ёқишга ўтини қолган эди. Эр, хотин ва бола аёз ва очликдан азоб чека бошлашди. Шунда Клод ўғирлик қилди. Унинг нима ўғирлаганини ҳам, қаердан ўғирлаганини ҳам айтолмайман. Фақат биламанки, ўша ўғирликдан кейин хотини билан боласи уч кунгача қоринлари нонга тўйиб, иссиқ кулбада яшашди, йигит эса беш йилга қамоққа ҳукм қилинди.

Жазо муддатини ўташ учун уни Клерво Марказий қамоқхонасига жўнатишди. Клерво – бу сургунгоҳга айлантирилган ибодатхона, камерага айлантирилган роҳиблар ҳужраси, сазойигоҳга айлантирилган меҳроб. Айрим одамлар тараққиётни мана шу тарзда тушунадилар ва шу зайлда

уни амалга оширадилар. Улар «тараққиёт» сўзини мана шундай маънода ифодалядилар.

Келинг, ҳикоямни давом эттирай.

Қамоқда уни кечасига камерага қамашар, кундуз эса турма ихтиёридаги устахонага олиб боришарди. Лекин айтиб қўйишим керак, мен маҳбусларнинг устахонада ишлашларини қораламоқчи эмасман.

Бир пайтлар ҳалол ишчи бўлган, эндиликда ўғри ҳисобланган Клод Гёнинг қиёфасидан салобат ва улугворлик уфуриб турарди. У ёш бўлишига қарамай, ҳалитдан пешанаси ажинлардан бурушган, тим қора сочлари орасида бир нечта оқ толалар пайдо бўлган эди, чиройли қайрилма қошлари остидаги чуқур жойлашган кўзлари мутеона, аммо дадил боқарди, унинг бурун катаклари кенг, ияги бақувват, оғзи нафратона чирт юмилган. У хушрўй йигит эди. Ҳали жамият уни не кўйга солганини кўрамиз.

У камсухан, ҳаракатлари камтарона эди, унинг важоҳатида қандайдир доҳилий қувват мавжуд эдики, бу нарса атрофидаги одамларни унга итоат этишга ундарди. У доим ўйчан юрар, гарчи, чехраси жиддий кўринса ҳам, асло изтиробли эмас эди. Ҳолбуки, у ҳаётда беадад изтироблар чекканди.

Клод Гё ҳибс этилган қамоқхонанинг бош ноziри, бу ернинг мансабдор шахси бўлиб, айна пайтда у ҳам нозир, ҳам ишбоши ҳисобланарди – у маҳбусларга худди ишбошидек иш буюраркан, қўлларига асбоб-ускуналар тутқизар ва бош нозир сифатида уларнинг оёқларига кишан уриб, назорат қиларди. Клерво қамоқхонасининг бу бош нозири қаҳри қаттиқ, золимтабиат ва шу билан бирга, калтабин одамлар тоифасидан бўлиб, маҳбусларга ўз ҳукмини ўтказишни яхши кўрар эди,

лекин зарурат туғилган пайтларда, у ўзини дўлвор, оқкўнгил одам қилиб кўрсата олар, ҳатто ҳазил-хузулга, ўйин-кулгуга ҳам мойиллик билдирарди. Қаттиққўл бўлишдан ҳам кўра кўпроқ қайсартабиат бўлган бу одам ҳеч кимнинг фикр-мулоҳаза юритишига йўл қўймас, мулоҳаза қилишни ҳуш кўрмасди. Эҳтимол, у оилада яхши эр, меҳрибон ота ҳамдир, лекин бу ҳар бир эркакнинг бурчи, зинҳор фазилати эмас, қисқаси, уни ёвуз одам деб ҳам, яхши одам деб ҳам бўлмасди. У шундай тоифа одамлар жумласидан эдики, бундайлар на ғам-хўрлик қилишни, на мушфиқликни билади, бундайларга ҳеч қандай мулоҳаза, ҳеч қандай оғир кечинма таъсир этмайди, бундай одамлар одатда, ёвузтабиат, ичи қора бўлади, раҳм-шафқат нима-лигини билмай, нафрат ўтида ёнадилар – ёнадилар-у, аммо исина олмайдилар, зеро, уларнинг қалбига илиқ, одамий ҳиссиётлар бегона. Бундай одамларни бир томони ёнаётган бўлса ҳам иккинчи томонига ҳеч бир иссиқ ўтмайдиган ёғочга ўхшатиш мумкин. Бу одамнинг табиатида энг муҳим ва асосий хусусият – қатъиятлилиқ эди. У ўзидаги мана шу қатъийлик хислатидан фахрланар ва доим ўзини Наполеонга қиёс қиларди. Лекин бу фақат хомхаёл эди. Шунга қарамай, бундай хомхаёллар домига илинган, ўжарликни ирода кучи деб, маълум масофадаги шам шуъласини юлдуз деб эътироф этувчилар орамизда ҳали ҳам топилиб туради. У биронта бемаъни фикрга шу тўғри, деб ёпишиб олса ёки ўзи шундай бир бемаъни иш қилса, унинг хато қилаётганини исботлаш учун қанчадан-қанча мақбул ва одил далиллар келтирган бўлишига қарамай, ўз фикрида оёқ тираб туриб олар ва бу билан ўз феъли қудратини намойиш қилмоқчи бўларди. Бемулоҳаза ўжарлик – шундай бир тентакликки, у аҳмоқлик билан ўпишиб кўри-

шади ва бора-бора, муқаррар шу аҳмоқлик мақомига етишади. Бундай ўжарлик жуда кўп нарсаларга мубтало қилиши мумкин. Филҳақиқат, мабодо бирон жамоатчиликнинг ё бирон бир шахснинг бошига оғир мусибат ёхуд фалокат тушса-ю, биз бу фалокат сабабини билиш учун унинг оқибатларини кўздан кечиргудек бўлсак, деярли ҳамма вақт ўшал фалокат ўзининг ҳақ эканлигига кўркўрона ишонувчи қандайдир ўзига бино қўйган, калондимоғ нокас ва ўлгудек қайсар одамнинг айби билан юз берганининг шоҳиди бўламиз. Ўзининг хоҳиш-иродасини тақдир деб ва ўзини пайғамбар деб ҳисобловчи бундай нотавон ва ҳақир одамлар бу дунёда ҳали кўп учрайди.

Клерво Марказий турмаси устахонасининг бош нозири мана шундай одамлардан эди.

Жамоатчилик кун-уззукун айнан мана шунақа чақмоқ тошни маҳбусларга уриб, учқун чиқариш ва олов олдириш билан машғул бўлади.

Бундай чақмоқ тошнинг метин тошга тинмай урилаверишидан ҳосил бўлган учқун кўпинча ёнғинларни вужудга келтирарди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Клервога ҳибс этилган Клод Гё қамоқхона қошидаги устахонага ишга тайинланган ва у маълум бир иш билан таъминланган эди. Устахонанинг бош нозири Клод билан яқиндан танишиб ва бу ишчи йигитнинг қўлидан иш келишини билиб, унга яхши муомала қила бошлади. Бир куни яхши кайфиятда бўлган нозир Клод Гёнинг ғамга ботиб турганини ва нуқул хотиним деб атаган аёлни ҳеч тилдан қўймаётганини кўриб, унга таскин бермоқчи бўлгандай гап орасида ҳазил аралаш, ҳозир у шўрпешана аёл фоҳиша бўлиб кетган, деб айтди. Клод ўзини босиб, болам нима бўлибди, деб сўради вазминлик билан. Лекин буни ҳеч ким билмасди.

Орадан бир неча ой ўтди, Клод турма ҳаётига кўникиб қолди, энди у ҳеч нима ҳақида ўйламаётгандай, ҳеч нимани эслолмаётгандай бўлиб кўринарди. Унинг табиатига хос бўлган совуқ хотиржамлик яна уни жиловлаб олган эди.

Тахминан шу пайтларда Клод ўз ўртоқларига қандайдир алоҳида таъсирини ўтказа бошлади. Гўёки маҳбуслар ўртасида вужудга келган гунг битимига кўра, – ваҳоланки, нима сабабдан бундай битим тузилганини ҳеч ким, ҳаттоки Клоднинг ўзи ҳам билмас эди, – маҳбуслар унга маслаҳат солар, гапига қулоқ оса бошладилар, унга қойил қолиб, тақлид қила бошладиларки, бу энди таҳсин ва тасаннонинг энг юқори даражаси эди. Шунча бебош, итоатсиз одамларни ўзига итоат эттириш беҳад шарафли иш эди, албатта. Ҳолбуки, Клод бунақа шарафга эришишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди. Чамаси, бундай ҳукмронликка сабаб унинг кўз қараши бўлса керак. Ҳар бир одамнинг кўзида доим унинг тафаккури акс этиб туради. Мабодо, мутафаккир одам фикрлай олмайдиган оми кишилар даврасига кириб қолса, орадан бирмунча вақт ўтиши билан барча ақли ноқис одамлар тиниқ ақл соҳиби истиқболи сари астойдил ва иззат-эҳтиром ила интила бошладилар. Ҳа, шундай одамлар борки, улар ўзга кишилар қалбини худди темирни ўзига тортган магнит каби жазб этадилар. Клод Гё шундай магнитлардан эди.

Орадан уч ой вақт ўтар-ўтмас Клод устахонанинг қонуни, низоми ва қалбига айланди. Унинг ҳар бир сўзи бу ердаги маҳбуслар учун қонун эди. Баъзида унинг ўзи ҳам: мен кимман ўзи, Қиролманми ё маҳбусманми, деб ҳайрон қоларди...

Бундай вазият оқибатида жамиятнинг барча табақалари даврасида учрагувчи ҳол содир бўлди:

барча маҳбуслар томонидан эъзозланувчи Клод-ни турма ходимлари ёмон кўриб қолишди. Ҳаёт-да ўзи шунақа бўлади. Шон-шухрат ва нафрат ҳамиша елкама-елка юради. Қуллар меҳри хожа-лар нафратини икки ҳисса оширади.

Клод Гё кўп овқат ерди. Унинг ошқозони шун-дай эдики, икки киши еб тўядиган овқат унга зўрға етарди.

Илгари Клод Гё эркинликда бўлганида ўз чор-доғида ўтириб олиб кун бўйи меҳнат қилар ва ишлаб топган пулига тўрт қадоқ нон сотиб олиб, ҳаммасини ўзи ерди. Қамоқхонада ҳам у кун бўйи ишлар, лекин қилган хизмати учун фақат бир ярим қадоқ нон билан тўрт унция, яъни, 100 г (тарж.) гўшт оларди. Бу миқдор ҳеч қачон оширилмасди. Шунинг учун Клод Гё Клерво қамоқхонасида дои-мо очликда кун кечирарди.

У оч эди, вассалом. Лекин бу ҳақда чурқ этиб оғиз очмасди. Зеро, у зорланишни ёқтирмасди.

Қулларнинг бирида Клод ўзининг ғарибона туш-лигини апир-шапир еб бўлиб, ҳаммадан олдин ишга киришди – у очлик азобини шу йўл билан босмоқчи бўлганди. Бу аснода қолган маҳбуслар чақчақлашиб, овқат тановул қилишда давом этар-дилар. Шу пайт бирдан Клоднинг олдида ранги заҳил, нимжонгина ёш бир маҳбус келди. Унинг бир қўлида пичоқ, иккинчи қўлида ҳали тегилма-ган овқати бор эди. У Клоднинг рўпарасига туриб олиб бир гап айтмоқчи бўларди-ю, лекин айтиш-га ҳеч журъат эта олмасди. Бу маҳбус йигитнинг қиёфаси ҳам, унинг қўлидаги нон билан гўшт ҳам – ҳаммаси Клоднинг гашини келтирди.

– Нима керак? – деб жаҳл билан сўради Клод.

– Менга бир яхшилик қил, – деб қўрқа-писа ил-тимос қилди йигит.

– Нима дейсан? – деди Клод.

– Илтимос, овқатимни мен билан баҳам кўр. Бу менга жуда кўплик қилади.

Клоднинг мағрур кўзлари ёшланди. У пичоқни қўлига олиб нонни тенг икки бўлакка бўлди-да, бир бўлакни ўзига олиб ея бошлади.

– Раҳмат, – деди ёш маҳбус. – Агар хўп десанг, доим шунақа бўлишамиз.

– Отинг нима? – деб сўради Клод Гё.

– Альбен.

– Нега қамашган сени?

– Ўғирлик қилганим учун.

– Мени ҳам, – деди Клод.

Шу пайтдан бошлаб улар ҳар куни овқатни бўлишиб ея бошладилар. Клод Гё ўттиз олти ёшда эди, лекин баъзида уни элликка кирган одам деб ўйлаш мумкин эди – у шунчалик жиддий ва салобатли эди. Альбен йигирма ёшда бўлса ҳам бу ўғри йигитнинг болаларга хос соддадиллик билан боқувчи кўзларини кўрган одам уни нари борса энди ўн еттига кирган, деб айтарди. Клод билан Альбен қалин дўст бўлиб қолишди; бу ака-ука ўртасидаги дўстликдан ҳам кўра, кўпроқ ота билан бола дўстлигига ўхшаб кетарди. Зеро, Альбен ҳали деярли бола, Клод эса – деярли чол эди. Улар битта устахонада ишлашар, битта камерада ётишар, турма ҳовлисида сайр қилишар, икковининг ҳам ейдиган нони бир хил эди. Улар бир-бирлари учун мисоли сув билан ҳаво эди. Кўринишдан, улар хушбахт эдилар. Биз юқорида устахона бошлиғи ҳақида гапириб ўтдик. Маҳбуслар уни ёмон кўришарди, шунга кўра, у маҳбусларни ўзига итоат эттириш мақсадида, кўпинча Клод Гёга юзланиб, ундан ёрдам сўрарди, сабабки, Клод Гёни барча маҳбуслар ҳурмат қилардилар. Қамоқхонада етилиб келаётган бирон норозилик ё ғалаённинг олдини олишда Клод Гёнинг киши билмас ҳукмронлиги бир эмас, бир

неча марта нозирнинг расмий мансабига катта далда бўлган эди. Дарҳақиқат, маҳбусларнинг қаҳрини тизгинлашда ўн нафар жандармдан кўра Клод Гёнинг атиги ўн дона сўзи кўпроқ наф келтирар эди. Клод турма нозирига тез-тез шундай хизмат кўрсатиб турарди. Қарангки, бунинг оқиба-тида нозир Клодни жинидан ортиқ ёмон кўриб қолди. У бу маҳбусга ҳасад қила бошлади. Унинг қалбида Клодга нисбатан ғоятда теран, махфий ва ҳеч тарк этиб бўлмайдиган нафрат уйғонди. Бу – қонуний ҳукмдорнинг амалдаги ҳокимга, куч ҳукмининг руҳ ҳукмига нафрати эди.

Бундай нафратдан ёвузроқ нарса бўлмайди.

Лекин Клод Альбенни жонидан ортиқ яхши кўрар, шу боис бош нозир ҳақида ўйламас ҳам эди.

Бир куни эрталаб соқчилар маҳбусларни жуфт-жуфт қилиб сафлаб, камералардан устахоналарга олиб кетишаётганда, бир соқчи Клод билан ёнма-ён бораётган Альбенни чақириб олиб, унга сени бош нозир сўраяпти, деб айтди.

– Нимага чақиришибди сени? – ажабланди Клод.

– Билмайман, – деб жавоб қилди Альбен.

Соқчи уни ўзи билан олиб кетди.

Шу куни эрталаб Альбен устахонага келмади. Кундузги дам олиш пайтида Клод Альбенни ҳозир турма ҳовлисида кўраман, деб ўйлади. Лекин Альбен ҳовлида ҳам кўринмади. Ҳамма маҳбуслар устахонага қайтишди, лекин Альбендан дарак бўлмада. Кеч кирди. Маҳбусларни камера-камераларига тарқатишаётганда Клод кўзлари ола-зарак бўлиб Альбенни қидирди, лекин ҳеч қаерда йўқ эди. Чамаси, Клод шу куни қаттиқ изтироб чеккан бўлса керак, ҳеч қачон қилмаган ишни қилди – турма нозирларидан бири билан гаплашди.

– Нима, Альбен касал бўлиб қолдими? – деб сўради у.

– Йўқ, – деб жавоб қилди нозир.

– Бўлмаса, нега қайтиб келмади? – деди Клод.

– Уни бошқа бўлимга ўтказишди, – деди бепарво оҳангда соқчи.

Кейинчалик судда гувоҳлик берганлар соқчининг бу гапини эшитган Клоднинг ёниқ шам ушлаб турган қўли қалтираб кетганини кўрганларини айтишганди. Шундай бўлса ҳам, Клод жуда хотиржам оҳангда сўради:

– Бу буйруқни ким берди?

– Жаноб Д. – деб жавоб қилди нозир.

Устахона бош нозирининг исми шундай эди. Эртанги кун ҳам олдинги кун каби Альбенсиз ўтди.

Кечқурун ишдан кейин бош нозир жаноб Д. ҳар кунги одати бўйича устахоналарни айланиб чиқа бошлади. Клод унинг келаётганини узоқдан кўриб, дағал жундан тўқилган қалпоғини ечиб, қўлига олди ва кулранг камзули машғум маҳбуслик либосини яхшилаб тугмалади, зеро, турмада маҳбус камзулининг ҳамма тугмалари жобажо қадалгани раҳбариятга нисбатан ҳурмат маъносини билдиради. Клод бошланг ҳолда, ўз ўтиргичи олдида бош нозирнинг яқин келишини кута бошлади. Нозир унинг ёнидан ўтиб кетди.

– Жаноб бош нозир! – деб мурожаат қилди унга Клод. Нозир юришдан тўхтаб, Клод томонга хиёл ўтирилди.

– Жаноб бош нозир, – дея такрорлади Клод, – Альбенни бошқа бўлимга ўтказишганмиш – шу ростми?

– Ҳа, – деди нозир,

– Афандим, – деб гапида давом этди Клод, – мен Альбенсиз яшай олмайман.

Сўнг яна қўшиб қўйди:

– Биласиз, менинг паёгим ўзимга етмайди, Альбен ўз нонини мен билан баҳам кўрар эди.

– Бу унинг иши, – деди бошлиқ.

– Альбенни бизнинг устахонамизга қайтаришнинг наҳотки иложи бўлмаса?

– Иложи йўқ. Бу ҳал қилинган.

– Ким ҳал қилган?

– Мен.

– Жаноб Д. Бу масала менинг тақдиримни ҳал қилади. Бу ёғи фақат сизга боғлиқ.

– Мен ҳеч қачон ўз қароримни ўзгартирмайман.

– Афандим, мен сизнинг олдингизда бирон гуноҳ иш қилиб қўйдимми?

– Йўқ.

– Бўлмаса, нега мени Альбендан жудо қияпсиз? – деб сўради Клод.

– Шунга... – деб қисқагина жавоб қилди нозир. У шу изоҳи билан чекланиб, нари кетди.

Клод ҳеч қандай эътироз билдирмай, бошини хам қилди. Қафасдаги бечора шерни жонажон дўсти – кучукчадан жудо қилган эдилар.

Барибир, айтиб ўтиш жоизки, бу жудолик оқибатида Клоднинг бошига тушган дарду ҳасрат унинг ғайриоддий ва ҳатто изтиробли иштаҳасини бўға олмади. Шу билан бирга, бу маҳбуснинг феъл-атворида зоҳиран ҳеч қандай ўзгариш юз бермагандай эди. У маҳбус ўртоқларидан биронтаси билан ҳам Альбен тўғрисида гаплашмади. Фақат турма ҳовлисида бўладиган сайр чоғида бир ўзи юрар ва доим қорни оч бўларди. Вассалом.

Бу орада Клодни яхши билган маҳбуслар унинг чеҳрасига маҳзунлик ва ташвиш булути тобора кўпроқ қора кўланка сола бошлаганини пайқаган эдилар. Лекин у ҳеч қачон ҳозирдагичалик безор бўлмаганди.

Кўпчилик маҳбуслар ўз паёкларини у билан баҳам кўришга иштиёқ билдирдилар, лекин у доим жилмайиб туриб рад жавобини берарди.

Бош нозир ўз қилмишини унга изоҳлаб берган кундан бери Клод ҳар куни кечқурун жуда ғаройиб ва аломат бир қилиқ чиқардики, бу қилиғи ғоят жиддий ва салобатли бўлган бу одамга сира қовушмасди: нозир ҳар куни кечқурун, ўз одати бўйича маҳбусларни айланиб чиқаётганида Клоднинг иш столи ёнидан ўтаркан, у бошини кўтариб, жаноб Д.га қаттиқ тикилганча, ҳасрат ва ғазаб тўла овоз билан доим бир хилда:

– Альбен масаласи нима бўлди? – деб сўрардики, бу сўров замирида ҳам илтижо, ҳам таҳдид маъноси ётарди.

Бошлиқ, одатда, ўзини эшитмаганга олар ёки елкасини учуриб қўйиш билан чекланарди.

У елка учуриб яхши қилмаётган эди, сабабки, бу антиқа можарони кузатиб турган барча маҳбуслар Клод Гёнинг бир нимани кўзлаётганини аниқ сеза бошлагандилар. Бутун турма аҳли қайсарлик билан қатъий қарор ўртасида бораётган бу курашнинг қандай якунланишини қаттиқ таҳликага тушиб кутарди.

Бир марта маҳбуслар Клоднинг нозирга айтган қуйидаги гапларини эшитишди.

– Менга қаранг, афандим, ўртоғимни ёнимга қайтаринг. Ишонинг, жуда оқилона иш қилган бўласиз. Унутманг, мен сизни огоҳлантирдим.

Яна бир марта, – бу якшанба куни бўлган эди, – Клод турма ҳовлисида харсанг тош устида тирсакларини тиззаларига тираб, бошини қўлларига қўйганча узоқ вақт қимир этмай ўтирди. Шунда Файет деган бир маҳбус унинг рўпарасига келиб, тиржайганча қичқирди:

– Ҳой Клод, нима қилиб қоққан қозикдай ўтирибсан?

Шунда Клод аста бош қўтариб, Файет томонга қаради-да, маъюс оҳангда деди:

– Ҳукм чиқаряпман.

Ниҳоят, 1831 йил 25 октябрь куни кечқурун бош нозир устахоналарни айланиб чиқаётган пайтда Клод шу куни эрталаб йўлакдан топиб олган соат ойнасини пошнаси билан эзиб, чирсиллатиб синдирди. Бошлиқ, нима бўлди, деб сўради.

– Парво қилманг, – деди Клод, – бу мен эдим. Жаноб бош нозир, ўртоғимни ёнимга қайтаринг.

– Бу мумкин эмас, – деб жавоб қилди у.

– Аммо у менга жуда зарур, – деди Клод пичирлаб, лекин кескин овоз билан, сўнг бошлиқнинг юзига тик қараганча илова қилди: – Яхшилаб ўйлаб кўринг. Бугун йигирма бешинчи октябрь. Сизга тўртинчи ноябргача муҳлат бераман.

Турма соқчиси жаноб Д.нинг эътиборини Клоднинг таҳдидига қаратиб, уни карцерга қамаш керак, деб айтди.

– Карцернинг ҳожати йўқ, – нафратона истехзо билан эътироз билдирди бош нозир, – бу халқ билан яхши муомала қилишимиз керак.

Эртаси куни ҳамма маҳбуслар турма ҳовлисининг офтоб тушган ерига тўпланишиб, гангир-гунгир гаплашиб туришган пайтда Клод ёлғиз ўзи ҳовлининг нариги чеккасида теран ўйга толиб, у ёқдан бу ёққа юрарди; шунда унинг олдида Перно исмли маҳбус яқин келди.

– Сен ҳадеб нималарни ўйлаяпсан, Клод? Нега бунчалик ғамгинсан? – деди у.

– Бизнинг олиҳиммат нозиримиз жаноб Д. яқинда бир фалокатга учрамасайди, деб қўрқаман, – деди Клод.

25 октябрдан 4 ноябргача роппа-роса ўн кун бор. Клод Гё шу ўн кун мобайнида муттасил равишда, Альбенсиз аҳволим кун сайин ёмонлашяпти, деб жаноб Д. га қайта-қайта гапираверди.

Бу зорланишлар нозирнинг жонига тегди ва у Клодни бир суткага карцерга қаматди – Клоднинг илтимоси энди талабга ўхшаб кетаётган эди. Хуллас, Клод бошқа ҳеч нимага эриша олмади.

Тўртинчи ноябрь куни етиб келди. Шу куни эрталаб Клод шундай хотиржам кайфиятда уйғондики, жаноб Д. нинг буйруғи билан Альбендан айрилган кундан бери ҳеч ким уни бундай хуш кайфиятда кўрмаган эди. У ўрнидан туриб, даставвал каравотининг оёқ томонида турган одмигина ёғоч сандиқчасини кавлашга тушди. Унинг барча ғарибона бисоти шу сандиқчада эди. Клод у ердан кичкинагина қайчи олди. Бу қайчи ва «Эмил»нинг¹ бир жилди у севган аёлдан – боласининг онасидан, унинг аввалги бахтиёр оиласидан қолган эсдалик эди. Қайчи ҳам, китоб ҳам Клодга мутлақо керак эмас эди. Қайчи фақат бичиш-тикишни биладиган аёлга асқотиши, китоб – саводхон одам учун керак бўлиши мумкин эди. Клод эса тикишни ҳам, ўқишни ҳам билмасди.

У кўҳна монастирнинг оҳак билан оқланган равонидан ўтиб кета туриб (қиш фаслида маҳбуслар шу равонда сайр қилардилар), деразага ўрнатилган темир панжаранинг йўғон чивиқларини диққат билан кузатаётган Феррари исмли маҳбус олдига яқинлашди. Клоднинг қўлида бояги кичкина қайчи бор эди; у Феррарига ўша қайчини кўрсатиб, деди:

¹ “Эмил” Жан-Жак Руссонинг педагогик романи.

– Мен бугун кечқурун мана шу қайчи билан панжарани кесаман. Феррари унга ишонқирамай кулиб қўйди, Клод ҳам кулиб юборди.

Ўша куни эрталаб Клод астойдил тиришқоқлик билан ишлади. Ҳеч қачон унинг қўллари бу қадар эпчил ва чаққон бўлмаган эди. Бу ҳаракатидан у гўё олган буюртмаси – похол шляпани тушликкача тўқиб битиришга жазм қилгандай кўринарди, бу шляпани унга Труа шаҳрининг диёнатли фуқароси Бресье деган одам буюрган ва хизмат ҳақини олдиндан тўлаб қўйган эди.

Клод тушга яқин бир нимани важ қилиб, бир қават пастдаги дурадгорлик устахонасига тушди.

Клод бу устахонага жуда кам кирарди, ҳолбуки, бу ердаги маҳбуслар ҳам уни яхши кўришарди.

– Қаранглар, Клод келди!

Уни ўраб олишди. Ҳамма суюниб кетди.

Клод дарҳол бутун устахонага кўз югуртириб чиқди – нозирлардан ҳеч ким йўқ эди.

– Ким менга болтасини бериб туради? – деб сўради у.

– Нима қиласан? – дейишди ҳайрон бўлган маҳбуслар. Клод жавоб қилди:

– Бугун кечқурун бош нозирни ўлдирмоқчиман.

Унга ўзинг танлаб ол, деб бир нечта болтани кўрсатишди. У ўткир қилиб чархланган энг кичкина болтачани танлаб олди ва уни камзули остидан шимининг липпасига қистирди-да, устахонадан чиқиб кетди. Бу пайт дурадгорлик устахонасида йигирма еттита маҳбус ишлаётган эди. Гарчи, Клод улардан ўзи жазм қилган иш ҳақида ҳеч кимга айтмасликни илтимос қилмаган бўлса ҳам, ҳеч бирлари бу ҳақда оғиз очмади. Ҳаттоки, ўзаро гаплашганларида ҳам бу масалани тилга

олишмади. Ҳар бир маҳбус воқеа ечимини сукут сақлаб кутарди. Бу ниҳоятда даҳшатли, лекин айни пайтда ҳаққоний ва барча учун кундай равшан бўлган иш эди. Бунинг амалга ошишига ҳеч ким монелик қила олмас эди. Клодни аҳдидан қайтариш ҳам, бу ҳақда чақув қилиш ҳам ҳеч кимнинг қўлидан келмасди.

Орадан бир соат ўтди. Клод сайр чоғида нуқул ҳомуза тортаётган ўн олти ёшли маҳбус бола олдига бориб, унга ўқиш-ёзишни ўрганишни маслаҳат берди. Худди шу аснода бошқа маҳбус – Файет Клодга яқин келиб сўради:

– Нима у камзулинг ичига яшириб олганинг?

Клод жавоб қилди:

– Болта. Бугун кечқурун жаноб Д. ни ўлдирмоқчиман.

Сўнг ўзи сўради:

– Нима, сезиляптими?

– Сал-пал, – деб жавоб қилди Файет.

Иш куни, одатдагидек, ниҳоясига етди. Кеч соат еттида маҳбусларни ўзлари ишлаган устахоналарга қамашди; нозирлар ҳар кунги одатлари бўйича чиқиб кетишди, улар бошлиқ ҳамма устахоналарни айланиб чиққанидан кейин қайтиб келишарди.

Клод Гёни ҳам ўртоқлари билан бирга устахонага қамаб чиқиб кетишди.

Ана шундан кейин бу устахонада мутлақо ғайриоддий воқеа – ҳам таҳликали, ҳам улуғвор, ягона ва беқиёс воқеа содир бўлди.

Кейинчалик, суд терговиди аниқланишича, ўша чоғда бу устахонада ўғирлик қилиб қамалган саксон иккита маҳбус бор эди: Клод ҳам шу ҳисобда эди.

Нозирлар чиқиб кетиши билан Клод бир скамейка устига сакраб чиқди ва ҳаммага эшитти-

риб, сизларга бир гап айтмоқчиман, деди. Одамлар сукутга толишди.

Шунда Клод баралла овоз билан баёнот берди:

– Ҳаммангиз яхши биласиз, Альбен менинг иним эди. Бу ерда берадиган овқатлари менга етмайди. Четга ишлаб топган беш-олти чақа пулимга ҳам нон сотиб оламан – шундаям қорним тўймайди. Альбен эса ўз улушини мен билан баҳам кўрарди. Дастлаб мени боққани учун, кейинроқ эса мени яхши кўргани учун мен ҳам уни яхши кўриб қолгандим. Бош нозир жаноб Д. бизни бир-биримиздан жудо қилди. Бизнинг иноқ бўлганимиз унга заррача ҳам зиён қилмасди, лекин у ичи қора, ёвуз одам бошқаларни азоблашдан ҳузур қилади. Мен унга жуда кўп марта илтижо қилиб, Альбенни ёнимга қайтаришни сўрадим. Ҳаммангиз кўрдингиз, у илтижоларимга қулоқ солмади. Мен унга то тўртинчи ноябрғача муҳлат бердим. Шу гапим учун у мени карцерга қамади. Ана шу вақт ичида мен уни суд қилиб, ўлимга маҳкум этдим. Бугун тўртинчи ноябрь. Икки соатдан кейин у бизни кўздан кечиргани шу ерда бўлади. Билиб қўйинглар, мен уни ўлдираман. Хўш, сизлар нима дейсизлар?

Ҳамма сукутда.

Шунда Клод яна гапира бошлади. Энди у шундай ғайритавсиф фасоҳат билан гапирдики, бу хислат унинг табиатига хос эди. У ўзининг қандай мудҳиш жиноятга қўл ураётганини яхши тушунишини, аммо ўзини ҳақ деб ҳисоблаётганини баён қилди. У ўз нутқини тинглаётган саксон бир нафар ўғрини ҳалол, инсофли бўлишга даъват этиб, ўзининг тамомила умидсизликка тушганини, бошқа иложи қолма-

ганлигидан ўзи адолатли ҳукм чиқаришга мажбур эканлигини; турган гапки, бошлиқни ўлдиргани учун, ўзи ҳам ўлиши кераклигини, лекин шунга қарамай, ҳақиқат йўлида жонини фидо қилишга тайёр эканлигини; у икки ой муттасил мулоҳаза қилиб, ниҳоят, комил ишонч билан шу қарорга келганлигини; уни бундай иш тутишга даъват этаётган нарса асло қасос туйғуси эмас, балки адолат талаби (бунга у қатъий ишонади) эканлигини, бинобарин, агар хато қилаётган бўлса, ўртоқлари бу ҳақда дангал унинг юзига айтишларини; у ўз далилларини одилона мулоҳаза қилиш лаёқатига эга бўлган одамлар ҳукмига очиқ-ойдин ҳавола қилаётганини; у жаноб Д.ни ўлдирмоқчи эканлигини, аммо агар бунга бирон киши эътироз билдирадиган бўлса, унинг мулоҳазасини эшитишга тайёр эканлигини баён қилди.

Клоднинг бу нутқиға жавобан фақат бир кишининг овози эшитилди.

Кимдир деди:

– Бош нозирни ўлдиришдан олдин Клод охирги марта унга мурожаат қилиб, уни гапга кўндиришга уриниб кўрсин.

– Тўғри фикр, – деб рози бўлди Клод, – мен худди шундай қиламан. Девордаги каттакон осма соат саккиз марта занг чалди. Бош нозир роппароса соат тўққизда келиши керак эди.

Бу ғайриоддий кассация суди Клод чиқарган ҳукмни тасдиқлагандек бўлгани ҳамоно, унинг дили мутлақо таскин топди. У ўзида қолган жамии фақирона кийим-кечакларни, маҳбуслигида олган барча лаш-лушларни стол устига ёйиб қўйди-да, Альбендан кейин ўзи хуш кўрган бошқа маҳбусларни биттама-битта чақириб, шу бу-

юмларини уларга бўлиб берди. Фақат кичкина қайчини олиб қолди.

Кейин ҳамма билан бир-бир видолашди. Бу видолашувдан кўз ёш қилганлар ҳам бўлди, лекин Клод уларга мулойим жилва қиларди.

Бу охирги соатнинг айрим дақиқаларида Клод шу қадар хотиржам ва ҳатто қувноқ кайфиятда бўлдики, кўпчилик ўртоқлари, кейинчалик ҳикоя қилиб беришларича, шояд, у ўз ниятидан қайтса, деб умид ҳам қилган эканлар. У ҳатто устахонани ёритиб турган шамлардан бирини бурун тешиги билан пуфлаб ўчириб ҳазилкашлик ҳам қилди...

...У бир ёш маҳбуснинг авзоига эътиборини қаратди: унинг ранги ўчиб, Клоддан кўз узмай бақрайиб қолган ва ҳозир юз берадиган фожиани аъзои бадани дағ-дағ қалтираб, юрак ҳовучлаб кутарди.

– Бардам бўл, болакай, – меҳрибонлик билан деди унга Клод, – бу атиги бир дақиқалик иш!

Клод ўз нарсаларини улашиб бўлиб, ҳамма ўртоқлари билан маҳкам қўл сиқишиб, видолашганидан кейин устахонанинг бурчак-бурчакларидан эшитилаётган ҳаяжонли гапларни бас қилишни ва яна ишга киришишни буюрди. Ҳамма унинг буйруғига сўзсиз итоат этди.

Мазкур воқеа юз бераётган устахона тўғри тўрт бурчакли узун хона бўлиб, деразалари иккала узун деворларга ўрнатилган, унинг икки эшиги эса бир-бирига қарама-қарши тарафда эди. Дастгоҳлар деразалар ёқалаб қатор терилиб турарди, ўриндиқлар дастгоҳлар олдига бир учи девор томонга қаратиб қўйилганди. Икки қатор тизилган дастгоҳлар оралиғида очиқ жой бўлиб, бу икки эшикни бир-бирига уловчи узун йўлак вазифасини бажарарди. Устахонани кўздан кечириш учун

кирган бош нозир мана шу узун ва торгина йўлакдан ўтиб кетиши керак эди. Одатда, у жануб томондаги эшикдан кирар ва икки тарафда ишлаётган ишчиларга назар ташлаб ўтиб, шимол ёқдаги эшикдан чиқиб кетарди. Бу йўлни у доим ҳеч ерда тўхтамай тез босиб ўтарди.

Клод ўз ўрнига бориб ишга киришди.

Юракни эзадиган кутиш они бошланди. Машъум пайт яқинлашиб келаётган эди. Қўнғироқ жом чалди.

– Соат чорак кам тўққиз, – деди Клод.

У аста ўрнидан турди, устахона ўртасидаги тор йўлдан секин-секин юриб бориб, кириш эшигига яқин турган чап томондаги дастгоҳга суянди. Унинг чеҳрасида хотиржамлик, ҳаттоки хайрихоҳлик нишонаси акс этарди.

Соат тўққизга жом чалинди. Эшик очилиб, бош нозир кирди. Устахонада қабристон сукунати ҳукм суларди. Бошлиқ ўз одати бўйича ёлғиз эди. Унинг чеҳрасида ҳар сафаргидек қувноқ такаббурлик, мағрурлик ва бешафқатлик акс этарди; у кираверишда чап томонда, ўнг қўлини чўнтагига тикиб қимир этмай турган Клодни пайқамай, дастлабки дастгоҳлар ёнидан ниманидир ёқтирмагандай, бошини сарак-сарак қилиб, бир нималар деб тўнғиллаб тез юриб ўтди; у атрофга лоқайдлик билан назар ташларкан, бу ердаги ҳамма маҳбусларнинг нигоҳи ўзига қаратилганини ҳам, ҳаммани битта мудҳиш фикр қамраб олганини ҳам пайқамади.

У бирдан оёқ товушини эшитиб, шахт орқасига ўтирилди.

Клод эшик олдидан бошлаб, бошлиқнинг орқасидан жимгина изма-из келаётган эди.

– Нима қиялпсан бу ерда? – деди ажабланган нозир. – Нега сен ўз ўрнингда эмассан?

Турмада одам одамгарчиликдан чиқади, у – бу ерда ит, унга сен дейдилар.

Клод Гё бошлиқнинг ҳурматини ўрнига қўйиб, жавоб берди:

– Жаноб бош нозир, сизга айтадиган икки оғиз гапим бор эди.

– Яна нима гап?

– Альбен ҳақида.

– Янами? – деди бошлиқ қаҳри қайнаб.

– Ҳа, яна! – деди Клод.

– Бундан чиқди, – деди бошлиқ йўлида давом этаркан, – бир сутка карцерда ётиб чиққанинг камлик қилибди-да?

– Жаноб бош нозир, ўртоғимни ёнимга қайтаринг, – деб гапида давом этди Клод нозирнинг орқасидан эргашиб бораркан.

– Бу мумкин эмас!

– Жаноб бош нозир, – деб Клод шундай аянчли овоз билан ёлбора бошладики, агар иблис эшитса, унинг ҳам кўнгли юмшаб кетган бўларди, – ўти-ниб сўрайман сиздан, Альбени қайтариб беринг менга. Кўрасиз, унда астойдил тиришиб ишлайман. Сиз эркин одамсиз, аҳволимни тушунмаяпсиз, ҳақиқий дўст нималигини билмайсиз. Менинг ҳеч вақоим йўқ... Қамокҳонанинг шу тўрт деворидан бошқа. Сиз ҳамма ерга боришингиз, хоҳлаган одамингиз билан учрашингиз мумкин, менинг эса, ҳеч кимим йўқ шу Альбendan бошқа. Илтимос, уни ёнимга қайтаринг. Фақат Альбен туфайли менинг қорним тўқ эди, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Сизга бир оғизгина «майли» дейиш қийинми? Клод Гё деган ва Альбен деган иккита одам биргаликда битта устахонада ишлашса, сизга барибир эмасми. Бунинг нимаси қийин? Жаноб бош нозир, меҳрибоним жаноб Д., раҳм қилинг, азиз авлиёлар ҳаққи-ҳурмати, илтижо қиламан!

Клод ҳали ҳеч қачон турма нозирига бу қадар қўп гапирмаган эди. Унинг асаб торлари таранг тортилганидан буткул тинкаси қуриди ва сукут сақлаб, жавобни кута бошлади. Бошлиқ ғижиниб, эътироз билдирди:

– Бу мумкинмас. Сенга айтганман. Гапни бас қил. Жонимга тегдинг.

Шундай деб у шошиб тургани учун қадамини илдамлатди. Клод унинг орқасидан эргашиб бораверди. Шу зайлда икковлари нариги эшик олдига яқин бориб қолишди; саксон битта маҳбус нафратини ичларига ютганча буларни кузатар, гапларини эшитиб турардилар.

Клод бошлиқнинг қўлига секингина қўл учини теккизди.

– Ҳеч бўлмаса, битта саволимга жавоб беринг: қайси гуноҳим учун мени ўлимга маҳкум этияпсиз? Нега бизни бир-биримиздан жудо қилдингиз? Нега?

– Сенга бунга айтганман, – деди нозир, – шунга... – Сўнг Клодга орқа ўгирилиб, эшикнинг тутқичидан ушлади.

Бундай жавобни эшитган Клод бир қадам орқага тисарилди. Саксон битта одам унинг чўнтакдан қўл чиқарганини, қўлида болта борлигини даҳшатдан тош қотиб кузатиб турарди. Клод болта ушлаган қўлини юқорига кўтарди ва нозир чинқариб юборишга ҳам улгурмай, жон-жаҳд билан унинг фақат бошига то бошчаноғини ёнғоқдек чақиб юбормагунча зарб билан ураверди. Нозир чалқанчасига йиқиларкан, Клод тўртинчи зарба билан унинг башарасини мажақлаб ташлади. Лекин сиртига отилиб чиққан ғазаб алангасини ўчириш осон эмас – Клод бешинчи зарба билан узала тушиб ётган нозирнинг сонини жароҳатлади. У ўлган эди. Шундан сўнг Клод болтани отиб юбориб:

– Энди навбат бошқасига! – деб чинқирди.

Бошқаси, деганда у ўзини назарда тутган эди. У камзулининг чўнтагидан хотинининг қайчисини чиқарди ва одамлар унга халақит қилишига улгурмай, уни ўз кўксига санчди. Қайчининг тиғи калта, кўкракдаги юрак эса чуқур эди. У кўкрагига йигирма мартача кетма-кет қайчи санчди.

– Эй лаънати юрак, сенга ҳеч етолмаяпман! – деб ҳайқирди Клод.

Ниҳоят, у қора қонига беланганча, ҳушидан кетиб, ўлик жасад устига йиқилди. Бу икковидан қайси бири қотил ва қай бири қурбон эди? Клод ҳушига келиб, ўзини касалхона каравотида кўрди. Унинг ҳаммаёғи дока билан ўраб ташланган, тепасида шафқат ҳамширалари парвона эди. Ҳатто уни сўроқ қилгани келган терговчи ҳам ҳамдардлик билан деди:

– Қалай ҳис қиляпсиз ўзингизни?

Клод жуда кўп қон йўқотган эди, лекин ўз жонига қасд қилиш учун қайчи билан қилган жароҳатларидан биронтаси ҳам уни маҳв етолмади. Аммо унинг жаноб Д. га берган зарбаларидан вужудга келган жароҳатлар маҳвкор жароҳатлар эди.

Тергов бошланди. Клерво турмасидаги устахоналар бошлиғини сиз ўлдирдингизми, деган саволга Клод «ҳа», деб жавоб қилди. Ундан «нега?», деб сўрашганда у «шунга», деб жавоб қайтарди.

Бу орада унинг жароҳатлари йиринг боғлаб, қон бузилиши оқибатида ўлишига бир баҳя қолди.

Ноябрь, декабрь, январь ва февраль ойлари Клодни даволаш ва судга ҳозирлик кўриш билан ўтди. Врачлар ва судьялар Клоднинг тепасида парвона бўлдилар. Биринчилари унинг жароҳатларини даволаш билан овора бўлсалар, иккинчилари унинг учун жаллод кундасини ҳозирлаш билан банд эдилар.

Гапни мухтасар қилайлик, 1832 йилнинг 16 мартида тамомила соғайган Клод Труа шахрининг маслаҳатчилар судига рўпара қилинди. Бу суд мажлисида бутун шаҳар аҳли иштирок этди.

Клод судда ўзини жуда яхши тутди. У соқол-мўйловини яхшилаб олган ва суд олдида бошланг турарди. Эгнига Клерво турмаси маҳбусларининг кулранг матодан тикилган кўримсизгина либосини кийганди.

Қирол прокурорининг буйруғи билан бутун округдаги солдатларни суд залига йиғиб келишди «гувоҳ сифатида сўзга чиқувчи маҳбусларни жилаб туриш учун», деб изоҳлади прокурор суд мажлиси пайтида. Гувоҳларни сўроқ қилиш бошланганда ҳеч кутилмаган қийинчилик юзага келди. 4 ноябрь воқеасининг шоҳидларидан бирон киши ҳам гувоҳлик беришни хоҳламади. Раис қаттиқ чора кўрилишини айтиб, уларни қўрқитиб ҳам кўрди. Лекин унинг гапи заррача ҳам таъсир қилмади. Бу ҳолни кўрган Клод маҳбусларга юзланиб, итоат этинглар, деб буюрди. Шундан кейин гувоҳларнинг тили бийрон бўлиб, ҳамма кўрганларини гапириб бера бошлашди.

Клод гувоҳларнинг гапларини зўр диққат билан эшитди. Агар биронта судланувчининг айбини оғирлаштирувчи битта-яримта тафсилотни эсидан чиқариб қўйса ё уни атайин тилга олмаса, Клод дарҳол унинг гапини тузатарди.

Шундай пайтлар ҳам бўлдики, залда ҳозир бўлган аёллар юм-юм йиғлашди. Суд ижрочиси Альбенни чақирди. Энди гувоҳлик навбати унга келди. У беҳол қадам босиб, йиғидан ўпкаси тўлиб, энтика-энтика кириб келди. Кира солиб ўзини Клоднинг қучоғига отдики, ҳатто жандармлар ҳам унга тўсқинлик қилишга улгуролмадилар. Клод уни бағрига босиб, йиқилиб тушиш-

дан ушлаб қолди ва қирол прокурорига жилмайиб туриб деди:

– Мана, ўша ўз нонини бошқалар билан баҳам кўрувчи ёвуз одам. – Шундай деб у Альбеннинг қўлидан ўпди.

Одамларнинг судда гувоҳлик бериши тугаганидан кейин қирол прокурори ўрнидан турди ва ўз нутқини қуйидаги сўзлар билан бошлади:

– Жаноб суд маслаҳатчилари, агарда одил суд қаршингизда турган мана бу энг ашаддий жиноятчини жазога тортмас экан, бутун жамоатчилик то энг туб негизигача ҳайратга тушади... ҳоказо ва ҳоказо.

Мазкур унутилмас «нодир» нутқдан кейин Клоднинг адвокати сўз олди. Прокурорнинг нутқи билан ҳимоячининг сўзи тингловчиларнинг кайфиятида шундай оғишувларни вужудга келтирдик, одатда, бу нарса жиноий процесс деб номланувчи тортишув чоғида содир бўлиб турадиган ҳол эди.

Клод, ҳали ҳамма гап айтилмади, деган қарорга келди ва ўрнидан туриб, ғоят ажиб ва ҳайратомуз нутқ сўзлади; шу суд мажлисида қатнашаётган ўткир дидли бир зиёли киши бундай нутқдан зўр ҳаяжон ва ҳайратга келди.

– Бу дўлвор, саводсиз ишчи йигит қотилга эмас, кўпроқ нотикқа ўхшаб кетарди. У суд олдида очиқ юз, ойдин чеҳра билан дадил боқиб тураркан, овозини баландлатмай, аммо дил-дилидан чиқариб, қўлларини бир хилда, лекин салобат билан ҳаракат қилдирганча гапирди. У ҳамма бўлган воқеани қандай юз берган бўлса, шундайлигича, лўнда қилиб сўзлар экан, ҳеч бир нарсани бўрттирмади ҳам, бўлган бирон ишни яширмади ҳам. У айбловнинг тўғри эканлигини эътироф этиб, 296-моддага мардона, тик қараганча, бошини кундага

қўйишга рози бўлди ва бу билан бутун жамоани қаттиқ ҳаяжонга солди; одамлар унинг нутқидаги айрим жумлаларни бир-бирларининг қулоқларига пичирлаб гапира бошладилар.

Залда дам-бадам пичир-пичир, гўнғир-гўнғир овозлар кўтарилиб турарди.

Клод шундай пайтларда нафасини ростлаб олиб, бутун жамоага мағрурона нигоҳ ташларди.

Лекин шундай дақиқалар ҳам бўлдики, бу савдосиз ишчининг сўзлари худди яхши маълумот олган зукко одамнинг нутқи сингари назокат ва фасоҳат билан йўғрилди. Айни пайтда у ўзини камтарин, сипо тутар, гўё тубсиз жар ёқалаб бораётган одамдай сўзида эҳтиёт бўлар, суд ишининг боришини диққат билан кузатаркан, суд маъмурлари билан самимий муносабатда бўларди.

У фақат бир марта – қирол прокурорининг, биз юқорида тилга олиб ўтганимиз, нутқида, Клод Гё устахоналар бошлиғини ҳеч қандай сабабсиз ўлдирган, зеро, бошлиқ томонидан унга нисбатан на зўрлик, на зуғум ўтказилган, деган сўзларини эшитганида ўз газабини тийиб туrolмади.

– Ие, қанақасига! – деб юборди у бирдан. – Ҳали унинг томонидан менга нисбатан ҳеч қандай зуғум ўтказилмабдими? Ҳа, албатта, сиз ҳақсиз, тушунаман ниятингизни. Агар менга бир маст одам бир мушт туширса-ю, мен шу сабабли уни ўлдириб қўйсам, – «мурувват» кўрсатиб, мени каторгага сургун қилардингиз, негаки, маст одам томонидан менга зуғум қилинган. Илло ичкилик ичмаган, эс-ҳуши жойида бўлган одам тўрт йил муттасил мени таҳқирласа, камситса, тўрт йил давомида ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқа сайин кутилмаган сўзлар билан ҳақорат қилса майли-а – тўрт йил сурункасига! Мен ўз аёлимни севардим, шуни деб ўғирлик қилдим, у ана шу аёл

ҳақида ҳар хил сассиқ гаплар айтиб, дилимни оғритди; менинг болам бор эди, шу болам деб ўғирлик қилгандим, у бўлса, болам ҳақида бўлар-бўлмас гаплар айтиб, мени изтиробга солди; турмада бериладигаи нон менга камлик қиларди, дўстим ўз улушини мен билан баҳам кўра бошлади, лекин у мени дўстимдан жудо, нондан маҳрум қилди. Мен ундан дўстимни ёнимга қайтаришни илтимос қилсам, у мени карцерга ҳибс этди. Мен у полиция айғоқчисини «сиз» деб чақирсам, у менга «сен» деди. Мен унга ўз дардимни айтсам, у менга, «жонга тегдинг», деди. Айтинг, нима қилишим керак эди сизнингча? Ҳа, мен уни ўлдирдим. Ҳа, мен ёвуз махлуқман, чунки бу қотиллик ҳеч қандай сабабсиз юз берди. Сиз энди мени қатл этмоқчимисиз? Майли, қатл этаверинг!

Мен аминманки, бу қудратли ва ҳаққоний далил, фақат жисмоний ифвогина жиноятчининг айбини юмшатиши мумкин, деган тузумнинг нақадар адолатсиз эканлигини очиқ-ойдин фош қилиб ташлади. Ҳолбуки, бизнинг қонун ижрочи идораларимиз ахлоқий ифвонинг нақадар машъум айб эканлигига эътибор беришни ҳеч ўйлаб кўрмайдилар.

Музокара ниҳоясида судья аниқ ва лўнда хулоса чиқарди. Унинг хулосаси қуйидагича бўлди: «Унинг бутун умри қабоҳатдан иборат. Бинобарин, у – маънавий мажруҳ махлуқ. Ўз ҳаётини фоҳиша билан қовушишдан бошлаган, кейин ўғирлик қилган ва ниҳоят, одам ўлдирган». Буларнинг ҳаммаси ҳақиқат эди.

Суд маслаҳатчилари ўз хоналарига чиқиб кетишлари олдидан раис судланувчидан, судда қўйилган сўроқлар юзасидан бирон бир айтадиган гапинг борми, деб сўради.

– Фақат икки оғиз, – деб жавоб қилди Клод. – Чунончи, гап бундай. Тўғри, мен ўғри ва қотилман, ҳа, мен ўғирлик қилдим ва одам ўлдирдим. Лекин нима учун ўғирлик қилдим? Нега одам ўлдирдим? Сизлар, жаноб суд маслаҳатчилари, бошқа сўровлар қаторига шу иккита саволни ҳам қўйиб кўринглар.

Ўн беш дақиқалик муҳокамадан кейин Шампань вилоятининг жаноб суд маслаҳатчилари деб номланувчи ўн икки нафар фуқароси Клод Гёни ўлим жазосига ҳукм қилди.

Турган гапки, айрим суд маслаҳатчилари суд жараёни бошланган чоғдаёқ судланувчининг қулоққа хунук эшитилувчи фамилиясига эътибор қаратган эдилар¹ ва бу нарса уларга ёмон таъсир этган эди.

Ҳукмни Клодга ўқиб эшиттиришганда у фақат ушбу сўзларни айтиш билан чекланди:

– Жуда соз. Лекин нима сабабдан бу одам ўғирлик қилди? Нега у одам ўлдирди? Мана шу иккита саволга суд маслаҳатчилари барибир жавоб бермадилар.

Клод турмага қайтиб келгач, бамайлихотир кечлик қилди ва деди:

– Мана, ўттиз олти йил умр кечирдим.

У шикоят аризаси беришни хоҳламади. Лекин бетоб ётган чоғида уни парвариш қилган ҳамширалардан бири юм-юм йиғлаб, ариза беришни илтижо қилди. Клод ҳамширага раҳми келганидан бунга рози бўлди. Лекин у, афтидан, аввалига анча тихирлик қилган бўлса керак, аризага имзо чекканида, ариза бериш учун қонун белгилаган уч кунлик муҳлат ўтиб кетган эди.

¹ Гё (Gueux) сўзи француз тилида қашшоқ, ялангоёқ маъноларини билдиради.

Клоднинг рози бўлганидан суюниб кетган шафқат ҳамшираси унга беш франкли танга совға қилди. Клод пулни олиб, миннатдорчилик билдирди.

Труа шаҳридаги барча маҳбуслар Клодни унинг аризасига жавоб келмасдан бурун қамоқдан қочирмоқчи бўлишди, улар унга шунчалик содиқ эдилар. Лекин Клод бу таклифни қатъиян рад этди.

Маҳбуслар унинг камерасига туйнукча орқали жуда усталик билан мих, темир чивиқ ва челаكنинг бандини ташладилар. Клод фаросатли, уқувли одам бўлгани учун бу нарсалардан биронтаси билан, албатта, оёғидаги кишанни арралай олиши мумкин эди. Лекин у челак бандини ҳам, темир чивиқни ҳам, михни ҳам турма ходимиға топширди.

Бир минг саккиз юз ўттиз иккинчи йилнинг саккизинчи июнида, қотиллик юз берган кунга етти ой-у тўрт кун бўлганида Клоднинг ўз айбини ювадиган пайти етиб келди.

Шу кун ирталаб соат еттида Клоднинг камерасига суд ижрочиси кирди ва унинг бир соатлик умри қолганини эълон қилди.

Клоднинг афв этиш тўғрисидаги аризаси рад этилганди.

– Ҳай, майли, – деди у бепарволик билан. – Бугун кечаси жуда яхши ухладим, келаси тунда яна ҳам мириқиб ухларканман.

Иродаси бақувват одамларнинг ўлим олдидан айтган сўзлари бениҳоя улкан салобат касб этади.

Камераға руҳоний ота, сўнг жаллод кирди. Клод руҳонийға эҳтиром, жаллодга ройиш кўрсатди. У ўз руҳи ва жисмини ҳеч эътирозсиз бахшида қилганди.

У мудом руҳан тетик кайфиятда бўлди. Унинг сочини устара билан олишаётганда камеранинг нариги бурчагида турган кимдир Труа шахрида вабо тарқалиши хавфи борлиги ҳақида гапириб қолди.

– Лекин энди мени, – деди шунда Клод жилмайиб, – ҳеч қандай вабо қўрқитолмайди.

У руҳоний отанинг калималарини диққат билан тингларкан, илгари ҳеч ким у билан дин ҳақида суҳбатлашмаганидан таассуф қилди.

Клоднинг илтимосига кўра, унинг қайчисини ўзига қайтариб беришди. Қайчининг битта тиғи йўқ эди – Клод ўз жонига қасд қилган пайтда тиг синиб, унинг кўкрагида қолган эди. У турма хизматчисидан қайчини Альбенга бериб қўйишни ва қайчига қўшиб ўзининг бугунги шувағаси – нонини ҳам унга беришни илтимос қилди.

У яна қўлини боғлаётганлардан ўзининг охириги ва ягона бойлиги – шафқат ҳамшираси совға қилган беш франкли тангани ўнг қўлига тутқазишларини илтимос қилди.

Соат чорак кам саккизда у, одатда, ўлимга маҳкум этилганларни кузатиб борувчи тумшайган шотирлар билан турмадан чиқди. У ранги қув ўчиб, яёв юриб бораркан, руҳоний отанинг қўлидаги хочдан кўзини ҳеч узмади. Лекин у руҳан тетик, қадам ташлаши дадил эди.

Бозор кунини эди. Кўпроқ одамни гувоҳликка даъват этиш учун қатлини атайин шу кунга тайинлашган эди. Маълум бўлишича, Францияда ҳали ярим ваҳший қасабалар бор эканки, у ерларнинг жамоалари нафақат одамларни ўлдиришар, шунингдек, одам ўлдирганларини айтиб мақтанишар ҳам экан.

Клод ҳамон кўзини хочдан узмаганча, тахта супага шахдам-шахдам юриб чиқди. У аввал руҳо-

ний отани, кейин жаллодни ўпмоқчи бўлди – бу билан у биринчисига миннатдорчилик билдиришни, иккинчисини кечиришни ният қилган эди. Жаллод, суд ҳисоботида баён қилинишича, астагина уни ўзидан четлатибди. Жаллоднинг ёрдамчиси уни машғум машинага боғлаётганида, Клод руҳоний отага, ўнг қўлимнинг сиқимидаги беш франкни олинг, деб ишора қилди ва деди:

– Қашшоқлар учун.

Шу маҳал шаҳар минорасидаги соат жом чалиб, Клоднинг овозини босиб кетди. Руҳоний ота эшитмадим, деб жавоб қилди. Клод чалинаётган жомлар орасидаги танаффус пайтини кутиб туриб, қисқагина такрорлади:

– Қашшоқлар учун.

Соат саккизинчи марта жом чалиб улгурмасдан бу покдомон ва доно бош бўйнидан чирт узилиб тушди.

Бундай томошалар оломонга зўр таъсир этади. Майдон ўртасида турган гильотина пичоғидаги қон ҳали ювилмай, ўша куниеқ бозорда савдосотиқ билан шуғулланувчи одамлар янги жорий этилган қандайдир солиққа қарши исён кўтаришди ва солиқ йиғувчилардан бирини ўлдириб қўйишларига сал қолди.

Бизнинг қонунларимиз халқни ана шундай итоаткорликка даъват этади.

Биз Клод Гё тарихини муфассал баён қилишни ўз бурчимиз деб ҳисобладик, зеро, имонимиз комилки, бу тарих саҳифаларидан олинган ҳар қандай парча ҳам XIX асрда яшаётган халқларнинг буюк муаммоларини ҳал қиладиган китоб учун муқаддима вазифасини ўташи мумкин.

Бу инсоннинг ажойиб ҳаётини асосан иккита босқичга – тушкунликка тушгунча бўлган ва ундан кейинги даврга ажратиш мумкин. Бундан

иккита масала келиб чиқади: тарбиялаш ҳақидаги масала ва жазога тортиш масаласи; бу икки масаладан учинчи масала – бутун жамият тақдир масаласи вужудга келади.

Клод Гё табиатан, шубҳасиз, ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол инсон эди. Хўш, ундаги шу эзгу фазилатларни такомиллаштиришга нима ҳалақит беради? Мана шу ҳақда ўйлаб кўринглар.

Ҳали ечими топилмаган бу ғоят буюк муаммо инсоният ҳаётида зарурий мувозанатни тиклаш учун хизмат қилиши мумкин: табиат инсоннинг инсон бўлиши учун қанча ҳисса қўшган бўлса, жамият ҳам шунча улушини қўшсин.

Сиз Клод Гёга назар ташланг, ҳеч шубҳа йўқки, у – ўткир ақл ва ажойиб қалб соҳиби. Лекин тақдир уни қабоҳатли жамият даврасига улоқтиргандики, бунда у ўғрилиқ қилишга мажбур бўлди, кейин ўша жамият уни манфур турмага олиб бориб тикдики, бу ерда у қотиллик қилишга мажбур бўлди.

Хўш, аслида ким айбдор бунга?

Уми?

Ё бизларми?

Бугунги кунда барча заковат аҳлининг миясини банд этган масалалар шу қадар муҳим ва долзарбки, ҳадемай улар бизга, албатта, рўпара келадилар, ана унда биз у масалалардан асло кўз юма олмаймиз, бинобарин, ҳақиқатга тик қараб, биздан нималар талаб қилинишини ҳал қилишимизга тўғри келади.

Ушбу сатрлар муаллифи мазкур саволга жавоб беришга уриниб кўрмоқчи.

Шундай далилларга дуч келаркансан, бу масалаларнинг нақадар ошиғич ва долзарб эканлиги ҳақида ўйларкансан, беихтиёр ўзингга ўзинг, ҳамонки, мансабдор маъмурлар шу масала тўғри-

сида ўйламаётган эканлар, ундан нима ҳақда бош қотириб ётибдилар, деб савол берасан.

Депутатлар палаталари ҳар куни гоят муҳим ишлар билан банд. Албатта, меҳнат қилмай катта даромад топувчиларни йўқ қилиш ва давлат бюджетини ортиқча харажатлардан тозалаш – булар жуда жиддий иш. Шунингдек, менинг яхши ватанпарвар сифатида ўзим танимаган ва танишни ҳам истамаган граф Лобау жанобларининг эшиклари тагида қоровул бўлиб туришим учун ёхуд мансабдор шахсларнинг амри билан менинг зобитим бўлиб қолган баққол қўшнимнинг хоҳишини бажариш учун Мариньи майдонидан парадда марш қилиб ўтиш учун менга солдат мундирини мажбурлаб кийдирувчи қонунлар жорий қилиш ҳам муҳим масала¹.

Ҳа, жаноб депутатлар ва жаноб министрлар, самарасиз баҳслашиш, маза-матрасиз ҳар хил масалалар ва мулоҳазалар билан бош қотириш сизлар учун жуда муҳим. Масалан, энг оғир жиноятчи ҳисобланмиш – XIX аср санъатини суднинг қора курсисига жалб қилиб, ўзингиз бераётган саволингизнинг маънисига тушунмай, сўроқ қилишингиз сиз учун ниҳоятда муҳим вазифа, яхшиямки, у жиноятчи саволларингизга жавоб беришни истамайди ва истамай тўғри қилади, жаноб ҳукмдорлар ва қонун чиқарувчилар, ҳаттоки чекка шаҳар ҳамда қишлоқларнинг ўқитувчиларини таажжубда елка қисишга мажбур этувчи

¹ Турган гапки, биз кўча-кўйни ва одамларнинг хонадонларини қўриқловчи кўча патруллариини ёмонламоқчи эмасмиз. Биз фақат дабдабали пардаларга, юзаки ҳашаматларга ва сохта олифтагарчиликларга қаршимизки, булар буржуа аҳлини солдатга тақлид қилиб кўрсатувчи пародиялар, холос. (Муаллиф изоҳи.)

мумтоз адабиёт конференцияларини ўтказиш билан вақт ўтказишингиз жуда муҳим масала, шунингдек, фақат замонавий драма яқин қариндошларнинг жинсий алоқа қилиши, эрнинг хотинга, хотиннинг эрга вафосизлиги, падаркушлик, ўз фарзандини ўлдириш, одамларни заҳарлаш каби энг машъум иллатларни кашф этди, деб жар солиш ва бу билан орангизда ҳеч қачон на Федра ҳақида, на Иокаста билан Эдип ҳақида, на Медея ё Родогуна¹ тўғрисида ҳеч нима эшитмаганингизни исботлашингиз ҳам фойдали иш, ҳа, сиёсий нотиқларимизнинг Корнель ва Расиннинг асарларини чоп қилиш учун бюджетдан маблағ ажратиш масаласи юзасидан уч кунлаб, то овозлари бўғилиб қолгунча мубоҳаса юритишлари ва шу адабий тортишув чоғида бир-бирларига сўз бермай (хусусан, француз грамматикасига хилоф равишда тилни бузиб жаврашлари) ҳам бениҳоя зарур масала.

Буларнинг ҳаммаси муҳим, албатта, ҳолбуки, бизнинг фикримизча, бажарилиши керак бўлган булардан ҳам муҳимроқ ишлар бор.

Масалан, депутатлар палатасида муҳолифат ва министрлик ўртасида тез-тез авж олиб турадиган нокерак музокаралар орасида кимдир ўрнидан туриб ёки минбарга чиқиб, баралла овоз билан қуйидаги гапларни айтса, депутатлар нима деган бўлардилар:

¹ Федра, Иокаста, Эдип, Медея – қадимги юнон асотирларига персонажлар. Буларнинг гайриоддий тақдирлари XVII аср француз драматургиясининг энг йирик намоёндаларидан Пьер Корнель ва Жан Расиннинг трагедияларига сюжет бўлган; Родогуна – Парфия маликаси, Корнелнинг шу номли трагедияси қаҳрамони.

– Ҳей, бу ерга йиғилиб олиб, бўлар-бўлмас гаплар билан бошни қотирувчилар, жим бўлинглар. Сизлар ўзингизни муҳим масалалар билан машғулотдек қилиб кўрсатмоқчисизлар. Лекин аслида ҳеч ундай эмас! Энг муҳим масала у гапларингиз эмас, балки ушбудир:

Бундан бир йилча муқаддам одил суд Памье шаҳрида бир инсонни қиймалаб ташлади, кечагина Дижонда бир аёлнинг боши танасидан жудо этилди, Парижда Сен-Жак қопқаси олдида одамлар махфий тарзда қатл этилмоқда.

Биринчи навбатда ана шу ҳеч кечиктириб бўлмайдиган масалалар билан шуғулланиш лозим!

Ана ундан кейин сизлар яна миллий гвардия аскарларининг мундиридаги тугмалар қанақа рангда – оқми ё сариқми – бўлиши ҳақида ҳам қайси сўздан ишонч сўзиданми ё эътиқод сўзиданми фойдаланиш мақбулроқ эканлиги ҳақида бир-бирларингиз билан баҳслашаверишингиз мумкин.

Эй, марказий ўриндиқларда ўтирган ҳамда залнинг ўнг ва сўл тарафларидан жой олган жаноб депутатлар, халқнинг изтироб чекаётганидан хабарингиз борми?

Франция республика деб аталадими ё монархия давлати деб юритиладими, халқ барибир азоб чекаверади – бу шубҳасиз ҳол.

Халқ оч ва юпун. Қашшоқлик уни жиноят сари йўлламоқда, фаҳш ботқоғига чўктирмоқда. Ўғилларини қамоқхоналар, қизларини фоҳишахоналар тортиб олаётган халққа раҳмингиз келсин. Бизда маҳбуслар кўпайиб кетди, фоҳишалар кўпайиб кетди.

Бу оммавий тус олган икки иллат, икки балонимани билдиради?

Бу – жамият вужудига ёмон қон аралашганидан далолат беради.

Балки сиз беморнинг тепасига консилиум ўтказгани йиғилган экансиз, дардини даволаш билан шуғулланинг.

Сиз у дардни даволашни билмайсиз. Демак, уни олдин пухта ўрганиб олишингиз керак. Сиз чиқараётган қонунлар фақат вақтинча енгиллик туғдирувчи найранглардир. Сиз жорий қилган низоомларнинг ярми – мутаассиблик, ярми – лўттибозлик.

Баданни куйдириб тамға босиш – янги ярага туз сепишдек азоб. Бу ўта бемаъни жазо жиноятчини умрбод жиноят билан ошно қилиб қўяди.

Сургун (қамоқ) – бу ярамас малҳам, у аввал ёмон қонни сўриб олиб, кейин уни янада кўпроқ захарлаб, баданга сингдиради.

Ўлим жазоси – ваҳшиёна қассоблик.

Шунга қарамай, тамға босиш ҳам, сургун ишлари ҳам, ўлим жазоси ҳам ҳануз амалга оширилмоқда. Сизлар тамға босиш жазосини бекор қилдингизлар, бу ёғига ҳам ўз фаолиятингизда изчил бўлинг – қолган икки жазони ҳам бекор қилинг.

Чўғдек қиздирилган темир тамға, сургун ва гильотина – булар битта мантиқий хулосанинг учта таркибий қисмидир.

Сизлар қиздирилган темир тамгадан воз кечдингиз. Лекин айтинг-чи, маҳбуснинг оёғидаги кишаннинг ва гильотина пичоғининг аҳамияти каттароқми?

Сизлар жиноят билан жазо оралиғидаги босқични ифодаловчи ўзингизнинг алмисоқдан қолган ва бетутуруқ градациянгни энди бузиб ташланг ва уни қайта ишланг, жазонинг янги таркибларини, қонунларнинг янги кодексини яра-

тинг, янгича турмалар барпо этинг, янги судьяларни тайёрланг. Жорий этган қонунларингизни замонавий расм-таомиллар билан уйғунлаштиринг.

Францияда ҳар куни жуда кўп одамларнинг каллалари узилмоқда, жаноблар. Ҳамонки, сизлар тежамкорликка амал қилаётган экансиз, бу соҳада ҳам қўлланг ўша тежамкорлигингизни.

Ҳамонки, сизлар ортиқча нарсаларни йўқ қилиш иштиёқида ёнаётган экансиз, биринчи галда жаллод лавозимини бекор қилинг. Франциядаги саксонта жаллод оладиган маош билан мактаб ўқувчиларидан олти юз кишини таъминлаш мумкин.

Халқ ҳақида ўйланглар. Болаларни мактаб билан, катталарни иш билан таъминланг.

Бошқа Европа мамлакатларига қиёс қиладиган бўлсак, энг кўп саводсиз одамлар Францияда – сизлар шуни биласизларми? Шу яхшими? Швейцария саводхон, Бельгия саводхон, Дания, Греция, Ирландия – ўқиш-ёзишни билади, лекин Франция билмайди! Қандай шармандалик!

Сизлар сургунга боринг. У ерга сурилганларнинг ҳаммасини йиғинг. Қонундан ташқарида бўлган ўша жабрдийдаларнинг ҳар бирини диққат билан кузатинг. Уларнинг юз тузилишини ўлчаб, бош чаноғини пайпаслаб кўринг. Ана шунда, сиз у кимсаларнинг ҳар қайсиси бирон зоологик махлуқни эслатаётганини, инсон зотининг ҳайвонот оламидаги жониворлар билан омихта бўлиб кетганини кўрасиз. Улардан бири силовсинни, иккинчиси мушукни, яна бири маймунни эслатади, баъзилари қирғийга ё чиябўрига ўхшаб кетадилар. Бундай бадбашараликка, биринчи навбатда, турган гапки, табиат сабаб, ундан кейин – тарбия.

Табиат инсонни яратиш чоғида унинг тархини ёмон чизган, тарбия эса тархдаги нуқсонларни тузата олмади. Сизлар шу ҳақда ғамхўрлик қилинглари, Халққа яхши тарбия беринглари, уни маълумотли қилинглари. Бу нодон ва жоҳил кишилар онгини ривожлантиришга урининг, уларни фикр юритишга ўргатинг. Халқнинг ақл даражасини имкон борича камол топтиринг. Франция саводини чиқаргандан кейин уни янада маърифатли қилишни давом эттиринг. Йўқса, халқ ҳаётида яна бошқача ишқаллик юзага келиши мумкин. Шуни билингки, ғирт нодонлик ёмон билимдан афзалроқдир. Лекин бу ўринда мен баъзи изоҳларни айтиб ўтмоқчиман.

Сизлар қанча ҳаракат қилманг, оломоннинг, халқ оммасининг – ҳулласи калом, аксарият одамларнинг қисмати, уларнинг ҳаёти ҳамиша, озми-кўпми офир, ғамгин ва аянчлидир. Кўпчилик одамларнинг пешанасига умрбод меҳнат қилиш битилган, ҳаётнинг жамики машаққатларини шу кўпчилик ўз елкасига ортмоқлаган.

Қаранг, қандай адолатсизлик! Ҳаётнинг барча қувончлари – бойлар мулкию, жамики бадбахтлик ва қайғу-ҳасрат эса камбағалларга ато этилган. Ҳаёт тарозисига қўйилган юк мутлақо тенг эмас. Тарозининг бир палласи, шубҳасиз, босиб кетаверади ва шу туфайли жамият ҳаётидаги тенгсизлик тенгсизлигича қолаверади.

Лекин сиз қашшоқ одамнинг тарози палласига саодатли келажакка умид, мангу масъудлик иштиёқи, жаннат ҳаловати каби салмоқли қадоқ тошларини қўйинг – шунда сиз паллалар вазини тенглаштирасиз. Ана унда камбағалнинг ҳиссаси бойники билан баробар бўлади.

Буни Исо масиҳ билган.

Сизлар зулматда ҳаёт кечираётган заҳматкаш, жабрдийда халқнинг қалбига унинг учун ҳозирлаб қўйилган бошқа, саодатли дунёга ишонч туйғусини сингдиринг.

У таскин топиб, сабр-бардош билан кута бошлайди. Умид кишини бардошли қилади.

Қишлоқларга инжил уруғини сочинг. Ҳар бир хонадонга Библия улашингки, ҳар битта китоб ва инжил уруғи сочилган ҳар қайси дала ҳамжиҳат бўлиб меҳнаткаш одамнинг маънавий камолоти-га ёрдам берсин.

Бутун масала халқни маърифатли қилишга қаратилган. Инсонда жуда кўп туғма хайрли истеъдодлар мавжуд. Бу истеъдодлар ривож топиб, яхши маҳсул бериши учун сиз одамга эзгу фазилатнинг нақадар мунаввар ва муборак эканлигини кўрсатинг.

Одам қотиллик қилди, лекин агар унга яхши раҳнамолик қилинганда, у жамиятнинг фойдали аъзосига айланган бўларди.

Халқнинг саводини чиқаринг, уни тарбияланг, маърифатли қилинг, онгига ахлоқ-одоб тушунчаларини сингдиринг, ундаги мавжуд лаёқатни керакли томонга йўналтиринг, ана унда одамларнинг бошини кундада чопишингизга важ қолмайди.

ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўлимга ҳукм қилинганнинг сўнгги куни»
(«Le Dernier Jour d'un Condamné»)¹ – Виктор Гюго-нинг 1829 йилда эълон қилинган қиссасидир. Асар қаҳрамонларини гильотинада қатл этишади. Қиссада ўлимга маҳкум қилинган инсоннинг фикрлари қайд этилган. Асар бошида катта кириш сўзи ва кичик драматик саҳна келтирилган. Сўзбошида Гюго воқеликнинг қабиҳ томонларини тасвир этишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисидаги фикр-ни рад этади ва ўлим жазосини бекор қилишни ёқлаб чиқади. «Фожиа ҳусуси бўйича комедия» драматик саҳнаси аслзодаларнинг санъатда дид ва дидсизлик тўғрисидаги суҳбатининг ҳажвий тасвиридир.

Ушбу «кундалик» даставвал имзосиз эълон қилинган ва оламшумул муваффақият қозонган. Муаллиф маҳкумнинг айби нимада эканлигини маълум қилмайди. Матндан бош қаҳрамон бевосита қайси жинояти учун ҳукм қилинганлиги равшан эмас. Бу – қотиллик, деб тахмин этилиши мумкин. Қатл этилиши кунда маҳкум сўнгги бор ўзининг уч яшар қизини кўради, қизи уни танимайди.

Ўлимга маҳкум этилган ўз тақдири, ҳаёти ва ўлими тўғрисида ўйлайди. Қиссада унинг фикрлари, туйғулари, қатлни кутиш даҳшатлари батафсил қайд этилган, турмадаги, шу жумладан, маҳкум камерасидаги воқелик баён этилган. Гюго таажжубланиб шундай саволларни ўртага таш-

¹ Victor Hugo, Le Dernier Jour d'un Condamné // Гюго В. Последний день приговоренного к смерти // Виктор Гюго. Собрание сочинений в десяти томах. Т. I. – М.: "Правда", 1972. – С. 91-186.

лайди: «Маҳкум ҳукм ижро этилишини кутаётганда ҳис этадиган азоб-уқубатлар билан тенглашадиган жиноят мавжудми?», «Бир инсонда бошқа бировни ҳаётдан маҳрум этиш ҳуқуқи қаердан пайдо бўлган?»

Қисса ноширнинг (яъни муаллифнинг) сўзбошиси билан бирга нашр этилган, бунда Гюгонинг роли – «Барча эҳтимол тутилган судланувчиларнинг, айбдорларнинг ёки бегуноҳларнинг барча судлар ва суд қилувчилар олдида, барча маслаҳатчилар олдида, барча одил судловни амалга оширувчилар олдида воситачи бўлиш ролидир» деб таъкидлайди.

Виктор Гюгонинг Франция таъсис мажлисида 1848 йил 15 сентябрда ўлим жазоси тўғрисида сўзлаган нутқи¹

Виктор Гюго Франция Конституция лойиҳасининг – «Сиёсий жиноятлар учун ўлим жазосининг бекор қилиниши»га бағишланган 5-моддаси муҳокамаси муносабати билан нутқ сўзлаган. У ўлим жазосини тўла бекор қилишни ёқлаб чиққан. Таъсис мажлиси 5-моддани даставвалги таҳрирда қабул қилган. Қуйида ушбу нутқни келтирамиз.

«Мен ҳаммадан ҳам муҳим бўлган бу масала деярли тўсатдан муҳокамага қўйилиши ва нотиқларнинг тайёранмасдан сўзга чиқишга мажбур қилаётганидан таассуфдаман.

Менга келганда эса гапни лўнда қиламан, бироқ айтмоқчи бўлганларим чуқур, аввалдан қарор топган ишонч ҳиссидан келиб чиқади.

¹ Эркин Эрназаров таржимаси.

Сиз ҳозиргина турар жой дахлсизлигини муқаддаслаштирдингиз, биз сиздан янада юксакроқ ва муқаддасроқ – инсон ҳаёти дахлсизлигини муқаддаслаштиришингизни сўраймиз.

Жаноблар, Конституция, айниқса, Франция яратган ва Франция учун яратилган Конституция цивилизация йўлида янги қадам бўлиши шарт. Агар бу цивилизация йўлида янги қадам бўлмаса – у ҳеч нарса эмас. (Хитоблар «Жуда яхши фикр!» «Жуда яхши фикр!»)

Шундай экан, бир ўйлаб кўринг – ўлим жазосинима? Ўлим жазоси жоҳилликни ажратиб турадиган ва абадий белгидир (Залда жонланиш). Ўлим жазоси қутурган ҳамма жойда жоҳиллик ҳукм суради, ўлим жазоси ноёб ҳодиса бўлган ҳамма жойда цивилизация ҳукмронлик қилади (Залда кучли ҳаяжонланиш).

Жаноблар, буларнинг ҳаммаси рад этиб бўлмайдиган далиллардир. Жазо чораларини юмшатиш – улкан ва жиддий тараққиётдир. Ўн саккизинчи аср қийноқларни бекор қилди – унинг шон-шуҳратга бурканишининг бир қисми шу билан боғлиқдир, ўн тўққизинчи аср ўлим жазосини бекор қилади! (Қизгин маъқуллаш. «Ҳа», «Ҳа!» хитоблари).

Эҳтимол, сиз бугун ўлим жазосини бекор қилмассиз, аммо ишончингиз комил бўлаверсин, сиз уни эртага бекор қиласиз ёки сизнинг ворисларингиз уни бекор қилади. (Хитоблар: «Биз уни бекор қиламиз!» Залда ҳаяжонланиш).

Сиз Конституциянгизнинг «Муқаддимаси»ни «Тангри сиймоси олдида» сўзлари билан бошлагансиз ва шу заҳотиёқ ушбу Тангридан фақат танҳо унга тегишли ҳуқуқ – ҳаёт ва ўлимни инъом этиш ҳуқуқини тортиб олмоқчи бўляпсиз. (Хитоблар: «Жуда яхши фикр!» «Жуда яхши фикр!»).

Жаноблар инсоннинг эмас, Тангрининг измида учта нарса: қайтариб бўлмайдиган, тўғрилаб

бўлмайдиган, бекор қилинмайдиган нарсa бор. Уларни ўз қонунларига киритмоқчи бўлган инсон бошига кулфат ёғдиради! (Залда жонланиш). Эртами ёки кеч жамият уларнинг зил-замбиллиги остида букилади, улар ахлоқ ва қонунлар ўртасидаги зарур тенгликни бузади, улар инсоний одил судловни номутаносиб қилади ва бунинг натижасида – бу ҳақда ўйлаб кўринг, жаноблар, – виждон қонун олдида даҳшат билан чекинади (Залда кучли ҳаяжонланиш).

Мен, бу минбарга фақат бир сўзни, лекин нуқтаи назаримда, ҳал қилувчи сўзни айтиш учун кўтариладим. Мана, бу сўз. (Хитоблар: «Тингланг! Тингланг!»).

Февралдан бошлаб халқда буюк фикр пишиб етилди: халқ тахтни ёқиб кул-вайрон қилган куннинг эртасига у дорни кул-вайрон қилиб ёқишни хоҳлади (Овозлар: «Жуда яхши!» Бошқа овозлар: «Жуда ёмон!»).

Ўшанда уларнинг онгига таъсир қиладиганлар, мен бундан ўта таассуфдаман, унинг раҳмдил қалби даражасига кўтарила олишмади. Унга бу буюк ғояни амалга оширишга халақит беришди.

Гап бундай! Конституциянинг сиз овоз бераётган биринчи моддасида ҳозир халқнинг биринчи орзусини муқаддаслаштирдингиз – сиз тахтни қулатдингиз. Шундай экан, халқнинг бошқа орзусини ҳам муқаддаслаштиринг – дорни қулатинг (Чап томондагилар олқишлайди. Ўнг томондагиларнинг норозилиги).

Мен, ўлим жазосини тўла-тўқис, сўзсиз ва узил-кесил бекор қилиш учун ўз овозимни бераман»¹.

¹ Гюго В. Собрание сочинений: В 15 томах / Пер. с франц. Т.Ивановой. Т.15. – М.: «ГИХЛ», 1956.

Женева Конституциясини (1862) қайта кўриб чиқиш пайтида ўлим жазоси тўғрисидаги масала пайдо бўлади. Таъсис мажлиси биринчи бор овоз беришда ўлим жазосини сақлаб қолади. Ўшанда ўлим жазосига қарши бўлганлар Гюгога ўзларини қўллаб-қувватлаши тўғрисида илтимос билан мурожаат этади. Гюго дарҳол қуйидаги хатни ёзади. Қуйида ушбу хатни келтирамиз.

Виктор Гюгонинг Жаноб Бост, Швейцария республикачисига мактуби¹

*Отвиль – Хауз,
1862 йил 17 ноябрь*

Муҳтарам жаноб, сиз яхши иш тутяпсиз. Сиз ёрдамга муҳтожсиз ва менга мурожаат қиляпсиз, бунинг учун сиздан миннатдорман. Сиз мени чорлаяпсиз – мен боряпман. Нима бўлди? Мен сиз билан.

Женева бутун миллат, шунингдек, алоҳида кишилар учун ҳам улғайиш, туб ўзгаришларидан далолат берадиган қонуний инқирозлар арафасида турибди. Сиз ўз Конституциянгизни қайта кўриб чиқишни мўлжаллаяпсиз. Сиз ўз мамлакатингизни ўзингиз бошқарасиз, сиз ўзингизга ўзингиз хўжайинсиз, сиз эркин кишиларсиз – Республикасиз. Сиз муҳим ишни амалга оширмақчисиз – ўзингизнинг ижтимоий шартномангизни қайта кўриб чиқмоқчисиз, тараққиёт ва цивилизацияга нисбатан нимага эришганлигингизни аниқламоқчисиз, ҳаммани тўлқинлантираётган масалаларни яна ўзаро муҳокама қилмоқчисиз. Муҳока-

¹ Эркин Эрназаров таржимаси.

ма бугун-эртага бошланади ва барча муаммолар орасида энг муҳими – инсон ҳаётининг дахлсизлиги муаммосидир.

Гап ўлим жазоси тўғрисида кетяпти. Афсуски, Сизифнинг¹ қайғули қояси! Бу жазо тизими деб атаётган нафрат, золимлик, жоҳиллик, нодонлик ва адолатсизлик палахсаси қачон қулашдан ва инсоний жамиятга ёғилишдан тўхтайди? «Жазо» сўзини қачон «Маърифат» сўзи билан ўзгартиришади? Ниҳоят, қачон айбдор нодон эканлигини тушунишади? Жазо, жонга – жон, қонга – қон, ёвузликка ёвузлик қилиш – бизнинг қонунлар кодекси тахминан шундан иборат. Қачон ўч олиш жиноятни таъқиб қилиш ниқоби остида бизни чалғитишга бўлган ўзининг эски уринишларидан воз кечади? У бизни алдашга муваффақ бўлади деб ўйламаяптимикин? Унинг давлат манфаатини рўкач қилиши хиёнатдан кам эмас, у эполетларини² таъқиб, ўзини уруш деб аташи қон-қардошларнинг қир пичоқ бўлишидан кам эмас.

Де Местр³ Аждаҳони ясан-тусан қилишга овора бўлмоқда. Қонли сўзамонлик беҳуда уриняпти,

¹ Сизиф (қадимги юнонча “Σίσυφος”) – кўҳна юнон ривоятларида Коринф давлати бунёдкори ва шоҳи, вафотидан сўнг маъбудлар томонидан чўққига чиқар-чиқмас пастга тушиб кетадиган оғир тошларни тоққа думалатиб олиб чиқишга маҳкум қилинган. Мажозий маънода оғир, бетиним ва беҳуда иш, уқубатни англатади.

² Эполетлар (французча “épaulettes” – “елка” сўзидан) – Европадаги давлатларда XVIII–XIX асрларда русум бўлган елкага тақиладиган ҳарбий унвон белгиси. Ҳозирги вақтда ҳарбийлар парад кийимининг белгиси сифатида сақланиб қолган.

³ Граф де Местр Жозеф-Мари (французча “Maistre, Joseph de”, 1753 – 1821) – француз католик файласуфи, адиб, сиёсатчи ва дипломат, XVIII аср охири – XIX аср бошида консерватизмнинг энг нуфузли мафкурачиларидан бири.

у ўзи яшираётган мажруҳликни ниқоблашга муваффақ бўла олмайди. Софистлар¹ уқувсиз либосчилардир. Адолатсизлик адолатсизлик бўлиб қолаверади, махлуқ махлуқ бўлиб қолаверади. Ниқоб тақиб олган сўзлар бор, бироқ уларнинг тирқишларидан ёвузликнинг мудҳиш шуълалари кўринадди.

Ахир, ниҳоят, қачон қонун ҳуқуққа мувофиқ бўлади? Қачон инсоний одил судлов илоҳий одил судловга тенглашади? Қачон Библияни² ўқиётганлар нима учун Каиннинг³ ҳаёти сақлаб қолинганлигини тушунишади? Қачон Евангелиени⁴ ўқиётганлар, ниҳоят, Исо Масиҳ хочга қоқилиши моҳиятини тушуниб етади? Қачон, ниҳоят бизни ўраб турган зимистонни тешиб мавҳумлик қаъридан эшитилаётган «ўлдирма!» деган буюк ҳаёт овозига қулоқ тутишади? Қачон бу ердагилар, заминимиздагилар – судьялар, руҳонийлар, халқлар ва қироллар – улар тепасида ҳам кимдир борлигини кўришади? Қулчиликка асосланган республика, аскарларга таянадиган монархия, жаллодлар томонидан қўриқладиган жамият. Ҳамма ёқда зўравонлик, ҳуқуқ ва ҳақиқат ҳеч қаерда йўқ. Эҳ, қумурсқадек ожиз, бўғма илондек такаббур жаҳоннинг аянчли ҳукмронлари!

¹ Софистлар (қадимий юнонча “σοφιστής” – “моҳир”, “доно” сўзидан) – қадимий Юнонистонда нотикликдан сабоқ берадиган ўқитувчилар, милоддан аввалги V асрнинг иккинчи ярми – IV асрнинг биринчи ярмида шаклланган шу номдаги фалсафий оқим тарафдорлари.

² Библия – яҳудий ва христиан дини муқаддас китобларининг йиғиндиси.

³ Каин – ўз укаси Ҳобилни ўлдирган Қобил номи, мажозий маънода қотил, хоин.

⁴ Евангелие – Инжил (христианларнинг диний китоби).

Ҳозир тараққиёт йўлидан яна бир қадам қўйиш имконияти туғилмоқда. Женева ўлим жазоси тўғрисидаги масалани муҳокама этмоқчи. Сизнинг мактубингизда, тақсир, шу ҳақда гап кетади. Сиз мени аралашишимни, муҳокамада иштирок этишимни ва ўз сўзимни айтишимни сўраяпсиз. Камина каби ожиз ва ёлғиз киши сўзларининг аҳамиятини бўрттиряпсиз, деб қўрқаман. Мен кимман ва қўлимдан нима ҳам келади? Мана, кўп йиллар ўтди, 1828 йилдан бошлаб мен бир кишининг заиф кучи билан баҳайбат, зиддиятли ва даҳшатли ҳодиса бўлган, ўзида мутафаккирни даҳшатга солишга қодир адолатсизликни мужассамлаштирган ўлим жазосига қарши курашяпман. Бошқалар бунга қарши муваффақиятлироқ кураш олиб бордилар ва менга қараганда кўпроқ нарсанинг уддасидан чиқдилар. Бироқ ўлим жазоси бирозгина чекинди, холос, тамом-вассалом. Парижда – унинг бутун нурафшонлигида ўзининг шармандалигини ҳис этди, гильотина манманлигини йўқотди, лекин таслим бўлмади. Грев майдонидан қувилиб, Сен-Жак шаҳар дарвозасига кўчиб ўтди, Сен-Жак шаҳар дарвозасидан ҳайдалиб, Ла-Рокетт майдонидан қўним топди. У чекинмоқда, лекин таслим бўлмаяпти.

Сиз, муҳтарам жаноб, мендан ёрдам сўраяпсиз ва сизга қўмаклашиш менинг бурчимдир. Лекин сиз муваффақият қозонсангиз, кўрсатган ёрдамимга ортиқча баҳо берманг. Такрорлайман, ўттиз беш йил давомида шаҳар майдонларида қатл этишларга тўсқинлик қилиш учун бутун кучим билан уринаман. Мен дунёвий қонунларнинг самовий қонунлар устидан зўравонлигини толмасдан фош этиб келдим. Мен одамларнинг виждонлари газабланишига ундадим. Мен қонунсизликка мантиқ ва энг олий мантиқ – ҳамдардлик би-

лан зарба бердим, мен кўзи кўр, инсонни ўлимга ҳукм қиладиган, меъёрни билмайдиган бутун жазо тизими билан ҳам, унинг алоҳида кўринишлари билан ҳам жанг қилдим, гоҳ қонуннинг умумий қоидаларини таҳлил этар эканман, унинг ўзагини англаш ва нозик жойидан тутишга, қандайдир битта эшафотни¹ эмас, балки барча эшафотларни умрбод қулатишга интилдим, гоҳ шунчаки инсон ҳаётини қутқариш мақсадини кўзлаб, алоҳида бир ҳолат билан чекландим. Баъзан бунга муваффақ бўлдим, лекин кўпинча мағлубиятга учрадим. Жуда кўп олижаноб донолар ҳам ўзларини худди шу вазифага бахшида қилдилар ва атиги тўққиз ой муқаддам Бельгиянинг муруватли матбуоти менинг Шарлеруада ҳукм қилинганларни қатъий ҳимоя қилган чиқишимни кўллаб-қувватлаб, тўққиз кишидан еттитасининг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Ўн саккизинчи асрнинг ёзувчилари қийноқларни йўқ қилишга эришди, ишончим комилки, ўн тўққизинчи асрнинг ёзувчилари ўлим жазосини йўқ қилишга эришади. Улар ҳозирнинг ўзида Францияда қўлни кесиб ташлаш ва қиздирилган темир билан тамға босишни бекор қилишга мажбурлашди. Улар фуқаролик қатлини бекор қилишга мажбурлашди ва вақтинчалик бўлса ҳам жуда ажойиб – айбни юмшатадиган ҳолатни топишди. «Айбни юмшатадиган ҳолатдек бемаъни янгилик учун, – деди депутат Сальвер, – «Маҳкумнинг сўнгги куни» каби қабиҳ китоблардан қарздор-миз»². Ҳақиқатан ҳам, айбни юмшатадиган ҳолат

¹ Эшафот – жаллоднинг бош чопадиган кундаси.

² Гюго 1828 йилнинг охирида ёзган, 1829 йилнинг 7 февралда нашр этилган “Ўлимга ҳукм қилинганнинг сўнгги куни” китобини назарда тутмоқда.

– ўлим жазосини тўла бекор қилишнинг муқаддасмасидир. Қонундаги юмшатувчи ҳолат – кунда тушиши йўлига тўсиқдир. Шундай экан, қўлимизга илоҳий болға олайлик-да, ҳақиқатнинг қудратли тинимсиз зарбалари билан кундани парчалаб ташлайлик.

Бу олис йўл – бунга қўшиламан. Бунга, сўзсиз, вақт керак. Аммо дадил бўлаверайлик. Ҳатто майда-чуйда нарсаларда ҳамиша ҳам саъй-ҳаракатларимиз зое кетмайди. Сизга Шарлеруа ишини эслатдим, мана бошқаси. Саккиз йил муқаддам – 1854 йилда Гернсейда Тэпнер исмли одам осиб ўлдиришга ҳукм қилинганди. Бунга мен аралашдим, афв этиш тўғрисидаги илтимосни оролда истиқомат қиладиган олти юз нафар нуфузли аҳоли имзолади. Шунга қарамасдан уни осибди. Энди бу ёғини эшитинг: қатлга халақит беришга қаратилган мактубимни эълон қилган Европа газеталарининг бир нечтаси бу мактубимни Америка газеталарининг кўчириб босиши фойдадан холи бўлмаган вақтда Америкага олиб келиб қолди. Квебекда Жюльен исмли кимсани дорга осиб қўйди. Канада халқи асосли равишда менинг Гернсей аҳолисига йўллаган мактубим худди шунингдек Жюльенга ҳам тааллуқли деб ҳисоблади. Илоҳий тақдир тақозоси билан ушбу мактуб назарда тутган Тэпнерни эмас, балки назарда тутмаган Жюльенни қутқариб қолди. Бу далилларни нима учун келтирмоқдаман? Шу сабабданки, улар сабот билан курашиш заруратини исботлашмоқда. Афсуски, қилич ҳам ўжарлик қилмоқда.

Гильотина ва дорнинг хунук статистикаси қонуний қотиллик бирорта мамлакатда ҳам камайганидан далолат беради. Сўнгги ўн йилликда эса ахлоқий ҳиссиётнинг пасайиши сабабли қатл яна

хайрихоҳ муносабатга сазовор бўлди ва мана, янги хуруж бошланди. Сизлар кам сонли халқсиз, биргина сизнинг шахрингиз – Женевада сўнгги ўн саккиз ойда иккита гильотинани кўрдингиз. Ҳақиқатан ҳам, Варини қатл этишган бўлса, нима учун Эльсини ўлдирмаслик керак? Испанияда – гаррота¹, Россияда – шпицрутенлардан² ҳалок бўлишмоқда. Черков қондан жирканадиган Римда маҳкум қонини оқизмасдан қатл этишади. Аёллар ҳукм сураётган Англияда яқинда аёлни дорга осишди.

Бу қадимий жазо тизимига фарёд қилишга, туҳмат қилишяпти деб шикоят қилишга ва ўзини айбсиз қилиб кўрсатишга ҳалақит бермаяпти. У ҳақда жуда ҳам кўп вайсашаётган эмиш ва бу, қарангки, даҳшатли эмиш. Гўё у ҳамиша жуда мўмин-қобил ва нозик табиатли эмиш. У фақат важоҳати бўйича талабчан қонунлар яратармиш, лекин у бу қонунларни қўллашга қодир эмасмиш. Ахир у Жан Вальжанни³ нон ўғирлагани учун сургун қилармиди? Нима деяпсиз! Тўғри, у 1816 йилда Сомма департаментининг оч исёнчиларини аба-

¹ Гаррота (испанча “garrote” – “бураш”) – маҳкум бошига солинган сиртмоқни таёқ билан бураб қатл этишнинг испанча усули. 1828 йилда Фердинанд VII томонидан жиноятчиларни қонуний қатл этишнинг ягона усули сифатида жорий этилган. Гаррота қатл этиш қуроли сифатида сўнгги бор 1974 йилда қўлланилган.

² Шпицрутен (немисча “Spießrutenlaufen”, “Spiess” – “найза” ва “Rute” – “хивич”) – XVII–XIX асрларда жазолаш учун қўлланилган узун тол хивичи. Маҳкум 100-800 нафар аскар сафи орасидан ўтказилиб, хивич билан 6000 мартагача саваланган. Бу жазо қатл этишга тенглаштирилган. Россияда шпицрутен билан жазолаш 1864 йил 17 апрелда бекор қилинган.

³ Жан Вальжан – Гюгонинг “Хўрланганлар” романи қаҳрамони.

дий сургун қилди. Тўғри, 1846 йилда... Афсус! Менга Жан Вальжаннинг сургун қилинишини таъна қиладиганлар Бюзансдаги гильотинани ёддан кўтаришади. Қонун ҳамиша очликка рўйхуш бермаган. Ҳозиргина қийноқ бекор қилинган тўғрисида гапирдим. Ҳолбуки, 1849 йилда қийноқ ҳали қўлланилаётганди. Қаерда? Хитойдами? Йўқ, Швейцарияда. Сизнинг мамлакатингизда, муҳтарам жаноб. 1849 йилнинг октябрида Цугада суд терговчиси Матильда Вильдемберг исмли қизнинг пишлоқ ўғирлаганлигига (емишни ўғирлаш – яна очлик!) иқрор бўлишига мажбур қилиш мақсадида гира билан унинг бармоқларини қисди ва ушбу гирага боғланган арқон билан уни шифтга кўтарди. Қиз бармоқлари қисилиб, ўзи осилиб турган пайтида жаллоднинг ёрдамчиси уни таёқ билан калтакларди. 1862 йилда мен яшаётган Гарнсейда қамчи билан жазолаш ҳали ҳам мавжуд. Ўтган йили ёзда суд ҳукми бўйича элик ёшли киши қамчи билан саваланди. Унинг исми Торо эди. У ҳам оч қолиб, ўғрилик қилган.

Шундай экан, серғайрат бўлайлик. Барча мутафаккирларни кодексларни юмшатиш учун исёнга кўтарайлик. Жазо тизимини чеклаймиз, таълим тизимини кенгайтирамиз. Босиб ўтган йўлимизга қараб ҳали олдимизда турган йўл тўғрисида ўйлаб кўрамиз. Айбни юмшатувчи ҳолатлар нақадар самарали! Улар ҳозир сизга ҳикоя қилиб берадиган нарсалар содир бўлишига йўл қўймаган бўларди.

1818 ёки 1819 йилнинг ёзидаги кунларнинг бирида, тушга яқин Париждаги Одил судлов Саройи майдонидан ўтиб кетаётгандим. Бир устун атрофида оломон тирбанд эди. Мен у ерга яқинлашдим. Устунга ёш аёл ёки қиз боғланган эди. Унинг

бўйнини сиртмоқ сиқиб турарди, бошига ёзув битилган лавҳа боғланганди. Бу маҳкума олдида ўт олган кўмирга тўла манқал бўлиб, унда темир сим чивиқ чўғ бўлиб турарди. Оломон бу манзарадан мамнун кўринарди. Ушбу аёл одил судлов уйда ўғирлик қилиш деб атайдиган нарсада айбдор эди ёки сийқаси чиқиб кетган сўз такрорланса, қўли эгри эди. Соат чошгоҳга бонг урганда, аёл орқасида тўсатдан у сезмаган ҳолда эшафотга бир киши кўтарилди. Мен аёлнинг дағал жун матодан тикилган кўйлаги орқасидаги йирмочга чилвир боғланганлигини пайқадим. Ҳалиги одам чаққонлик билан чилвирни ечди ва аёл кўйлагини кўтариб, уни белигача яланғоч қилди, кейин манқалда чўғ бўлган чивиқни олиб, яланғоч елкага куч билан босди. Оқиш тутунда темир чивиқ ва жаллоднинг қўли кўринмай қолди. Бунга қирқ йилдан ҳам кўпроқ вақт бўлди, лекин ҳозиргача қулоқларим остида ва юрагимда жазоланаётган аёлнинг даҳшатли қичқириши жаранглайди. Бу аёл ўғри эди, аммо кўз олдимда у жафокашга айланди. Мен майдонни – ўшанда ўн олти ёшда эдим – бутун умрим давомида қонуннинг ёвузлигига қарши курашишга қатъий аҳд билан тарк этдим.

Ана шу ёвузликларнинг энг хунуги – ўлим жазоси. Ахир бизнинг асримизда у ҳатто энг қуйи суд босқичлари томонидан ҳам одатдаги ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилмаяптими? 1849 йилнинг 20 апрелида ўн етти ёшли қиз – Сара Томас исмли оқсоч Бир столда ўзини калтаклаётган бекасини жаҳл устида таёқ билан уриб ўлдирган. Маҳкума ўлишни хоҳдамасди. Уни эшафотга олиб чиқиш учун етти киши керак бўлди. Қизни куч ишлашиб осишди. Жаллод қизнинг бўйнига сиртмоқ ташлар экан, отасига бирор гап айтиб қўйиш истаги бор эканлигини сўради. Қиз бир лаҳза хи-

риллашини тўхтатди ва: «Ҳа, уни яхши кўришим-ни айтинг» деди. Асримиз бошида, Георг III ҳукмдорлигида Лондонда ragged (жулдур кийимлилар) синфидаги уч бола ўғирлик учун ўлим жазосига ҳукм қилинди. «Ньюгейт Календер» газетасининг маълум қилишича, бу болаларнинг каттаси ўн тўрт ёшга ҳам тўлмаган эди. Учала болани ҳам дорга ошишди.

Одамлар ўлим жазоси тўғрисида нақадар ғалати тасаввур ҳосил қилганлар! Қандай-а! Мен одадий кийимда ўлдириш ҳуқуқига эга эмасман, судья ридосида бўлсам – бу ҳуқуққа эгаманми? Демак, судья ридоси Ришелье¹ сутанаси² каби ҳамма нарсани бекитиб турадими! Ижтимоий ҳимоя? Эҳ, ўтиниб сўрайман, мени бундай ҳимоядан халос этинг! Бу – қотиллик, бу – қотиллик, мана бу нима дегани. Ахир қонуний ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳолати – бу сўзнинг жуда тор маъносида (зеро, агар сиз томондан ярадор қилинган ҳужум қилувчи йиқилса, унга ёрдам кўрсатишга мажбурсиз) истисно этилганда, қачонлардир бўлмасин инсонни ўлдиришга изн берилиши мумкинми? Ва алоҳида шахс учун ман этилган бу нарса бир гуруҳ шахслар томонидан қилинишига рухсат бериладими? Жаллод – қотилнинг машъум бир туридир! У расмий қотил, ҳужжатга эга, хизматда бўлган, маош оладиган, муайян вақтда ўз ишини ҳамманинг олдида қиладиган, қуёш чарақлаб турганда қатл этадиган, ўлим қуроли сифатида «Одил суд-

¹ Арман Жан дю Плесси, герцог де Ришелье (французча “Armand-Jean du Plessis, duc de Richelieu”, 1585 – 1642) – Рим католик черковининг кардинали, Франциянинг давлат арбоби, 1616 йилдан давлат котиби, 1624 йилдан умрининг охиригача ҳукумат бошлиғи.

² Сутана – католик руҳонийларининг узун устки кийими.

лов белгиси»ни ишлатадиган қотил, барча давлатлар томонидан тан олинган қотил! У амалдор қотил, қонунни пана қилган қотил, барча номидан иш кўрадиган қотил! У ўлдириш учун мендан ваколат олган, у сиздан ҳам ваколат олган. У бўғади ва каллани олади, кейин жамиятнинг елкасига қоқиб: «Сен учун ишляпман, тўла» – дейди. У – cum privilegio (қонун бўйича) қотил, у қонуншуноснинг декрети, маслаҳатчиларнинг муҳокама-си, судьяларнинг қарори, руҳонийнинг фатвоси асосида, аскарлар қўриқлаб турган ҳолатда, томошабин оломон ҳозирлигида қатл этадиган қотилдир. У баъзан ўлимга маҳкум қилинганларнинг ўзлари томонидан қўллаб-қувватладиган қотилдир. Жумладан, сизларга мурожаат қилаётган мен бир гал ўлимга маҳкум қилинган, назарий жиҳатдан ўлим жазосини қўллаш тарафдори бўлган Марки исмли шахс, икки йил муқаддам суд идораси амалдори, шармандали жазони маъқуллайдиган Тест билан катта шов-шув кўтарган жиноий иш юзасидан баҳслашгандим. Цивилизация билиб қўйсин: у қотил учун жавоб беради. Хўш, нима бўпти! Сиз қотилликни шу даражада кўрганни кўзингиз йўқки, қотилни ўлдирасиз, мен эса ўлдиришдан шу даражада нафратланаманки, сиз қотил бўлишингизга тўсқинлик қиламан. Ҳамма нарса бир нарсага қарши: гильотинада мужасамлашган ижтимоий қудрат, жон талвасасидига сарфланган ижтимоий куч – бундан жирканч нима нарса бўлиши мумкин? Инсоннинг инсон томонидан ўлдирилиши даҳшатга солади, инсон томонидан одамларнинг ўлдирилиши эзди.

Ва сизга ушбу инсон тавба қилиши ва ўз гуноҳини ювиши учун, қалбини эзаётган уқубатли масъулиятдан халос бўлиши учун қолган бутун ум-

рини сарф қилиши кераклигини муттасил так-
рорлайвериш керакми? Ахир сиз унга фақат бир
неча дақиқа қолдирыпсиз-ку! Қайси ҳуқуққа кўра?
Сиз у тавба қилишнинг турли кўринишлари учун
қолдирилган муддатни қисқартиришдек даҳшат-
ли масъулиятни зиммангизга олишга қандай
журъат этипсиз? Сиз тавба қилмаган жиноятчи-
ни ўлдириб, унинг айбини бўйнингизга олаётган-
лигингизни ва бу энди сизнинг гуноҳингиз бўли-
ши тўғрисида ўзингизга ҳисоб беряпсизми? Сиз
инсонни қатл этишдан огирроқ жиноят содир
этипсиз – сиз виждонни қатл этипсиз.

Қайси ҳуқуққа кўра сиз Тангрини муддатидан
илгари судья қилиб тайинлаяпсиз? Қайси асосга
мувофиқ сиз унинг иродасини идора қиляпсиз?
Ахир унинг суди – сизнинг судингиз босқичлари-
дан бирими? Наҳотки, сиз ўз судингизни Илоҳий
судга тенг деб ҳисоблаяпсиз? Бунда иккитадан
биттаси ёки сиз тақводорсиз, ёки йўқ. Агар сиз
тақводор бўлсангиз, абадийликни мангулик ба-
шарасига улоқтиришга қандай журъат этипсиз?
Агар тақводор бўлмасангиз, тирик жонни маҳв
этишга қандай журъат қиляпсиз?

Жиноятчилик ишларининг шундай мутахасси-
си борки, у қуйидаги тафовутни ўрнатди: «қатл»
деб атаб хато қилишади, «товон» дейиш лозим.
Жамият қатл этмайди, у ҳаётдан маҳрум этади».
Биз, оддий бандалар, бундай икир-чикирларни
тушунмаймиз.

«Одил судлов» сўзини тилга олишади. Одил суд-
лов! Оҳ, бу муқаддас ва ҳамма томонидан ҳурмат
қилинадиган ғоя, бу – олий тенглик, бу – энг чу-
қур ҳақиқат, бу – идеалдан ўзлаштирилган сеҳр-
ли сидқидиллик, бу – олдимизда ланг очилган,
қамраб олиб бўлмайдиган абадият олдида титраб
турадиган олий адолат, бу – мустаҳкам холислик-

нинг масъум софлиги, бу – вазнсизликнинг тенглаштирилиши, бу – ҳамма нарсани ўзида мужас-самлаштирган тушунча, бу – ҳамдардлик билан бириккан энг олий донолик, бу – машаққатли эзгулик, бу – шуълали, тенг амал этадиган умумий виждон, бу – мутлақ мавҳумлигини заминдаги воқеликка айлантирувчи, бу – ҳақиқатни англаш, бу – инсон нигоҳига намоён бўлган мангулик ёғдуси – одил судлов! Бу биргина ўзининг ҳозирлиги билан эзгулик ва ёвузлик нисбатини белгилайдиган ҳақиқатнинг муқаддас ички ҳисси ва у инсон вужудига кириб борганда уни Тангрига тенг қилади, қонуни поёнсизликка мутаносиб бўлиш ҳисобланган қиёмат кўриниши, у – мажусийлик ўзини маъбудага, христианлик эса малакка айлантирадиган илоҳий моҳият, у – оёғини инсон юрагига ва қанотларини юлдузга тираб турган баҳодир, бу – инсон эзгу ишларининг Юнгфрау-си¹, инсон қалбининг чўққиси, у. Эҳ, эзгулик Тангриси, мангу Тангри, ахир уни гильотинада турган ҳолатда тасаввур этиш мумкинми? Ахир уни бахтиқаронинг ёғоч кишанининг қайишини тортаётган ҳолда тасаввур этиш мумкинми? Ахир уни нур сочадиган бармоқлари билан гильотина пичоғи чивигини ечаётган тарзда тасаввур этиб бўладими? Ахир уни жиноятнинг даҳшатли хизматкори – жаллоднинг жиноятини муқаддаслаштираётган ва айни пайтда бадном қилаётган ҳолда тасаввур этиб бўладими? Ахир уни иснод устунни олдида худди эълонларни ёпиштирувчи

¹ Юнгфрау (немисча “Jungfrau”) – Швейцариядаги Альп тоғининг энг машҳур чўққиларидан бири. Унинг номининг келиб чиқиши ушбу тоғ этагида жойлашган монастыр ёш маъсума роҳибалари (бокиралик) билан боғлиқ.

томонидан илиб қўйган лавҳа сифатида ҳаммага кўз-кўз қилиниши ҳолида тасаввур этиб бўладими? Ахир уни жаллод Колькрафтнинг пайпоқлар ва қўйлақлар, у кеча осган ва эртага осадиган арқони билан бирга йўл халтасига тиқиб қўйилган тарзда тасаввур этиб бўладими?!

Ўлим жазоси мавжуд экан маслаҳатчилар судидан изғирин эсаверади, бу ерда тун ҳукмронлик қилади.

Ўтган йил январидида Бельгияда, Шарлеруда суд суриштируви пайтида Рабе исмли одам томонидан гап орасида фош этиши натижасида аввалги йилларда гильотинада қатл этилган икки киши – Гетхальс ва Кекке, эҳтимол, айбсиз эканлиги («эҳтимол» сўзи сизга ёқадими) тўғрисида хулоса чиқариш мумкин эди. Бу суд суриштирувидаги баҳсларнинг энг қизғин пайтида адвокатлардан бири жиноятларнинг кўпчилиги нодонликдан келиб чиққан шафқатсизлик оқибати эканлигини билдирар экан, бепул мажбурий таълимнинг муҳимлигини исботлашни зарур ва лозим деб топди. Бош прокурор унинг нутқини бўлди ва мазах қилмоқчи бўлди. «Адвокат, – деди у, – бу жой парламент эмас». Ҳа, жаноб Бош прокурор, бу ер гўр.

Ўлим жазоси тарафдорларининг икки тури бор – бунинг тушунтирувчилар ва бунинг қўллайдиганлар, бошқача айтганда – бунинг назарияси билан шуғулланадиганлар ва бунинг амалиёти билан шуғулланадиганлар. Бироқ назария ва амалиёт ўртасида келишув йўқ ва улар бир-бирлари билан жуда ғалати баҳслашади. Ўлим жазосини йўқ қилиш учун улар ўртасида мунозара ўтказиш кифоя қилади. Қулоқ тутинг-а, ўлим жазоси тарафдорлари уни нима учун ёқлашади? Балким, қатл ибрат бўлиши учунми? Ҳа, дейди назария. Йўқ, дейди амалиёт ва эшафотни иложи борича

узоқроққа беркитади, Монфоконни¹ яксон қилади, жарчиларни йўқотади, бозор кунларида иш кўрмайди, ўз механизмларини ярим тунда ўрнатади ва зарбани тонг саҳарда беради, айрим мамлакатларда, Америка ва Пруссияда ёпиқ эшиклар ортида дорга осишади ва калла олишади. Эҳтимол, ўлим жазоси адолат ифодаси бўлгани учундир? Ҳа, дейди назария, инсон айбдор, у жазоланган. Йўқ, дейди амалиёт, зеро инсоннинг жазоланганлиги – яхши, ўлиши – чакки эмас, бироқ бу аёл ким? Бева. Бу болалар ким? Етимлар. Мана, ўлим ўз ортида кимларни қолдирди. Бева ва етимларни, яъни, жазоланганларни ва айни пайтда айбсизларни. Сизнинг адолатингиз қани? Лекин агар ўлим жазоси адолатсиз бўлса, балким у фойдалидир? Ҳа, дейди назария, мурда энди бизни ташвишга солмайди. Йўқ, дейди амалиёт, чунки бу жасад сизга оилани, отасиз оилани, нонсиз оилани васият қилиб қолдиради, мана, тирикчилик ўтказиш учун ўзини сотишга мажбур бўлган бева ва мана, қорнини тўйдириш учун ўғирлашга мажбур бўлган болалар. Дюмолар – беш яшар ўғри, қатл этилганнинг ўғли эди.

Бир неча ой муқаддам буни вазиятни юмшатадиган ҳолат деб ҳисоблаш лозим дейишга журъат этганимда, менга ҳамма томондан ташланишди.

Кўриб турганингиздек, ўлим жазоси ибрат ҳам бўла олмайди, адолатли ҳам эмас, фойдали ҳам эмас. У ўзи нима? Ўлим жазоси. Бу – U. Sum qui sum (лотинча «Мен – ўзимман»). Унинг ўзлигича

¹ Монфокон (французча “Gibet de Montfaucon”) – XIII асрда Парижнинг шимоли-шарқида ўрнатилган, бир йўла 50 кишини осиш мумкин бўлган тошдан ясалган улкан дор.

қолиши учун асоси бор. Хўш, унда нима? Гильотина гильотина учунми? Санъат санъат учунми? Якун ясайлик.

Шундай қилиб, ўлим жазоси тўғрисидаги масала билан барча муаммолар, истисносиз барча муаммолар: ижтимоий муаммо, ахлоқ муаммоси, фалсафий муаммо ва диний муаммо кўтарилади. Айниқса бу, охиргиси – англаб бўлмайдиган диний муаммодир. Бу ҳақда ўзингизга ҳисоб беряпсизми? Ҳа, ҳа, мен буни талаб қиламан! Сиз – ўлим жазоси тарафдорлари бу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз? Инсон ҳаётининг боқийликка тўсатдан қулаши, чуқур қаърлар учун пешанага ёзилганига зид равишда содир бўлган, энг кутилмаган бўлган қулаш тўғрисида, сеҳрли кучлар учун даҳшатли бўлган дафъатанлик тўғрисида мулоҳаза юритганмисиз? Сиз руҳонийни юборасиз, лекин у маҳкум каби қалтирайди. У ҳам ҳеч нарсадан хабарсиз ва сиз зимистон билан зим-зиё қоронғуликни ёритишни хоҳлайсиз!

Ахир сиз ҳеч қачон мавҳумлик қаърига энгашмагансиз-ку! Сиз у ерга ниманидир ағдаришга қандай журъат этасиз? Шаҳримиз кўчаларида эшафот пайдо бўлиши билан ушбу машғум шарпани ўраб турадиган зимистонликдан чексиз қалтираш чиқа бошлайди, у сизнинг Грев майдонингиздан Тангрининг тахтигача етиб боради. Эшафотнинг бостириб кириши ҳатто тунни ҳам ўйнатади. Ўлим жазоси – инсонни қаър устида ушлаб турган жамиятнинг қўли, мана, у очилади ва инсонни қўйиб юборади. Инсон қулайди. Мавҳумликнинг айрим томонларини англаб етган мутафаккир бу сирли зимистоннинг титрашини ҳис этади. Эҳ, одамлар, нима қилдингиз? Ким зимистоннинг қалтирашини тушунади? Бу руҳ қаёққа равона бўлди? Бу ҳақда нима биласиз?

Париж яқинида жирканч – Кламар майдони бор. Бу – лаънатланганларнинг гўрлари жойи. Бу – барча қатл этганлар учрашадиган жой. Бу ерда бирорта скелет, бирорта бош суяги йўқ. Инсоний жамият ана шу майдонга қўшни бўлган ҳолда бамайлихотир ухлаши мумкинми? Ҳа, ер юзида Тангри томонидан яратилган қабристонлар бор. Улар бизнинг мушоҳадамиздан юқорида туради, бу нима учунлиги Тангрига маълум. Бироқ инсон томонидан яратилган мазор тўғрисида даҳшатга тушмасдан ўйлаш мумкинми?

Йўқ, биз: «Эшафот йўқолсин! Ўлимга ўлим!» деб ҳайқаришдан толмаймиз.

Мушоҳада юритувчи инсонни ҳаётга муқаддас иззат-икром кўрсатишидан танишади.

Файласуфлар – бекорчи хаёлпарастлар эканлигини яхши биламан. Улар нимани истайди? Ҳа, улар ўлим жазосини йўқ қилишга интилишмоқда! Улар ўлим жазоси – инсоният учун мотам, деб эълон қилишади. Мотам! Эшафотни ўраб олган оломон қандай кулишини бир келиб кўришса эди. Файласуфлар, ниҳоят, воқеликка қайтишсин! Улар мотамни кўраётган жойда биз кулгини топяпмиз. Бу одамлар, тўғриси, осмонда сузиб юришибди. Улар ваҳшийлик ва жоҳиллик тўғрисида қичқиришади, чунки бизда вақти-вақти билан инсонни дорга осишади ёки калласини олишади. Эҳ, хаёлпарастлар! Қатлсиз жамият! Сиз шундай ўйла-япсизми? Бундан-да бемаъни нарсани тасаввур этиб бўладими? Қанақасига? Эшафот йўқолсин ва айни пайтда уруш йўқолсин! Мен сиздан сўрамоқдаман: энди ҳеч кимни ўлдирмаслик – бунда ҳеч бўлмаса бир томчи соғлом фикр борми? Ва, ниҳоят, ким бизларни файласуфлардан халос этади? Қачон бу турлича тизимлар, назариялар, асоссиз орзулар ва маънисизликларга барҳам берила-

ди. Маънисизлик – нима учун, сиздан сўраяпман? Тараққиёт учунми? Бефойда гап. Идеал учунми? Баландпарвоз гап. Жаллодлар бўлмаса – бизнинг ҳолимизга нима бўлади? Қонунлаштирилган мажбурий ўлимсиз жамият – қандай хом-хаёллик! Ҳаёт – қандай хаёлий орзу! Бу барча нур сочувчи-ислохотчилар ким ўзи? Шоирлар. Тангри, бизни шоирлардан халос эт! Инсоний жамият учун Гомер эмас, балки жаноб Фюльширон зарур.

Жамият ва цивилизация бошида Эсхил, Софокл, Исайя, Иова, Пифагор, Пиндар, Плавт, Лукреций, Вергилий, Ювенал, Данте, Сервантес, Шекспир, Мильтон, Корнель, Мольер ва Вольтерни кўриш ғалати бўларди. Кулгидан ичак узи-ларди!

Барча вазмин одамлар қаҳқаҳа отиб юборган бўларди. Барча соғлом фикрловчи одамлар елкаларини қисиб қўярди. Жон Буль ҳам, Прюдом ҳам. Бунинг устига – бу алғов-далғовлик бўларди, бу ҳақда ҳамма тўпланадиган жойлардан, биржа маклерлари ва қирол прокурорларидан сўраб-суриштиринг.

Тақсир, қандай бўлмасин, сиз яна бу улкан муаммо – қонунлаштирилган қотиллик муаммосини муҳокама қилмоқчисиз. Дадил бўлинг. Қўлга киритганни бой берманг. Эзгуликка интилаётган одамлар бутун кучи билан муваффақият қозона-версин.

Дунёда кичик халқ йўқ. Буни Бельгияга қарата, Шарлеруадан ҳукм қилинганлар муносабати билан гапирган эдим. Худди шуни бутун Швейцарияга такрорлаш учун изн берилсин. Инсоннинг буюклиги унинг бўйи билан ўлчанмаслиги каби халқнинг буюклиги асло унинг сони билан ўлчанмайди. Ақл ва қаҳрамонлик – ягона мезон-

дир. Буюк ибрат кўрсатаётган буюкдир. Кичик миллатлар кўп сонли, бепоён ҳудудларга эга бўлган, мутаассиблик ва бидъатда, нафрат ва урушларда, қуллик ва қотилликда қаттиқ турган мамлакатлар ёнида қобиллик ва мағрурлик билан биродарлик ғоясини ўтказса, қилични рад этса, эшафотни йўқ қилса, тараққиётни шон-шуҳратга буркаса ва мусаффо осмон каби лабларида қулгу билан яшаса, буюк миллат бўлади. Сўз ортида ғоя яширинмаган бўлса, у – пучдир. Республика бўлишнинг ўзи камлик қилади, эркин ҳам бўлиш керак. Демократия бўлишининг ўзи камлик қилади, инсонпарварлик ҳам бўлиши керак. Халқ инсон бўлиши керак, инсон қалбга эга бўлиши керак. Европа орқага кетаётган пайтда Женева олға интилса, шодмонлик бўларди. Швейцария ва айниқса, сизнинг кичик олижаноб республикангиз бутун монархия юз-кўзи олдида ўлим жазосини йўқ қилаётган республикага айланса, қандай ажойиб кўриниш бўларди. Женева ва Римнинг қадимий ибратли беллашишини¹ буюкликда янги шаклда тиклаш ва тамаддун дунёсининг нигоҳлари ва мушоҳада юритиши учун, бир тарафдан ҳукм қиладиган ва лаънатлайдиган Римнинг унинг папалиги билан, иккинчи томондан – кечирадиган Женеванинг унинг Евангелиеси билан намоён қилиш керак.

Сизнинг шахрингиз – Женева жаннатий кўл соҳилида жойлашган, халқингиз Тангри марҳамат қилган ўлкада яшайди, сизни олам мўъжиза-

¹ XVI асрнинг ўрталарида Женева католиклар ислохотлари-га қаршиликнинг ашаддий маркази ҳамда Рим Папасига қарши жон-жаҳди билан курашган Кальвин яшаган жой бўлган.

лари қуршаб туради. Гўзалликка одатий маҳлиё бўлиш ҳақиқатни кашф этади ва мажбурият юклайди. Цивилизация табиат каби уйғун бўлиши керак. Марҳаматга тўла бу мўъжизалар сизга нима деяётганлигига қулоқ тутинг, нурафшон осмонингизга ишонинг, унинг ложувардлигидан эзгулик тушмоқда, шундай экан, эшафотни йўқотсангиз-чи. Кўрнамак бўлманг. Тангри инсонга Альп, Арва, Рона, зангори Шецева Кули Леман ва қуёш нури билан ёритилган Монбланни инъом этган жаннатмакон ерда яшаётган инсон Тангрига жавобан ва миннатдорчилик ўрнига гильотина тақдим этади, деб ҳеч ким гапирмасин!

Виктор Гюго

II

*Отвиль – Хауз,
1862 йил 29 ноябрь*

Муҳтарам жаноб!

Сизга 17 ноябрда йўллаш шарафига эга бўлган мактубим, афтидан, 19 ёки 20 ноябрда етиб борган. Ушбу мактубни айтиб ёздирган куннинг эртасига Сомма департаментининг судида Дуаз-Гарденнинг ишини кўриб чиқиш бошланди, у дарҳол фақат ўлим жазосининг айрим даҳшатли тасодифларини ёритибгина қолмасдан, балки Жиноят кодексини тубдан қайта кўриб чиқишнинг ниҳоятда зарур эканлигини кўрсатди. Даҳшатли далиллар ислохотлар заруратини ўзича исботлайди.

Бугун «Пресс»да Берлиндан келган, 24 ноябрь санаси қўйилган ушбу хабарни ўқидим: «Сиз Вик-

тор Гюго томонидан Женевада жаноб Бостга ўлим жазоси муносабати бўйича йўлланган мактубини чоп этдингиз. Бу мактубни эълон қилиш бирмунча кечикди. Женеванинг Таъсис мажлиси ўз ишини тугаллаганига икки ҳафта бўлди. У томонидан қабул қилинган Конституция шоирнинг истакларига жавоб бермайди, чунки у ўлим жазосини сақлаб қолиб, буни фақат сиёсий жиноятлар учун бекор қилди».

Йўқ, ҳали кеч эмас.

Мактубимни фақат қарорларни тайёрлайдиган конституциявий қўмитадан ҳам кўпроқ қарор қабул қиладиган халққа йўллаганман.

Бир неча кундан кейин, 7 декабрда Конституциянинг лойиҳаси халқ томонидан овоз бериш учун қўйилади. Демак, ҳали вақт бор.

Қайсидир маънода ўлим жазосини сақлаб қоладиган ўн тўққизинчи асрнинг Конституцияси республикага номуносиб. «Республика» сўзини айтadиган киши «цивилизация» сўзини назарда тутadi. Женева халқи унга таклиф этмоқчи бўлишадиган лойиҳани рад этиб – бу унинг ҳуқуқи ва унинг бурчи – олий ҳокимият муҳри ва одил судлов муҳри билан тасдиқланadиган икки карра буюк ишлардан бирини амалга оширади.

Эҳтимол, сиз ушбу мактубни эълон қилиш фойдали деб ҳисоблайсиз.

Муҳтарам жаноб, яна бир бор сизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва чексиз самимиятимни изҳор қиламан.

Виктор Гюго

ШОҲОНА ИШРАТ¹

Виктор Гюгонинг беш пардадан иборат, шеърый шаклда ёзилган **«Шоҳона ишрат»**² («Le roi s’amuse») романтик драмаси биринчи бўлиб 1832 йил 22 ноябрда Француз Академиясида намойиш этилган. Асарнинг асосий қаҳрамони Людовик XII³ ва Франциск I⁴ ҳукмронлигида яшаган тарихий шахс (персонаж) – сарой масхарабози Трибуле ҳисобланади. Гюго Трибуле нутқи орқали жамиятнинг иллатлари ва найрангбозликларини очиб берган.

Ушбу драма асосида буюк италян бастакори Жузеппе Вердининг⁵ шоҳ асари «Риголетто» яратилганлиги, Гюгонинг демократик романтизми дунё маданиятига улкан таъсир ўтказганлигидан дарак беради.

Мазкур драманинг ўзбек тилидаги таржимаси атоқли ўзбек адиби, устоз Эркин Воҳидовнинг қала-

¹ Виктор Гюго. “Шоҳона ишрат” / Эркин Воҳидов таржимаси // Жаҳон адабиёти. 2002 йил 2-сон. 3-45 бетлар; 2002 йил 3-сон. 58-99 бетлар.

² Айрим таржимонлар ушбу асар номини ўзбек тилига “Қирол овунмоқда” деб ҳам таржима қиладилар.

³ Людовик XII (Louis XII, 1462–1515) – Валуалар сулоласидан бўлган, 1498–1515 йиллар мобайнида ҳукмронлик қилган Франция қироли.

⁴ Франциск I (François I, 1494–1547) – Валуалар сулоласидан бўлган, 1515–1547 йиллар мобайнида ҳукмронлик қилган Франция қироли.

⁵ Жузеппе Верди (Giuseppe Verdi, 1813–1901) – машҳур италян бастакори, романтик мусиқачи, ажойиб драматург. “Набукко” (1842), “Риголетто” (1851), “Ла Травиата” (1853), “Дон Карлос” (1867) каби асарлар муаллифи.

мига мансуб бўлиб, муқаддам алоҳида нашр этилмаганлиги ва журнал саҳифаларидагина чоп этилганлигини ҳисобга олиб, мазкур тўпلامда эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Қатнашувчилар:

Қирил Франциск Биринчи

Трибуле

Бланш

Де Сен-Валье

Сальтабадиъ

Мэгелона

Клеман Мэро

Де Пьени

Де Горд

Де Пардальян

Де Брион

Де Моншеню

Де Мон – Моранси

Де Коссе

Де Лагур – Ландри

Де Вик

Де Коссе хоним

Берарда хола

Қиролича мулозимларидан бўлган мулкдор

Қирил малайи

Табиб

Тўралар, маҳрамлар, оддий халқ.

Париж – 152...

БИРИНЧИ ПАРДА

СЕН – ВАЛЪЕ

Луврда тунги сайил. Ҳашаматли заллар сар-
хуш эркак ва аёллар билан тўла. Машъаллар,
мусиқа, рақс, кулгу... Хизматкорлар олтин тобоқ-
ларда таом, кумуш қадаҳларда шароб келтираё-
тирлар; гуруҳ-гуруҳ бўлиб тўралар ва хонимлар
ўтадилар. Сайил тугаётир; ташқарида тонг
ёришмоқда. Ҳаракатларда бебошлик ва бепар-
далик. Сайилгоҳ ишратхонага ўхшаб кетади.
Жиҳозларда, ускуналарда, кийимларда – уйғо-
ниш даври белгиси.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

*Қирол – У худди Тициан ишлаган суратдагидай,
де Латур – Ландри*

Қ и р о л

Бас, тугатмоқ керак! Чўзишдан наф йўқ!
У жонон ким экан? Фуқаро, чоғи?
Аммо зўр экан-да!

Л а т у р – Л а н д р и

Париваш сизга
Ибодатхонада учраганмиди?

Қ и р о л

Ибодатхонага, одат бўйича,
Ҳар якшанба куни бориб тураман.

Л а т у р – Л а н д р и

Бекинмачоқ ўйин бир ойдан бери
Давом этади, денг!

Қ и р о л

Оҳ!

Л а т у р – Л а н д р и

Қиз қаердан?

Қ и р о л

Бюсси кўчасидан.

Л а т у р – Л а н д р и

Коссега қўшни?

Қ и р о л

Эшиги рўбарў.

Л а т у р – Л а н д р и

О, бу уй маълум

Ахир топибсиз-да.

Қ и р о л

Ялмоғиз кампир

Тумшуғин суқмаган жой борми, ахир!

У доим кўз-қулоқ!

Л а т у р – Л а н д р и

Шундай денг.

Қ и р о л

Балли!

Лекин ўша эшик доимо қулф.

Жононнинг уйига ярим кечада

Тимқора либосга ўралиб, кимдир –

Ҳар кун боғ томондан аста ўтади.

Л а т у р – Л а н д р и

Демак, сизга йўл бор!

Қ и р о л

Бўлганда қандоқ!

Л а т у р – Л а н д р и

Кўчада ортидан эргашганда сиз
Бирон бир ишора қилмадимиз қиз?

Қ и р о л

Имоним комилки, эргашганимдан –
Қиз ҳеч уялмади, аксинча, ёқди.

Л а т у р – Л а н д р и

Қирол эканингиз билдими?

Қ и р о л

Асло!

Оддий талабанинг содда кийими
Ниқоб бўлди менинг буюклигимга,
Оддий талабадан суюклигимга.

Л а т у р – Л а н д р и

Бундай тоза ишқни кўрмаган жаҳон!
Маъшуқангиз – пари, сиз эса филмон!

Бир неча тўралар ва Трибуле киради.

Қ и р о л

Бўлди. Келишмоқда! – Севги ишида
Кимки сир сақласа, доғда қолмайди.

(Кириб келган ва сўнгги сўзларни эшитган Трибулега мурожаат қилиб):

Нима деддинг?

Т р и б у л е

Тўғри! Ҳа, бу нозик иш.

Ким бу нозик ипни узмайман деса,

Калаванинг учин билиб тортади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

*Қирол, Трибуле, де Горд ва бир неча тўралар.
Тўралар башанг кийинган. Трибуле масхарабоз ки-
йимида. Худди Бонифицио ишлаган сурагдагидай.
Қирол ўтиб турган хонимларни томоша қилади.*

Л а т у р – Л а н д р и

Бандам – нақ фаришта.

Г о р д

Бу-ку ҳақиқат.

Лекин Альб, Моншевреиль асло кам эмас.

Қ и р о л

Мен учун баридан гўзали Коссе!

Г о р д

Жаноб! Сал секинроқ! Ҳаммаёқ – қулоқ.

Эри ҳам шу ерда.

*(Саҳна ичкарисидан ўтаётган де Коссени кўрса-
тади.)*

Де Коссе калта оёқ, бақалоқ одам. Брантамнинг сўзича «Франциядаги тўртта энг бадқовоқ жаноб-нинг бири».

Қ и р о л

Ҳа, бўлса нима?

Г о р д

Диана Пуатъе хонимга айтса...

Қ и р о л

Билганини қилсин.

(Хоним билан сўзлашиб, сахна ичкарисига ўтади.)

Т р и б у л е

(Де Гордга)

Шўрлик Диана!

Ўн кунки олий зот кирмас ёнига.

Г о р д

Эрига қайтариб бермасмикан?

Т р и б у л е

Йўқ!

Г о р д

Отасини Қирол кечирди, энди –
Диана саройдан кетса ҳам бўлар.

Т р и б у л е

Сен – Валье ҳам тентак. Унга ҳайронман,

Қандай рози бўлди бу никоҳга у?

Қандай қилиб ота шундай парини

Бадбуруш, маймоқнинг қўйнига солди.

Наҳот Дианадай сарвқомат жонон

Саксовулдай букур, кал билан ётса?

Г о р д

Ростдан ҳам у аҳмоқ одам. Афву – хатини

Ўқишганда мен ҳам бор эдим. Худди –

Сен билан тургандай ёнма-ён эдим.

У ранги оқариб, тамом бўзариб

«Худо, ўзинг сақла Қиролни!» – деди.
У – ақлдан озган.

Қ и р о л

(Де Коссе хоним билан ўтади)

Бу бешафқатлик.

Ростдан кетяпсизми?

Д е К о с с е х о н и м

(Хўрсиниб)

Афсуски, ростдан

Эрим ҳам мен билан жўнайди.

Қ и р о л

Э, воҳ!

Бу – ахир, уят-ку, Париждан кетмоқ!

Барча олий зотлар нигоҳи сизда,

Хуснингизга асир қанча ҳассос кўз,

Шоирлар сиз учун тўқийди дoston.

Баҳодирлар сизга фидо қилар жон.

Барча гўзалларнинг чиройи сизда,

Ошиқ бўлмаган йўқ Парижимизда.

Сиз – сарой машъали бўлдингиз ёруғ,

Сизсиз қуёш ҳам йўқ, тунда ой ҳам йўқ.

Бизни ташлаб, қилиб ишқ мулкин барбод,

Олис бир ўлкага кетсангиз наҳот!

Д е К о с с е х о н и м

Жим бўлинг!

Қ и р о л

Ҳеч қачон! Бу кетиш – билинг, –

Қуёшни сўндириб тун қилмоққа тенг.

Д е К о с с е х о н и м

Ана менинг рашкчим!

(Тезгина Қиролдан нари кетади)

Қ и р о л

Эр эмас – иблис!

(Трибулега)

Хонимга шеър ўқиб бердим. Айтганча,

Маро кўрсатдим сенга шеъримни?

Т р и б у л е

Мен шеър ўқимайман. Айниқса, агар

Қирол ёзган бўлса.

Қ и р о л

Аҳмоқ!

Т р и б у л е

Оддий халқ

«Гул» билан «булбул»ни қофия қилиб

Шеър тўқишни жуда яхши билади.

Шеърни Маро ёзсин, сиз – ишқни қўйманг.

Қирол шеърбоз бўлса жуда кулгулик.

Қ и р о л

Хонимларга сонет бағишламоқнинг

Айт, нимаси ёмон? Ахир бу билан

Мен Луврга қанот бахш этгум.

Т р и б у л е

Ҳайҳот!

Бу қанотдан Лувр тегирмон бўлар.

Қ и р о л

Калтак емоқчисан, шекилли! Шошма,

Қуален хоним-ку!

(Тезгина Куален хоним томон юради ва хушомад қила бошлайди)

Т р и б у л е

(Четга)

Уч, капалагим,

Қўна бер бир гулдан иккинчисига!

Г о р д

(Трибуле ёнига келади ва сахна ичкарасига ишора қилади)

Ана, Коссе хоним эрини ташлаб

Ўзи ёлғиз келди. Қўрасан, ҳозир –

Билмагандай бўлиб, рўмолчасини –

Ерга туширади. Гаров ўйнайман.

Т р и б у л е

Кўрамиз.

Д е К о с с е х о н и м

Қиролнинг Куален хонимга кўрсатаётган илтифотини аччиғланиб кузатади, ҳақиқатдан, қўлидаги гулдастани атай ерга туширади. Қирол Куален хонимни қўйиб, Коссе хоним ёнига келади, гулдастани олиб беради ва унга мулозамат қила бошлайди.

Г о р д

(Трибулега)

Хўш, қалай?

Т р и б у л е

Қойилман, бало!

Г о р д

Қирол қўлга тушди.

Т р и б у л е

Хотинмас – шайтон,
Илоннинг ёғини ялаган экан.

Қирол де Коссе хонимнинг белига қўл узатади, қўлини ўпади. Хоним хандон ташлаб кулади, ўйнашади. Шу вақт ичкаридаги эшикдан де Коссе киради. Де Горд Трибулега уни кўрсатади. Де Коссе тўхтаб, Қирол билан хотинини кузатади.

Г о р д

Эри билиб қолди!

Д е К о с с е х о н и м

(Қиролнинг қучогидан қочиб чиқади)

Т р и б у л е

Ажабо, энди
Анави бақалоқ нима қилмоқчи?

Қирол стол ёнига келади ва ўзига шароб қуяди.

К о с с е

(Авансценага яқин келиб, ўйга чўмганча ўзига ўзи)

Ановилар нимани шивирлашади?

(Тез кириб, уни имо билан чақирган Латур-Ландри ёнига келади)

Л а т у р – Л а н д р и

Хотинингиз сулув!

(Де Коссе жаҳл билан ундан бурилиб, ишора билан чақираётган Горд ёнига келади)

Г о р д

(Аста)

Жаноби олий,

Нега у томонга маъюс қарайсиз?

Ким сизни ранжитди, нега ғамгинсиз?

(Де Коссе ғазабланиб ундан нари кетади, лекин Трибуле билан юзма-юз келиб қолади. Трибуле уни саҳна бурчагига олиб боради. Горд ва Латур-Ландри қаҳ-қаҳ отиб куладилар)

Т р и б у л е

Гандираклаб қопсиз, ҳазратим, не гап?

(Кулиб, де Косседан юзини ўгиради)

Қ и р о л

(Қайтиб киради)

О, қандай бахтлиман! Менинг олдимда

Зевс ва Геракл – мурғак болаю

Олимп – қаҳвахона! О, ишқ лаззати!

Нақадар бахтлиман! Сен-чи?

Т р и б у л е

Ҳа, қисман –

Сизнинг бахтингизга мен ҳам шерикман

Сизга ишқ лаззати, менга-чи кулгу!

Қиролик ишратин сурмоқлик сиздан,

Қурбонларни мазах қилмоқлик – биздан.

Қ и р о л

Онам лаззат учун туғибди мени.

(Кетаётиб де Коссега қараб)

Ишни бузаётир ёлғиз де Коссе!

Фақат у базмга халал бермоқда.

Т р и б у л е

Калласи йўқ, аҳмоқ!

Қ и р о л

У бўлмаганда

Гўзал бўлар эди дунё яна ҳам.

О, нақадар ширин, тотли бу ҳаёт!

Яшамоқ бахти деб шуни айтурлар!

Истакнинг ҳадди йўқ!

Т р и б у л е

Сал кайфингиз бор!

Қ и р о л

Тўхта-чи! Яна у! Ўша сарвқад!

Т р и б у л е

Коссе хоним?

Қ и р о л

Ўша! Юр! Соқчимиз бўл!

(Куйлайди)

Якшанба кун – алъамон!

Халқ ғамни билмас!

Хотинлар бари жонон.

Т р и б у л е

(Куйлаб)

Эрлар бари маст!

Чиқадилар. Бир гуруҳ тўралар пайдо бўлади.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

*Де Горд, де Пардаляян (ёш малла ранг маҳрам),
де Бик, Мэтр Клеман Маро, улар Қиролнинг шах-
сий хизматкори либосида. Сўнгра де Пьенн ва бир
неча тўралар. Аҳён-аҳёнда сўлгин ва маъюс де Кос-
се ўтиб туради.*

К л е м а н М а р о

(Де Гордга таъзим қилиб)

Қандай янгилик бор?

Г о р д

Янгилик шуки

Қирол учиб-қўниб айшин сурмоқда.

М а р о

Эски янгилик-ку! Қирол айш қилса

Бу жуда ҳам яхши.

К о с с е

(Уларнинг орқасидан ўтар экан)

Агарда Қирол

Ишратпараст бўлса, даҳшат бу, даҳшат!

Г о р д

Эшит, бақалоқнинг ҳазили қаттиқ!

М а р о

Қирол хуштор дейман Коссе хонимга.

*(Де Горд тасдиқлаб бош иргайди. Де Пьенн ки-
ради)*

Г о р д

Мана, герцогимиз!

(Кўришадилар)

П ь е н н

Эшитинг, дўстлар!
Қулгили бир гапни айтиб бераман.
Ажойиб-ғаройиб! Оламжаҳон гап.

Г о р д

Қандай гап?
(Давра бўлишади)

П ь е н н

Тсс... секин. Маро, яқинроқ!

М а р о

Хўш, герцог?

П ь е н н

Тентаксиз.

М а р о

Бўлиши мумкин,
Ҳеч қачон буюк зот чиқмайди мендан.

П ь е н н

Узун бир шеърингиз ёдимга тушди,
Бағишлаб эдингиз Трибулега.
Ёзган эдингиз: «У тентак чинакам
Гўдаклигида ҳам, ўттиз ёшда ҳам!»
Ўзингиз тентаксиз.

М а р о

Тушунмадим, рост.

П ь е н н

Пардаьян, эшитинг Трибуленинг
Сиру асрорини.

*Де Горд, де Пардальян, Маро ва тўдага яқин кел-
ган де Коссе герцогни қуришайдилар.*

Бу ғоят ажиб,
Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган иш.

П а р д а л ь я н

Қандай иш? Букури ёзилдими ё?

К о с с е

Конетабликка кўтарилгандир?

М а р о

Ё ошпаз, билмасдан, гўшт қилган уни.

П ь е н н

Йўқ, йўқ, топмадингиз! Бундан ҳам қизиқ!
Унинг бир нарсаси бор, биласизми...

Г а р д

Гаргантюа билан дуэли бордир?

П ь е н н

Йўқ!

П а р д а л ь я н

Ундан хунукроқ маймун топилган?

М а р о

Ёки чўнтагида пули бормикан?
Ё жаннат ҳурига висол ваъдаси?

Г о р д

Унда ё қалб борми?

П ь е н н

Гаров ўйнайман,
Сира тополмайсиз нима бор унда.
Ўша масхарабоз, ўша маймоқнинг...

М а р о

Букури бор! Яна...

П ь е н н

Яна... ўйнаши!
(*Ҳамма хандон ташлаб кулади.*)

М а р о

Герцогимиз лекин ҳазилга уста!

П а р д а л ь я н

Эртакнинг ўзи-я!

П ь е н н

Қасам ичаман,
Сўзим рост, жаноблар. Ҳа, жонони бор!
Бизнинг масхарабоз ҳар куни оқшом
Билдирмай, ўраниб қора либосга
Жононнинг боғидан аста ўтади.
Агар сайр қилсак бугун кечқурун,
Сизга кўрсатаман мен ўша уйни,
У Коссе уйининг рўбарўсида.

М а р о

Шеърга мавзу тайёр, сарлавҳа ҳам соз:
«Филмон зиноси» ё «букур хотинбоз».

П а р д а л ь я н

(*Кулиб*)

Қофия ҳам гўзал: қиз – момақаймоқ.
Ошиқ йигит эса...

Г о р д

(Кулиб)

Букур ва маймоқ.

*Ҳамма кулади. Уларнинг ёнига де Бик келади. Де
Пьенн кўрсаткич бармоғини лабига қўяди.*

П ь е н н

Тсс!

П а р д а л ь я н

(Де Пьеннга)

Мен бир нарсага жуда ҳайронман,
Қирол нега ғойиб бўлар ҳар оқшом?

П ь е н н

Бунисини энди Вик сўзлаб берсин.

В и к

Мен фақат бир нарса айтаман: Қирол –
Дилхушлик қилмоқда. Энди у ёғи –
Бизларнинг иш эмас. Тамом-вассалом.

К о с с е

Индамаган маъқул!

В и к

Майли, Қиролнинг
Қайда айш қилиши сир бўлиб қолсин,
Майлига сир қолсин – қайси дераза
Кечалари унга эшик бўлиши,
Қаерда бўлади, қачон бўлади,
Ким билан бўлади, умуман, тунда
Ухлайдими, йўқми – бизнинг иш эмас.
Кимнинг хотини йўқ – кўнгли тўқ бўлсин.

К о с с е

(Бош тебратиб)

Гапимни тасдиқлар ёши улуғлар,
Доимо топади Қирол дилхушин.
Хотини, қизи бор – ухламасин ҳеч!
Нақадар даҳшатли бундай ҳукмрон.
Унинг табассуми, майин кулгуси
Ўхшайди бўрининг иржайишига.

В и к

(Бошқаларга секин)

Қиролдан қўрқади!

П а р д а л ь я н

Лекин хотини

Ниҳоятда гўзал, дилбар ва ботир.

М а р о

Хотиннинг ботири эрининг шўри!

Г о р д

Аммо янглишдингиз бу сафар, Коссе!
Қирол қувноқ бўлса яхши эмасми?

П а р д а л ь я н

Хўмрайган Қиролдан ёмони йўқ-ку,
Бундай Қирол ўхшар азадор қизга –
Ва ёки дуэлсиз битган жанжалга.

П ь е н н

Сув тўла қадаҳга.

В и к

Ёзда ёққан қорга.

М а р о

(Секин)

Ана Қирол билан ошиқ Трибуле.

Қирол ва Трибуле киради. Аъёнлар таъзим билан четланадилар.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Ҳалигилар, Қирол ва Трибуле.

Т р и б у л е

(Гапини давом эттириб)

Нечун олимларни саройга тортиш?

Қаерга қочади унда бошқалар?

Қ и р о л

Ёлғиз синглизнинг иродаси шу:

Саройга келсин дер олимларни у.

Т р и б у л е

Бир гапга ишонинг, сиз мендан мастроқ.

Ҳушёрнинг фикрига қулоқ солсангиз

Сира адашмайсиз. Ҳозир мен устун,

Қирол ҳам эмасман, маст ҳам эмасман.

Саройга, майли, юз, минг хил дард кирсин,

Майли безгак кирсин, майлига вабо,

Лекин олимларни йўлатманг асло!

Қ и р о л

Сўз битта: синглиз иродаси шу!

Т р и б у л е

Агар шундай бўлса афсус, минг афсус.

Дунёда махлуқ кўп ирkit ва мараз:

Бўри ёки қузғун ва ё бойўғли,

Ёки тўнғиз, ё ит ва ёки маймун.

Лекин солиштирсак буларнинг бари
Олим эшшаклардан минг бора афзал.
Ёки жононлардан кечмоқчимисиз?
Шўнғимоқчимисиз энди илмга?

Қ и р о л

Синглим қулоғимга айтганди бир кун,
Ҳаётни безамас ёлғиз жононлар,
Бир кун жонга тегар...

Т р и б у л е

Ажабо, қизиқ,
Жонон жонга тегса илм овунчоқ?
Ҳамманинг жонига теккан илм-ку!

Қ и р о л

Хўп, олим керакмас, уч-тўртта шоир...

Т р и б у л е

Булар ундан баттар, биламан-ку мен.

(Қўлини осмонга қилиб)

Майли, нима жазо берсанг, бер, аммо
Шеърбозлардан мени асрагин худо!

Қ и р о л

Фақат уч-тўрттаси...

Т р и б у л е

Фақат? Отхона –

Ё академия тайёр бўлади.

(Марони кўрсатиб)

Маро бор-ку, унинг ачимсиқлиги

Беш-ўнта шоирнинг ўрнини босар.

М а р о

Раҳмат!

(Ўзича)

Эшшак! Тилни тийса ўлади.

Т р и б у л е

Жононларингиз бор – ҳумоюн қушлар,

Жононларингиз бор – қўнглингиз хушлар.

Наҳотки, сир¹, энди, шоирлар билан

Зерикишнинг сизга зарурияти бор!

Қ и р о л

Гапинг тўғри, менга бу иш ярашмас,

Саройга шоирни йўлатмайман, бас!

Сарой ичкарасида турганлар кулишади.

(Трибулега)

Кулги қилишяпти сени, майнабоз!

Т р и б у л е

Йўқ, бошқа аҳмоқни.

Қ и р о л

Кимни?

Т р и б у л е

Сизни-да!

Қ и р о л

Улар нима дейди?

Т р и б у л е

Сиз Наваррага

Илтифот кўрсатиб, бир чақани ҳам

Эмишки, уларга кўрмабсиз раво.

¹ Сир – жаноб.

Қ и р о л

Туҳмат балосидан сақла, эй, тангрим!
Моншеню, Брион, Монморансими?

Т р и б у л е

Учови.

Қ и р о л

Аблаҳлар. Нокас иблислар.
Бири корнетабл, бири адмирал,
Моншенюси бўлса, ўнг қўл вазиру
Булар сира тўймас, яхшилик билмас.

Т р и б у л е

Уларга ҳақиқат қилинг, Қиролим,
Яна сал кўтаринг.

Қ и р о л

Хўш, бундан ортиқ
Қайга кўтараман?

Т р и б у л е

Дорга кўтаринг.

П ь е н н

(Кулиб, саҳна ичкарисидида турган амалдорга қараб)

Эшитинг букурнинг аскиясини.

Б р и о н

(Трибулега газаб билан)
Эшитдик!

М о н м а р а н с и

Қулвачча!

М о н ш е н ю

Кўради ҳали!

Т р и б у л е

(Қиролга)

Ва лекин, Қиролим, ишратни қўйманг.

Мендек қулингизнинг ожиз фаҳмича,

Ҳали чин севгили жононингиз йўқ.

Қ и р о л

Қаёқдан биласан?

Т р и б у л е

Нимаси қийин –

Хотинлар севади тож ила тахтни!

Қ и р о л

Тожу тахтимгамас, фақат ўзимга

Ошиқ бўлган жонон йўқ дейсанми ё?

Т р и б у л е

Кимлигингиз билмай?

Қ и р о л

Ҳа.

(Четга)

Яхшиямки,

Бюссадаги жонон кўзлардан йироқ.

Т р и б у л е

Шаҳарлик эмасми?

Қ и р о л

Хўш, нима бўпти?

Т р и б у л е

Сир, эҳтиёт бўлинг, шаҳарлик ёмон,
Улар римликлардай қаттол, беомон.
Уларнинг мулкига тега кўрманг ҳеч,
Қаерда бўлсангиз излаб топади.
Камтарроқ бўлайлик икковимиз ҳам,
Асли ўзимизнинг амалдорлар тинч,
Хотинларин берар яхшилик билан.

Қ и р о л

Коссе хоним билан иш пишган ҳисоб.

Т р и б у л е

Қойил!

Қ и р о л

Қойилликка қойил-у, лекин
Бу ёғи мушкул-да!

Т р и б у л е

Олиб қочамиз!

Қ и р о л

Эри-чи?

Т р и б у л е

Эрини – Бастилияга!

Қ и р о л

Бўлмайди.

Т р и б у л е

Бўлмаса амалдор қилинг,
Мисол учун, герцог! Дўстингиз бўлсин.

Қ и р о л

Жуда рашкчи, хасис – тўғри келмайди,
Шарманда қилади шовқин қўтариб.

Т р и б у л е

(Ўйлаб)

Сургун қилса, бўлмас... Пул берса – ранжир.

*Шу пайт де Коссе орқа томондан яқин келиб
Қирол ва масхарабознинг суҳбатини тинглайди.
Трибуле севиниб, ўз пешонасига битта уради.*

Топдим! Иши осон – оддий бир чора,
Сиз ҳам тинч бўласиз, ҳамма ҳам хурсанд.

*Де Коссе яқинроқ келиб қулоқ солади.
Испания ёки Рим жосуси деб!*

К о с с е

(Ортиқ чидолмай овоз чиқариб)

Иблис!

Қ и р о л

Келиб қолди, мана ўзи ҳам.

*(Кулиб, де Коссенинг бошини кўрсатиб: Трибуле-
га)*

Мана шу бошними? Шунини айтдингми?
Бир қара калланинг тузилишига!
Бунда на фикр бор, на бир ифода!

Т р и б у л е

Ҳеч нарса йўқ деманг, шохи бор, ахир.

К о с с е

Ростми ҳалиги гап?

Т р и б у л е

Рост.

Қ и р о л

Жаҳли чиқади.

Т р и б у л е

Қирол – Қирол эмас мулойим бўлса,
Шунақа бошларни кесиб туриш шарт!

К о с с е

Менинг бошимни-я! Йўл қўймайман, йўқ! –
Мазах қилолмайсан мени, билиб қўй!

Т р и б у л е

Бунақа хомкалла ким учун керак?

К о с с е

Мен учун! Кўрасан ҳали, мазахбоз!

Т р и б у л е

Қўрқмайман. Бу ерда – ҳамма душманам,
Нима йўқотардим? Сиз учун бўлса
Битта мазахбознинг калласи фидо!
Хоҳланг, майли, эзинг букур елкамни,
Зора елкам чўкиб қорним қаппайса.
Шунда сизга ўхшаб семиз бўлардим.

К о с с е

(Қиличининг дастасини ушлаб)
Шошма, аблаҳ!

Қ и р о л

(Коссега)

Тўхтанг!

(Трибулега)

Бас қил, мазахбоз!

(Кулиб, Трибуле билан чиқади)

Г о р д

Қирол аҳмоқ қилди икковини ҳам.

П а р д а л ь я н

Қиролга ярашмас бекорчи мазах.

М а р о

У дилхушлик қилди. Қизик дилхушлик.

(Сарой амалдорлари Трибуле ортидан ғазаб билан қараб қоладилар)

Б р и о н

Бу масхарабоздан ўч олиш керак!

Ҳ а м м а

Бўпти.

М а р о

Лекин унинг қалқони маҳкам!

Қандай қилсак экан?

П ь е н н

Яраси енгил,

Биз уни боппаймиз. У ҳаммамизни

Ҳар куни неча бор тузлаб кетади.

(Ҳамма қизиқиш билан де Пьенни қуршайди)

Бугун ярим тунда, қуролланиб шай

Ҳаммангиз Бюсси кўчасидаги

Ўша уй ёнида йиғиласиз-да...
У ёғини кейин. Лекин...

(Бармогини лабига қўйиб «чурқ этиш йўқ» ишорасини қилади)

М а р о

Тушундим.

П ь е н н

Бўптими?

Ҳ а м м а

Жуда соз!

П ь е н н

Секин! Ана у!

(Аёллар қуришовида Қирол ва Трибуле киради).

Т р и б у л е

(Четда, ўзича)

Гал қайси жононга? Қай бири янги?

М а л а й

(Аста кириб Трибулега)

Де-Сен Валье келди. Қора кийинган

Қирол ҳузурига кирмоқчи.

Т р и б у л е

(Кафтини ишқалаб)

Бу соз!

Мана бундай ишлар бизга ёқади.

Айт, кирсин!

(Малай чиқади)

Қиёмат энди бўлади!

Сен-Вальени боплаб қарши оламиз.

О в о з

(Ташқаридан)

Қиролнинг ёнига кираман, қўйвор!

Қ и р о л

(Суҳбатни бўлиб)

Йўқ! .. Ким у?.. Ҳозирмас!

(Ҳалиги овоз)

Кираман, қўйвор!

Қ и р о л

Йўқ, йўқ!

Бошдан-оёқ қора кийинган чол одамлар орасини ёриб Қиролнинг ёнига келади. Ундан кўз узмай тикилади. Сарой аъёнлари ҳайронликда чекинадилар.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Ҳалигилар ва Сен-Валье, у мотам либосида, соч-соқоли оппоқ.

С е н – В а л ь е

(Қиролга)

Сизга келдим! Сизда ишим бор!

Қ и р о л

Де Сен-Валье?

С е н – В а л ь е

(Остонадан қимирламай)

Ҳа, мен. Ўша Сен-Валье!

Қирол ғазаб билан у томонга қадам ташлайди. Трибуле уни қайтаради.

Т р и б у л е

Буни менга қўйинг. Ўзим болайман.

(Росмана баландпарвоз оҳангда Сен-Вальега қараб)

Сиз бизларга қарши фитна қилдингиз,
Одил Қиролимиз кечирди аммо.
Хўш нима истайсиз яна? Хўш, айтинг?
Ёки қизим туққан набираларим
Унинг ўз эрига ўхшасин дерсиз?
Куёвингиз – хунук, бадбашара, кал,
Эси паст, кўзи кўр, худди анови
Жанобга ўхшаган, бедаво семиз.

(Де Коссени кўрсатади. У газабдан титрайди)

Ёки менга ўхшаб букур ва маймоқ!
Ёнма-ён турса у қизингиз билан
Ахир, бутун олам кулади бундан.
Одил Қиролимиз бўлмаса агар,
Ундан туғиларди пес набиралар.
Ўзидай сап-сарик, қинғиру қийшиқ,
Анавиндай семиз.

*(Яна де Коссени кўрсатади ва унинг жигига те-
гиб таъзим қилади)*

Ё мендай букур!
Қиролга раҳмат денг, сизни қутқарди,
Ундан туғилади зотли болалар.
Уларни эркалаб ўйнатурсиз шод,
Ўзингиз бадавлат, уйингиз обод.

*(Сарой аъёнлари хандон уриб Трибуленинг сўзла-
рини маъқуллайдилар).*

С е н – В а л ь е

(Трибулега қарамасдан)

Барча жабрингизга чидадим, Қирол,
Лекин бунисига чидаёлмайман.
Ҳа, мен бош қўшгандим ўша фитнага.
Лекин кечирдингиз, аммо бу авфу
Ҳайҳот, экан номус, шаън эвазига!
Грев майдонидан қайтар эканман,
Сизни дуо қилдим, ўшанда кўнглим
Даҳшат фалокатин сезмаган экан.
Аждодлар руҳини қилмай хотира,
Пуатъе авлоди шаънин ўйламай,
Менинг гуноҳимдан ўтган кунингиз
Йўлдан оздирибсиз ёлғиз қизимни.
Бу қандай кўргилик, Диана Пуэтъе
Шу разил Қиролнинг макруҳ бағрида...
О, қизим! Наҳот мен ҳаёт ва ўлим –
Ўртасида турган чоғимда, сени –
Луврга келтириб, номуссиз Қирол
Макри балосига дучор қилдилар!
Қиролнинг унутган муқаддас бурчин,
Ҳақиқат садоси унга тамом ёт!
У фақат ўз айшин кўзлаган банда!
Оҳ, эрк эвазига бўлдим шарманда!
Грев майдонида жаллоднинг қўли
Бошимни кесмоққа келтирган кунда –
Наҳотки тақдирнинг ўйини билан
Сенга ёстиқ бўлди шармисор тунда?
Эй, сен қодир тангрим, эй, парвардигор,
Наҳот номуссизни қилмайсан абгор!
О, бахтли бўлардим жаллод болтаси
Шу саройда узса оқсоч бошимни.
Фақат бу номусдан қутулсам тезроқ,
Фақат эл кўрмаса қонли ёшимни.
Мен ўлимни кутиб ётган чоғимда
Қошимга келиб сиз, эй, ноинсоф зот,

Не тилайсан дея сўрасайдингиз,
Сиздан тиламасдим ҳеч қачон ҳаёт,
Фақат сўрар эдим: «Мени ўлдилинг
Аммо оиламга раҳм этинг фақат!
Мен учун номусдан ўлим яхшироқ,
Бошимни кесинг-у урманг шапалоқ»,
Мен шундай дер эдим ва шўрлик қизим
Ибодатхонада менинг руҳимга
Аза очар эди, қора кийиниб,
Аммо ҳаром қилмас эди ўзини.
О, нима дер эдим, энди қизимни
Қайтиб беринг менга демайман, чунки,
Кетган номус сира қайтиб келмайди.
У сиз билан қолсин. Мен учун сиздан
Бирор бошқа ота, эр ёки ака
Қасос олар бир кун. Мен эсам фақат
Гоҳо олдингизга келиб тураман
Мақсадим – бузилсин айш-ишратингиз,
Виждонингиз азоб чексин ўшанда.
Ҳар байрам ташрифим бўлмайди канда.
Менинг бу қасоскор кўзим туфайли
Бошимни кесарсиз, розиман майли.
Аммо менинг руҳим, даҳшатли соя
Қўлида мана шу бош билан мудом
Келиб сизга бермас тинчлик ва ором.

Қ и р о л

(Ғазаб билан)

Бас! У гуноҳ қилди бағоят оғир
Ушланглар уни!

*(Пъеннинг ишораси билан икки соқчи икки томон-
дан де Сен-Вальега яқинлашади).*

Т р и б у л е

(Кулиб)

Сир! Қария нозик!

С е н - В а л ь е

(Қўлини кўтариб)

Ҳар икковингни ҳам қарғиш урсин!

(Қиролга)

Қирол зоти учун шармандалик иш

Ярадор арслонни итга қоптириш.

(Трибулега)

Сен-чи, ким бўлсанг ҳам, эй мараз инсон,

Ота алаmidан завқ қилган шайтон –

Қарғиш урсин сени!

(Қиролга)

Билингки, Қирол,

Кексалик – Қиролнинг тожи билан тенг.

Шунинг-чун сўзлашдим баробар туриб.

Мен сизга кўнглимда борини айтдим,

Сир, сизни ҳимоя қилади қонун,

Лекин қасос олар тангрим мен учун!

ИККИНЧИ ПАРДА САЛЬТАБАДИЛЬ

Бюсси кўчасининг кимсасиз бурчаги. Ўнг томонда девор билан ўралган ҳовлили кичкинагина уй. Ҳовли саҳнанинг бир қисмини эгаллайди. Унда икки-уч дарахт ва тош скамейка. Девордан кўчага эшик очилган. Девор устида уйғониш даври услубидаги устунларга қурилган айвон. Иккинчи қаватдан айвонга кириладиган эшик бор. Айвонга ҳовлидан уч-тўрт поғонали зина билан чиқилади. Чап томонда де Коссе боғининг баланд девори. Орқа паллада бинолар ва авлиё Севарин ибодатхонасининг қўнғироқчаси.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Трибуле, Сальтабадиль. Кейинроқ де Пьенн ва де Горд... Трибуле ёмғирпўшда. Уст-бошида масхарабозликдан асар ҳам йўқ. У кўчада пайдо бўлади ва девордаги эшикка қараб юради. Қора либосга ўранган, либосининг этагини қилич кўтариб турган одам унинг кетидан келяпти.

Т р и б у л е

(Ўйчан)

Чол мени қарғади!

Н о м а ъ л у м о д а м

(Унга таъзим қилиб)

Соҳиб!

Т р и б у л е

(Чўнтак кавлаб)

Майда йўқ!

Н о м а ъ л у м о д а м

Мен гадой эмасман.

Т р и б у л е

(Кетавер деган ишора қилади)

Топган гапи-чи...

Де Пьенн ва де Горд кириб узоқдан кузатадилар.

Н о м а ъ л у м о д а м

Адашяпсиз, соҳиб. Менда қилич бор.

Т р и б у л е

Йўлтўсарман, дегин.

Н о м а ъ л у м о д а м

(Мулойим бўлиб)

Жойдан қўзғалманг.

Кўпдан кузатаман сизни кечалар,

Яхши қоровулсиз хотинингизга!

Т р и б у л е

(Четга)

Оббо, муттаҳам-эй!

(Қаттиқ)

Бу – менинг ишим!

(Кетмоқчи бўлади, лекин номаълум одам уни тўхтатади)

Н о м а ъ л у м о д а м

Лекин бизга азиз сизнинг шаънингиз.

Қани, танишайлик. Фойдамиз тегар.

(Яқинроқ келади)

Сизнинг ёрингизга битта олифта

Кўз олайтирмоқда. Рашк ёмон нарса...

Т р и б у л е

Хўш, мақсад?

Н о м а ъ л у м о д а м

Мақсадми? Озроқ пул берсанг,
Ҳалиги олифта йўқотилади.

Т р и б у л е

(Енгил тортиб)

Жуда соз!

Н о м а ъ л у м о д а м

Мен сизга дўст эканимни
Кейинроқ биласиз!

Т р и б у л е

Яхши, тушундим.

Н о м а ъ л у м о д а м

Кўриб турибсизки, ниятим холис.

Т р и б у л е

Бамаъни одамга ўхшайсиз!

Н о м а ъ л у м о д а м

Балли,
Оила номусин ҳимоячиси.

Т р и б у л е

Хўш, битта одамни гумдон қилишга
Неча пул оласиз?

Н о м а ъ л у м о д а м

Одамга қараб.
Ҳар хил иш бўлади. Кимни ўлдириш,
Ҳам қандай ўлдириш – жиддий масала!

Т р и б у л е

Мисол учун катта бир амалдорга?...

Н о м а ъ л у м о д а м

Амалдор ёнида қилич бўлади.

Бу иш мураккаброқ. Эпчиллик, уқув,
Дангалчилик керак. Қиммат туради.

Т р и б у л е

Қиммат туради, денг! Бўлмаса битта –
Мешчанни йўқ қилиш арзонми?

Н о м а ъ л у м о д а м

(Кулиб)

Нега?

Улар ҳам индамай бўйнин қиличга
Тутиб бермайди-ку. Осон иш эмас.
Лекин ҳамма ишнинг ўз баҳоси бор.
Менга иши тушган пул аямайди,
Бериб қўйишади баъзан олдиндан.

Т р и б у л е

(Бош тебратиб)

Вазифангиз мушкул. Дор кутар сизни.

Н о м а ъ л у м о д а м

Полицияга ҳам чўзиб турамиз.

Т р и б у л е

Истаган одамни гумдон қилишга
Кучинг етадими?

Н о м а ъ л у м о д а м

(Бош иргаб тасдиқлайди)

Қиролдан бошқа.

Т р и б у л е

Хўш, қандай тартибда иш қиласан, айт!

Н о м а ъ л у м о д а м

Бизнинг ишда тартиб нима қилади.

Гоҳида кўчада, гоҳида уйда...

Иси чиқмаса бас.

Т р и б у л е

Антиқа ҳунари!

Н о м а ъ л у м о д а м

Ўткир қилич доим менинг ёнимда,

Одатим шу: овга тунда чиқаман.

Т р и б у л е

Гоҳида уйда ҳам ишлайман, дегин?

Н о м а ъ л у м о д а м

Ҳа. Менинг ажойиб, гўзал синглим бор,

Тенги йўқ раққоса, ширин сўз, чечан.

Ҳар қандай одамни аврай олади.

Т р и б у л е

Тушунари.

Н о м а ъ л у м о д а м

Мана, кўриб турибсиз,

Биздан яхшисини топа олмайсиз.

Бизлар жим ишлаймиз, шовқин-суронсиз,

Дилдаги иш бўлса савдолашмаймиз.

Бизга ёрдамчи ҳам керакмас сира.

Ярим кечаларда йўл тўсадиган

Майда ўғрилардан эмасман ўзим.

Унақа безори пичоқбозлардан

Ўнтасининг ишин ўзим қиламан.
Уларнинг қиличи ақлидек калта.

*(Тўнининг остидан бағоят узун қилич чиқаради.
Трибуле даҳшат ичида тисарилади).*

Буюринг, тайёрман хизматингизга.

Т р и б у л е

(Қилични ҳайрат ичида кўздан кечиради)
Бай-бай-бай! Ташаккур, ҳозир хизмат йўқ.

Н о м а ъ л у м о д а м

(Қиличини яшириб)
Афсус! Лекин, Соҳиб, мен керак бўлсам,
Беш қадам нарида кезиб юраман.
Отим Сальтабадиль!

Т р и б у л е

Лўлимисан?

Н о м а ъ л у м о д а м

Юнон!

Г о р д

(Ичкарида)
Отин ёзиб қўяй. Керакли одам.

Н о м а ъ л у м о д а м

Мендан хафа бўлманг. Ҳунаримиз шу.

Т р и б у л е

Асло. Ҳаммамизнинг бир касбимиз бор...

Номаълум одам

Бола-чақамиз бор. Оиламиз бор.
Мен ҳам тўрт болани шундай боқаман.

Трибуле

Бола-чақангизнинг толеи учун
Сизга омад берсин Худо. Хўп, хайр!

Пьенн

(Ичкарида Трибулени кўрсатиб, де Гордга)
Ҳали ёруғ. Билиб қолади. Кейин.
Иккаласи кетади.

Номаълум одам

(Таъзим билан)
Қулингиз ҳар доим хизматга тайёр!

Трибуле

(Орқасидан қараб)
Бизлар иккимиз ҳам битта уядан,
Менинг тилим заҳар, унинг қиличи,
Мен кулгу соламан, у эса ўлим.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

*Номаълум одам кетгач, Трибуле аста деворда-
ги эшикни очади. Атрофга аланглаб, эшикнинг бур-
нидан калитни олади ва ичкаридан қулфлайди.
Ҳаяжон ва ташвиш билан ҳовлига қадам қўяди.*

Трибуле

Чол мени қарғади... У гапирганда
Мен масҳара қилдим. Устидан кулдим.
Кулдим-у, разиллик қилганим учун
Юрагим ғаш бўлди...

(Ўриндиққа ўтиради)

Қарғишга қолдим.
Эй-воҳ, бу одамлар қаттол табиат
Кундан-кун қилмоқда мени бешафқат.
Масхарабоз бўлмоқ, бадбуруш бўлмоқ –
Оҳ, нақадар даҳшат, нақадар даҳшат!
Менга эшитилар тун-кун доимо
«Сен масхарабозсан» деган бир садо
Менда на бир касбу ва на бир ҳунар,
Кулгу, фақат кулгу, эвоҳ нақадар –
Разолат! Дунёда ҳар бир жонли зот,
Ҳаттоки майдонга ҳайдалган саллот,
Очлик азобидан қийналган гадо,
Сургундаги ғариб, занжи қул ҳатто –
Йиғлашга ҳаққи бор жондан тўйганда.
Мен-чи йиғлаши ман этилган банда.
Менинг букур жисмим – жонимга қафас,
Аянч тақдиримга ким қилар ҳавас?
Атрофимда қанча барно, гўзал қад,
Бойлик, куч барига қиламан ҳасад!
Улар менга бермас бир лаҳза ором,
Мени ўз ҳолига қўймаслар мудом.
Ўз дардимга бир дам йиғлайин десам,
Дарҳол пайдо бўлар тепамда эгам.
У мангу қувончга, толега ошно,
Унга жононлар қилур жон фидо.
Дунёда борлигин ғам, ҳижрон, малол –
У тамом унутган – у, ахир Қирол!
Зериккан чоғида бир тепиб мени
Сўкар: «Кўнглимни оч, кулдир деб, мени»
Шўрлик масхарабоз! Одам-ку, у ҳам!
Унда ҳам юрак бор, қайғу ва алам.
Қалбида йиғилган ўкинч зардоб,
Ҳақорат яраси, таҳқир азоби –
Қирол ишораси бир кулгани он –

Аянчли юзида бўлур намоён.
Масхарабоз нима, у бир дайди ит,
Уни тепиб ўтар ҳар битта палид!
У тирик қўғирчоқ, Қирол эрмаги,
Ипин тортса, мажбур ўйнаб бермаги,
Эй, Сиз амалдорлар, ифлос аъёнлар,
Инсофу диёнат билмаган жонлар,
Сизда на инсонлик, на зарра шафқат,
Сизга лаънат бўлсин, яна минг лаънат!
(Ўриндиқдан туради)

Оҳ, дарду аламлар, чекилинг бир дам,
Шу эшик олдида мен бошқа одам!
Барча уқубатлар, ўкинчлар бари –
Бўлсинлар, илоҳим, шу уйдан нари.

(Яна ўйга чўмади)

Чол мени қарғади! – Нега бу хаёл
Мени тарк этмас ҳеч. Нуқул ўша чол
Кўз олдимда пайдо бўлади?

(Елкасини қисади)

Э, бас!
Ҳеч нарса бўлмайди! Ҳаммаси абас!

(Эшикнинг олдига келади ва тақиллатади)
Эшик очилади. Оппоқ кийинган қиз уйдан чиқа-
ди ва қувонч билан унга отилади.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Трибуле, Блани, сўнгра Берарда.

Т р и б у л е
Қизим!

(Севиниб қучоғига босаркан)

Ўзингмисан? Қучоқла мени,
Сени кўрганимда қочар ғамларим
Бахтиёрман, болам, шодман сен билан.

(Унга қувонч билан тикилади)

Кундан-кун яхшироқ, кундан-кун сулув –
Бўляпсан қизгинам... Зерикмадингми?
Кел, мени қучоқла, кел, жигарбандим.

Б л а н ш

(Қучоқлаб)

Марҳаматли отам!

Т р и б у л е

Марҳамат эмас,
Бу – меҳрим, оталик меҳрим, жон болам.
Сен – юрак қонимдан бўлгансан бино,
Сен бўлмасанг менга ҳаёт йўқ асло.

Б л а н ш

(Кафтини унинг бошига қўйиб)

Нега титраяпсиз? Бир гап бўлдимми?
Бошимизга тушди ё бирор ташвиш?
Оҳ, мен билмайман-ку, оиламизни.

Т р и б у л е

Оила ўзи йўқ.

Б л а н ш

Исмингиз бордир?

Т р и б у л е

Исним нега керак?

Б л а н ш

Қўшниларимиз

Мен тарбия топган, ўсган еримда

Кийимимга қараб етим дердилар.

Т р и б у л е

Оҳ, аслида сени ўша ерларда

Қолдирсам бўларди. Лекин ҳеч қачон

Мен сени унута оларми эдим?

(Яна қучоқлайди)

Сен ҳамма нарсадан азизсан менга.

Б л а н ш

Агар ўзингизни танитмасангиз,

Ҳеч бўлмаса...

Т р и б у л е

Уйдан чиққанинг йўқми?

Б л а н ш

Икки ойдан бери. Боролдим фақат

Ибодатхонага саккиз бор, холос.

Т р и б у л е

Ҳм...

Б л а н ш

Онам тўғрисида бирор нима денг.

Т р и б у л е

Сен уни эслама юрагим ўртаб,

Шундоқ ҳам юзингга боқсам ҳар сафар

Онангнинг чехраси бўлур намоён.

Бу жаҳонда бўлмас онангдек аёл,

Разолат, фаҳш тўла бу дунёда у

Севолди мендек бир букур гадони

Ва оламдан ўтди шодлик кўрмайин.

Лекин яшайди у ғариб кўнглимда
Чексиз мушфиқликнинг тимсоли бўлиб.
Қабринг ёруғ бўлсин, меҳрибонгинам!
(Осмонга кўз тикади)
Сен ундан ёдгорсан. Бахтлиман танграм!
(Бланининг қўлига юзини қўйиб йиғлайди)

Б л а н ш

Нега йиғлаяпсиз, жоним отажон,
Ҳеч бўлмаса менга раҳмингиз келсин.
Сира қаролмайман кўз ёшингизга.

Т р и б у л е

Кулганимни кўрсанг не дердинг, қизим!

Б л а н ш

Сизга нима бўлди? Нега ғамгинсиз?
Наҳот яширсангиз мендан исмингиз?

Т р и б у л е

Исмимни сўрама, мен отангман, бас,
Менинг кимлигимни билишинг шартмас.
Бу дунёда менинг душманларим кўп
Кимлар нафратланган, кимлар қарғаган.
Қўй, менинг номимни атама, қизим.
Биргина шу уйда, сенинг ёнингда
Бахтиёр бўламан, ота бўламан.
Бундан ортиғи ҳеч менга керакмас.

Б л а н ш

Отажон!

Т р и б у л е

(Уни бағрига босиб)

Қизгинам! Барча нафратим,
Заҳрим эвазига сени суяман.
Кел, ёнимга ўлтир. Айт-чи, отангни

Ташлаб кетасанми? Унутасанми?
Мана сен қўлимдан ушлаб турибсан,
Менинг сирларимни билмайсан ҳали.
Тангри менга фақат бир бахтни бермиш.
Бошқаларда дўст бор, ака ё сингил,
Севган хотини бор, уруғ-аймоғи,
Бола-чақаси бор, қондошлари бор...
Менда ёлғиз сен бор! Ким менчалик бой?
Сен менинг хазинам, танҳо фариштам.
Биров ишонади улуғ тангрига,
Биров эса пулга, молга, дунёга
Мен-чи ишонаман сенинг қалбингга.
Сен менинг онамсан, онам ҳам синглим,
Сен менинг ватаним, ишонч, имоним,
Қонуним, борлиғим, поёнсиз дунём.
Мен барча таҳқирга чидайман, аммо
Сени йўқотмоққа беролмам бардош
Қани, кул-чи қизим, сенинг кулгингда
Онанг табассуми шундоқ намоён.
Онангининг руҳини қодир табиат
Сенга шундоққина қўйиб қўйибди.

Б л а н ш

Отажон, ниятим, сизни умрбод
Бахтли қилмоқчиман.

Т р и б у л е

Не билан, жоним?
Ахир, сенинг боринг менинг бахтим-ку!
Шунинг ўзи етар хаста кўнглимга.
(Жилмайиб, унинг сочларини силайди.)

Б л а н ш

(Сирли)

Отажон, чироқлар ўчмасдан аввал
Парижни айланиб кўрсам майлими?

Т р и б у л е

Йўқ-йўқ, болажоним, сира ўйлама!
Мабодо, кечалар, менинг йўғимда
Парижни айланиб кўрганинг йўқми?

Б л а н ш

(Сесканиб)

Йўқ, сира!

Т р и б у л е

Билиб қўй, ҳеч чиқа кўрма!

Б л а н ш

Ибодатхонага бордим. Шу холос.

Т р и б у л е

(Четга)

У ер ҳам хавфли. Кўришса тамом,
Олиб қочишади. Уларга ишмас.
Масхарабоз қизи. Номус бўлади.
Мазахга қоламан.

(Бланига)

Билиб қўй, қизим,
Уйдан чиқа кўрма. О, билсайдинг сен,
Аёл гўзаллиги, поклиги учун –
Парижнинг нақадар даҳшатлигини,
Бу ер ишратбозлар, бузуқларга кон.
(Кўкка қараб)
Ёлғиз қизгинамни ёмон кўзлардан
Ўзинг паноҳингда асрагин, тангрим.
(Юзини унинг кифтларига қўйиб йиғлайди)

Б л а н ш

Энди сўрамайман сайрга рухсат!
Нега йиғлаяпсиз?

Т р и б у л е

Қайғудан эмас,
Кеча ҳаддан зиёд кўп кулган эдим.

(Туради)

Вақт ўтмоқда. Энди боришим керак –

Бош тикқани яна бўйинтуруққа.

Хайр, энди.

Қоронғи тушади.

Б л а н ш

(Ўпиб)

Тез қайтинг.

Т р и б у л е

Болажонгинам,

Ихтиёр ўзимда бўлсайди кошки...

Эшикда Берарда пайдо бўлади.

Б е р а р д а

Хўш, Соҳиб?

Т р и б у л е

Мабодо мени бу ерда

Ҳеч ким кўрмадими?

Б е р а р д а

Эшиклар қулф

Шундай ҳам бу ерлар қадам етмас жой.

Қуюқ қоронғи тушади. Деворнинг у ёғида, кўчада оддий қора кийимда Қирол кўринади. У баланд деворни ва қулф эшикни жаҳл ва тоқатсизлик билан кузатади.

Т р и б у л е

(Қизини қучоқлаб)

Кўришгунча хайр, болажонгинам.

(Берардага)

Ташқари эшикни қулфлаб олинг.

Берарда бош ирғаб рози бўлади.

Сен-Жермен томонда кичик бир уй бор,

Кимсасиз. Ўша ер бизга боп эди.

Б л а н ш

Менга шу уй тузук. Болохонадан

Кўриниб туради боғчанинг чети.

Т р и б у л е

Асло чиқа кўрма болохонага!

(Қулоқ солади)

Қадам товушими?

Эшикка яқинлашади, уни очиб ваҳима ичида қоронғиликка қарайди.

Қирол Трибуле очган эшик орқасига яширинади.

Б л а н ш

Кечқурунлари

Соф ҳавога чиқсам майлими, ота?

Т р и б у л е

(Қайтиб)

Йўқ, йўқ, ҳамма ерда ёмон кўзлар бор.

Трибуле орқага ўгирилганда, Қирол ярим очиқ эшикдан ичкарига шўнғиб киради ва дарахт орқасига беркинади.

(Берардага)

Дарчага чироқни қўйманг. Хавфли.

Б е р а р д а

Бу ерга пашша ҳам киролмас, ахир.

(Орқасига бурилиб Қиролни кўриб қолади)
Берарда энди оғиз очганда, Қирол ҳамённи таш-
лайди. Берарда уни илиб олади ва индамайди.

Б л а н ш

(Қўлида фонарь билан айвонни қараб чиқаётган
Трибулега)

Бизни қулф остида сақламоқ нечун?
Ё бирор хавф борми?

Т р и б у л е

Хавф бор, қизгинам!
Хўп, яхши қол энди!
(Яна қучоқлайди)

Берарданинг қўлидаги фонарь Трибуле билан
Бланининг юзини ёритади.

Қ и р о л

(Эшик орқасидан, четга)
А? Трибуле?
(Кулади)
Ажабо! Қизи бор! Бу жуда ҳам соз!

Т р и б у л е

(Кетмоқчи бўлиб туриб яна қайтади)
Ибодатхонага борган кунингиз
Ҳеч ким орқангиздан эргашмадими?
(Блани уялиб ерга қарайди)

Б е р а р д а

Нималар деяпсиз? Хотиржам бўлинг.

Т р и б у л е

Агар бир гап бўлса қаттиқ қичқиринг.

Б е р а р д а

Албатта!

Т р и б у л е

Эшикни ҳеч кимга очманг.

Б е р а р д а

(Қизишиб)

Очмайман Қиролнинг ўзи келса ҳам.

Т р и б у л е

Айниқса Қиролга!

(Қизини қучоқлаб, эшикни яхишлаб беркитиб, кетади)

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Бланиш, Берарда, Қирол.

Саҳнанинг биринчи қисмида Қирол дарахт остига яшириниб туради.

Б л а н ш

(Отасининг узоқлашаётган қадам товушига қулоқ солиб)

Жуда уяламан.

Б е р а р д а

Нимадан, хоним?

Б л а н ш

Ҳар нарсадан қўрқар отам бечора,
Нима сабаб экан таҳликасига?

Шўрлик кета туриб йиғлади ҳатто.
У жуда меҳрибон. Балки биз унга
Кеча бўлган ишни айтсак бўларди.
Қоронғи кечада анов йигитнинг
Орқамиздан қолмай эргашганини.

Б е р а р д а

Айтсам бўлар эди? Нега? Керакмас!
Отангизнинг ўзи бир оз ғалати.
Ёки йигитчани ёқтирмайсизми?

Б л а н ш

Мен? Нега? Аксинча! У йигит билан
Илк бор учрашгандан бери кўнглимда
Бир оташ ёнади. Кечаю кундуз
Пайдо бўлади у кўзим олдида.
Унинг ёди мени тарк этмас сира.
У қандай келишган, қандай мулойим,
Қандай ботир! Кўзи учқун сочади.
Таъзим қилди менга қандай ажойиб!

Б е р а р д а

Ҳеч тенги йўқ йигит!

*Қиролнинг ёнидан ўтади. Қирол унга бир сиқим
олтин беради.*

Б л а н ш

Унда...

Б е р а р д а

*(Олтин тўкиб турган Қиролга қўл чўзишда да-
вом этиб)*

Мардлик бор!

Б л а н ш

Шахло кўзларида самимийлик бор!
Улуғворлик, яна...

Б е р а р д а

Тенгсиз сахийлик!
(*Ҳар бир сўз кетидан Қиролга қўл узатади*)

Б л а н ш

Кўзларида ўт бор!

Б е р а р д а

(*Қўл чўзиб*)
У чин баҳодир!

Б л а н ш

У – барно...

Б е р а р д а

У – танҳо!..

Б л а н ш

Ҳар ишга қодир!

Б е р а р д а

(*Қўл чўзиб*)
Оҳ, қандай келишган!

Б л а н ш

(*Хўрсиниб*)
Мулойим, майин.

Б е р а р д а

(*Ҳар бир сўзни айтганда қўли чўзилади*)

Қомати шамшод-ку! Юзи! Кўзлари!
Лаблари! Қошлари!

Қ и р о л

(Четга)

Бунча батафсил!

Мени тамом қилар бундай тафсилот!

Б л а н ш

Гапиринг, кўнглимга ёқар бу суҳбат!

Б е р а р д а

Биламан, азизим.

Қ и р о л

(Четга)

Мой сеп оловга!

Б е р а р д а

У ҳақиқий йигит! Сахий ва оқил!

Қ и р о л

(Бўшаган чўнтагини ағдариб)

Яна-я? О, иблис!

Б е р а р д а

(Давом этиб)

У – зоти улуг!

Кийимлари башанг, тугмалари олтин!

(Қўлини чўзади)

Қирол ишора билан ҳеч вақо қолмаганини кўрса-
тади.

Б л а н ш

Йўқ, йўқ, керак эмас зоти олийлар,

Менга азиз ўша оддий талаба.

Майли қашшоқ бўлсин...

Б е р а р д а

Ишончим комил,

У оддий талаба!

(Четга)

Дидини қаранг,

Қизчанинг мияси тамом айнабди.

(Қиролга яна қўл чўзади)

Оҳ, қандай севади сизни у йигит!

Қирол ўзини кўрмаганга олади.

(Ўзича)

Йигитча қуриди. Пул – йўқ – мақтов йўқ.

Б л а н ш

(Ҳамон Қиролни кўрмайди)

Қани тезроқ келса яна якшанба,

Уни бир бор кўрсам. Ҳижронга асло

Асло тоқатим йўқ. Ёдимда ҳамон,

Ибодат тугагач, ёнимга келди...

Эсласам юрагим уриб кетади.

Ишонаман, у ҳам мени эслайди,

Унинг ҳам кўнглида менинг хаёлим.

Ўзга бирор қизга боқмайди асло.

Б е р а р д а

(Сўнгги бор Қиролдан бирор нарса олиш умидида)

Имоним комил!

Қ и р о л

(Бармоғидан узугини чиқариб беради)

Бу – имонинг учун.

Б л а н ш

Оҳ, қанийди энди фақат тушдамас,

Фақат хаёлдамас, ўнгимда, шу он

Уни кўра олсаму

*Қирол беркинган жойидан чиқади ва унинг қар-
шисида тиз чўкади. Бланининг кўзи бошқа ёқда.*

Десам....

Қ и р о л

«Севаман!»

Айт, жоним, эшитай! Қўрқувни ташла!

«Севаман!» сўзини сендан эшитай!

Б л а н ш

Берарда, қанисан?

(Қўрқув ичида кўзлари Берардани қидиради)

Нега йўқолдинг?

Қ и р о л

(Тиз чўккан ҳолда)

Мен борман-ку, ахир. Биз икков танҳо!

Б л а н ш

Қаердан келдингиз, тақсир!

Қ и р о л

Осмондан.

Мени муҳаббатнинг фаришталари

Севги қанотида келтириб қўйди.

Б л а н ш

О, раҳмингиз келсин! Шарманда қилманг!

Тез кетинг, одамлар кўрмасдан бурун.

Қ и р о л

Кетинг? Шундай гўзал жонон, фаришта

Висолига насиб этганда мени,

Ташлаб кетайми? Йўқ! Сен меникисан,

Ва мен сеникиман! Айтдинг-ку, ўзинг...

Б л а н ш

(Уялиб)

Ҳамма гапларимни эшитибди у!

Қ и р о л

Эшитганда қандоқ! Бундай сўзларни

Мангу тингламоққа тайёрман.

Б л а н ш

Бўлди!

Энди кетинг! Ҳамма гапни айтдингиз.

Қ и р о л

Гапим бор. Бу кеча икки тақдирни

Бир-бирига қўшди толе юлдузи.

Мени муҳаббатнинг буюк тангриси

Бу ерга юборди. Ёш юрагингга

Севги оташини ташламоқ учун.

Айт, нима мангудир фоний дунёда?

Жангу жадалларнинг шуҳратими? Йўқ!

Ёки кенг жаҳоннинг фотиҳи бўлмоқ?

Бу ҳам мангу эмас, ахир ўлим – ҳақ!

Дунёда абадий фақат бир нарса –

Муҳаббат! Кел, Бланш, азизим, жоним,

Сен ахир шу бахтни кутгандинг доим.

Муҳаббат болари, ҳаёт эса – гул,

Кел, эй кабутарим, кел, мен билан бўл!

(Уни қучоқламоқчи бўлади. Бланш қаршилик кўрсатади.)

Б л а н ш

Қўйворинг!

Қирол уни бағрига босиб ўпади.

Б е р а р д а

(Саҳна ичкарисиди, четга)

Ниҳоят!

Қ и р о л

(Четга)

Жонон меники!

(Қаттиқ)

Жоним, севаман, де!..

Б е р а р д а

Бало-я, бало!

Қ и р о л

Яна, бир марта айт!

Б л а н ш

(Кўзини яшириб)

Биласиз, ахир!

Эшитдингиз!

Қ и р о л

(Яна эҳтирос билан ўпиб)

Жоним!

Б л а н ш

Оҳ, тамом бўлдим!

Қ и р о л

Йўқ! Бахтли бўлурсан!

Б л а н ш

(Қиrolнинг бағридан чиқиб)

Сиз – бегона-ку!

Кимсиз?

Б е р а р д а

(Саҳна ичкарасида, четга)

Ниқобингни ташла, жонгинам!

Б л а н ш

Албатта, зодагон ёки амалдор –
Бўлмасангиз керак. Отам улардан
Жудаям қўрқади.

Қ и р о л

Кўриб турибсан.
Мен на зодагону ва на амалдор.
(Четга)
Аммо ким? О, тангрим!
(Ўйлайди)
Мен – Гоше Майе –
Оддий талабаман. Камтар ва қашшоқ.

Б е р а р д а

(Олтинларни санаб бўлиб)
Ёлғонни ямламай ютар экан-а!

*Кўчада де Пъенн ва де Пардальян пайдо бўлади.
Улар қора тўн кийган, қўлларида фонари.*

П ъ е н н

(Пардальянга, секин)
Тўхта, мана тўсиқ!

Б е р а р д а

(Айвондан тезгина тушиб, секин)
Қадам шарпаси!

Б л а н ш

(Қўрқиб)
Отам бўлса керак!

Б е р а р д а

(Қиролга)
Тезроқ йўқолинг.

Қ и р о л

Наҳотки!

Б л а н ш

(Берардага)

У тезроқ дарё томонга

Чиқа қолсин.

Қ и р о л

Э, воҳ, яна айрилиқ!

Унутсанг-а!

Б л а н ш

Сиз-чи!

Қ и р о л

Севаман мангу!

Б л а н ш

Алдаяпсиз.

Қ и р о л

Асло! Кел, сўнгги марта,

Оҳу кўзларингдан бир ўпай, жоним.

Б е р а р д а

(Четга)

Йигит эмас – олов!

Б л а н ш

(Кучсиз қаришлик кўрсатиб)

Кетинг!

Қирол ўпади ва Берарда билан уйга киради. Бланиш улар кирган эшикка бир оз қараб туради ва ўзи ҳам киради. Бу вақт ичида кўчага қуруллан-

ган, тўн ва ниқоб кийган зодагонлар йигилади.
Пьенн ва Пардаल्याнга бирин-сирин де Горд, де Кос-
се, Демон Моронси, Клеман Маролар қўшиладилар.

Зимистон кеча. Фитначиларнинг гилофли фо-
нарлари берк. Улар шартли ишоралар билан Бланиш-
нинг уйини кўрсатадилар. Улар кетида нарвон
кўтарган малай юрибди.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Зодагонлар ва сўнгра Бланиш. У бир қўлида юзи-
ни ёритиб турувчи машъала кўтариб иккинчи
қават эшигидан айвонга чиқади, сўнгра Трибуле.

Б л а н ш

О, Гоше Майе!

Бу ном юрагимдан жой олди мангу!

П ь е н н

(Бошқа зодагонларга)

Мана, ўша жонон!

П а р д а л ь я н

Қани, кўрамиз!

Г о р д

Дидинг қалай экан сен лўттибознинг!

Бу вақт Бланиш юзини дворянлар кўра оладиган
вазиятда тўхтади.

П ь е н н

(Де Гордга)

Хўш, нима дейдилар!

М а р о

Бай-бай-бай! Қойил!

Г о р д

Ана қадди-қомат! Ана латофат!

П а р д а л ь я н

Наҳот шу ёр бўлса Трибулега!

Оббо муғомбир-е!

М а р о

Букурнинг ризқи!

Узумнинг созини ит ейди доим!

*Бланиш уйга киради. Фақат унинг деразасидан
тушиб турган нур кўринади.*

П ь е н н

Иш шундай, жаноблар! Трибуледан

Ўч олишга фурсат етишди букун.

Шундай имконият сира бўлмайди,

Боплашимиз керак масхарабозни.

Нарвонни қўямиз, ўша жононни

Шу кеча Луврга олиб қочамиз.

Жонона эрталаб очиб кўзини

Қиrolнинг бағрида кўрар ўзини.

К о с с е

Қиrolга, албатта, хуш келар жонон.

М а р о

Уни паноҳида асрасин.... шайтон!

П ь е н н

Зўр гап бўлди!

Г о р д

Қани, ишга, жаноблар!

К о с с е

Қиролнинг қўлига тушдими, тамом,
Омон чиқолмайди, ҳеч қандай жонон.
Шундай дилбаридан айрилиб қолса
Нима қилар экан шўрлик лўттибоз?

Т р и б у л е

(Бир неча қадам олдинга юриб)
Ажабо! Кўнглимда ҳамон ваҳима!
Чол мени қарғади. Қарғишга қолдим!

*Тун шунчалар зимистонки, у ёнида турган де
Гордни кўрмай, туртиниб кетади.*

Ким бу?

Г о р д

(Ҳайрат ичра чекинади, секин)
Трибуле!

К о с с е

Энди бир йўла
Ўлдириб кетамиз масхарабозни.

П ь е н н

Йўғ-э!

К о с с е

Хўп денг! Бу иш нуру ало нур!

П ь е н н

Ўлдирсак, сўнг кимни мазах қиламиз?

Г о р д

Айрилиб қоламиз тайёр эрмакдан.

К о с с е

У ишнинг белига тепиши мумкин.

М а р о

Бу ёғини энди менга қўйинглар.
Боплайман.

Т р и б у л е

(Жойида қотиб, қулоқ солади)
Бу ерда кимдир бор!

М а р о

(Унга яқин келиб)
Ҳой-ҳой!
Трибуле!

Т р и б у л е

Ким бу?!

М а р о

Биз кўпчиликмиз!

Т р и б у л е

Ким бу?

М а р о

Мен – Мароман!

Т р и б у л е

Сизми? Қўрмаяпман ҳеч!

М а р о

Лаҳад қоронғуси!

Т р и б у л е

Нега келдинглар?

М а р о

Биз овга келганмиз, улуф Қиролга
Де Коссе хонимни ўғирлаш учун.

Т р и б у л е

(Енгил тортиб)

Жуда соз!

К о с с е

(Четга)

Бўйнингни узаман, маккор!

Т р и б у л е

(Марога)

Коссенинг уйига қандай кирасиз?

М а р о

(Де Коссега, секин)

Калитни узатинг.

Де Коссе Марога калитни беради, у Трибулега узатади.

(Трибулега)

Мана калити!

Бандида муҳри бор!

Т р и б у л е

(Калитни қўли билан сийпаб)

Балиқ сурати!

Бу Коссенинг муҳри!

(Четга)

Галварсман ўзим!

(Чап томондаги деворни кўрсатиб)

Коссенинг қўрғони анави!

(Калитни Марога қайтариб)
Гап шу!
Семизнинг хотинин ўғирлаш бўлса
Мен ҳам сизлар билан!

М а р о

Биз ниқобдамиз!

Т р и б у л е

Менга ниқоб беринг!

*Маро унинг юзига ниқоб кийгизади. Устидан
рўмол билан кўзу қулогини маҳкам боғлаб қўяди.*

Яна нима бор?

М а р о

Нарвонни ушлаб тур!

*Улар нарвонни болохона айвонига қўйдилар.
Маро Трибулени нарвон олдига етаклаб келиб уш-
латиб қўяди.*

Т р и б у л е

(нарвонни ушлаб туриб)

Қандай зимистон!

М а р о

Зимистон ичида бутун Париж, ҳа!

(бошқаларга кулиб)

Ҳар қанча бақирманг, эшитмайди у,

Бошлаб боғлаганман. У ҳам кўр, ҳам кар!

*Улар нарвондан кўтарилиб айвонга чиқишади ва
эшикдан уйга киришади. Кейин уларнинг биттаси
ҳовлига тушиб кўча эшикни очади. Сўнгра қолган-*

лари ҳовлида пайдо бўлади. Уларнинг қўлида ярим яланғоч, оғзи боғланган, типирчилаётган Блани.

Б л а н ш

Ота! Қаердасиз! Отажон! Ёрдам!
(Узоқлашаётган дворянлар овози)
Соз бўлди!
(Бланишни олиб кўздан йўқоладилар)

Т р и б у л е

Бунча ҳам имилламаса!
Тезроқ бўлишса-чи! Ёрилиб кетдим!
(Қўлини ниқобга олиб келади – боғланган рўмол-
ни сезиб қолади)

Бу қандай қабоҳат! Кўзим бойлоқ-ку!

*Рўмолни юлиб ташлайди ва ташлаб кетилган
фонарь ёруғида ерда оқ нарса ётганини кўради.
Уни ердан олади. Бу – Бланининг рўмоли! Ҳаяжон
ичида қайрилиб, нарвон ўз болохонасига қўйилга-
нини, кўча эшикнинг очиқлигини кўради. Чопиб
уйга киради ва ярим яланғоч, оғзи боғлиқ Берар-
дани судраб чиқади. Бир нафас унга ҳайрат ичида
қараб туради, сўнгра сочларини юлиб ноаниқ
сўзлар айтиб қичқира бошлайди. Ниҳоят, тилга
киради.*

Мени қарғиш урди! Чолнинг қарғиши!
(Ҳушидан кетиб йиқилади)

УЧИНЧИ ПАРДА **ҚИРОЛ**

Лувр. Қирол ётоқхонасига кираверишдаги қаҳвахона. Олтин ҳал битилган курсилар, уйғониш даври услубида тўқилган гиламлар. Олдинги планда стол, креслолар, йиғма стул. Ичкарида эшик. Унга гиламдан эшик парда тутилган. Ўн томонда очиқ буфет. Идишларга эмаль ва олтин суви берилган. Ичкаридаги эшикдан боққа чиқилади.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Зодагонлар.

Г о р д

Тунги саргузаштга хотима керак.

П а р д а л ь я н

Аламдан ёрилиб ўлсин Трибуле
Билмасдан жонони шу ердалигин.

К о с с е

Ўйнашини топиб бўпти! Дарвоқе –
Айтиб қўймасмикан йўлда кўрганлар?

М о н ш е н ю

Хизматкорлар уни алдайди. Чунки
Барининг қулоғи бураб қўйилган.

П а р д а л ь я н

Менинг хизматкорим шундай шайтонки,
Ҳар қандай одамни жинни қилади.
Мен уни юбордим масхарабозга,
У боплаб аврайди: кеча бир қизни

Сен-Денига олиб қочишди, дейди.
Қиз дод солди, дейди, йиғлаб ёлворди,
Хуллас, гўл қилади масхарабозни.

К о с с е

(кулиб)

Луврдан чалғитиб роса боплабсан!

Г о р д

Бечора бир йўла кўру кар бўлди.

М а р о

Мен унга хат ёздим:

(ёнидан қозғоз чиқариб ўқийди)

«Жононинг менда. Уддасидан чиқсанг топа қол
мени. Аммо ишонишинг мумкин: биз ҳозир жуда
узоқдамиз Франциядан».

Г о р д

Нима деб қўл қўйдинг?

М а р о

«Учар»-деб!

(ҳамма хандон ташлаб кулади)

П а р д а л ь я н

Қойил!

Қувса керак энди!

К о с с е

Бир кўрсам эдим

Шўрликнинг ҳовлиқиб из қувганини,

Хуноб бўлганини, соч юлганини,

Барча аламларим чиқиб кетарди.

Ёнбошдаги эшик очилиб, ундан башанг тонгги халатда Қирол, кетидан де Пъенн чиқади. Аъёнлар бош кийимларини олиб четланадилар. Қирол ва де Пъенн хандон ташлаб кулади.

Қ и р о л

(ичкаридаги эшикни кўрсатиб)

Қани? У ердами?

П ъ е н н

У ерда. Ўша.

Масхарабознинг ёри!

Қ и р о л

Наҳотки ўша?

Букурнинг ўйнашини олиб қочдик денг!

П ъ е н н

Балки хотинидир!

Қ и р о л

(ўзича)

Барибирмасми... Аммо таажжубки, масхарабоз-
да

Оила борлигин билмас эканман...

П ъ е н н

Ҳозир кўрасизми?

Қ и р о л

Албатта, ҳозир.

Де Пъенн чиқади ва бир дақиқадан сўнг юзига вуаль ташланган, гангираган Бланини етаклаб чиқади. Қирол курсига парвосиз ўтиради.

П ь е н н

(Бланига)

Бунча кўп титраманг, қўрқманг, оймқиз,
Қирол тобингизни олади ҳали.

Б л а н ш

(вуаль остидан қараб)

Қирол ўша йигит! О, парвардигор!

(Қирол олдида тиз чўкади)

Унинг овозини эшитиб Қирол бир сапчиб туша-
ди ва ишора билан бошқаларни чиқишига буюради.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Қирол, Блани. Қирол қиз билан ёлғиз қолиб, унинг
юзидаги вуальни олиб ташлайди.

Қ и р о л

Бланш!

Б л а н ш

Гоше Майе!

Қ и р о л

(кулиб)

Ким бўлмай, сенинг –

Ошиқи зорингман. Сен менинг севгим.

Кел, тўйиб қучоқдай, соғиндим, дилбар.

Б л а н ш

(чекиниб)

Йўқ, йўқ! Тегманг, Қирол! Фикрим чувалди,

Кимсиз? Қиролмисиз ва ёки Гоше?

Шафқат килинг менга ким бўлсангиз ҳам.

(яна тиз чўкади)

Қ и р о л

Шафқатни мен эмас, сен қилгин менга,
Гоше Майе бўлиб не деган бўлсам –
Қирол бўлиб яна такрор айтаман.
Қандай севган бўлсам у тор кулбада
Саройда ҳам шундоқ севаман сени.
Мени талаба деб ўйладинг, нетай–
Тақдир берса менга ҳукмронликни
Тангри мени Қирол қилиб яратса,
Айт, мен айбдорми? Ёки гуноҳим
Гадой тўрвасини осмаганимми?

Б л а н ш

(четга)

Мен ўлай! Кулгиси нақадар қаттиқ!

Қ и р о л

Сайллар, ўйинлар, ишрат-базмлар
Бизники бўлади, ишон, жонгинам.
Севги нашъасини сурармиз икков,
Эр-хотин бўламиз, ошиғу-маъшуқ,
Дунёда не қолар – ўйнаган қолар.

(кулади)

Ҳаёт тўғрисида хўп хаёл сурдим,
Тўғри айтган экан улўғ донишманд:
Бу дунёда ўйна, ёр васлига тўй!

Б л а н ш

(чекиниб)

Қани менинг орзум! У тамом бўлак!

Қ и р о л

Сен мени балки, ишқ завқин билмаган
Сўтак деб ўйладинг. Фақат оҳ чекиб

Севгани кетидан сурғалиб юрмоқ
Ишқи изҳорига сўз тополмаган
Шўрлик бечораҳол латталар иши.

Б л а н ш

(уни ўзидан итариб)

О, қандай бахтсизман. Тегмангиз менга!

Қ и р о л

Биласанми мен – ким?

Мен – улуғ Қирол,

Бутун Франция менинг измимда.

Мен – халқман – йигирма миллионли халқ – мен!

Жаҳлимни чиқарма. Сени севганим

Ахир сенинг бахтинг. Эс-ҳушингни йиғ!

Мен Қирол бўлганда, сен Қиролича бўлурсан.

Б л а н ш

Ахир сиз... хотинингиз бор.

Қ и р о л

(кулиб)

Маъшуқа бўлганми ҳеч қачон хотин.

Б л а н ш

Э, воҳ, қандай номус – маъшуқа бўлмоқ!

Қ и р о л

Кўп мағрур экансан.

Б л а н ш

Билиб қўйингки,

Менга фақат отам буйруқ бера олар.

Менинг Қиролим – у!

Қ и р о л

Ҳали шундайми?

Отанг – менинг букур масхарабозим!

Менинг – дилхушимга хизмат қилувчи Қул.

Эсдан чиқарма!

Б л а н ш

(бошини икки қўли билан ушлаб аччиқ-аччиқ йиғлайди)

Эвоҳ, худойим!

Наҳот ҳамма нарсa сизники бўлса!

(Ҳўнграб йиғлайди)

Қирол уни овуттиш учун оёғига йиқилади.)

Қ и р о л

(юмшоқлик билан)

Йиғлама! Кел, энди ярашамиз, бас.

Қўлни бер.

Б л а н ш

Ҳеч қачон!

Қ и р о л

(эркалаб)

Ахир барибир севасан-ку мени!! «Ҳа» де!

Б л а н ш

Йўқ! Асло!

Қ и р о л

Сени хафа қилдим, кечир, минг тавба!

Шундай гўзал қизнинг кўнглин оғритиб

Шундай шаҳло кўздан ёш оқизгунча –

Ҳар қандай йигитнинг ўлгани яхши.

Б л а н ш

(йиглаб, ўзини йўқотиб)

Демакки, буларнинг барчаси ҳазил?

Тезроқ бора қолай уйга, отамга.

Мени қўйворинг. Уйим – де Коссе

Уйининг ёнида. Биласиз, ахир!

Аммо айтинг, кимсиз? Мен қандай қилиб

Келиб қолдим сизнинг саройингизга?

Сира эслолмайман...

(йиғлайди)

Сизни мен қандай –

Олижаноб одам деб ўйлар эдим!

(Даҳшат ичида чекинади)

Севганмидим ёки ҳамон севаман –

Ўзим билолмайман. Ахир Қиролга

Ишониб бўларми?

Қ и р о л

(қучоқламоқчи бўлиб)

Қўрқдингми мендан?

Б л а н ш

(ўзидан итариб)

Қўйворинг!

Қ и р о л

(ёпишиб)

Ярашув белгиси учун бир ўпич сўрайман!

Б л а н ш

(юлқиниб)

Йўқ!

Қ и р о л

(кулиб четга)

Қандай нафрат!

Б л а н ш

(юлқиниб қўлидан чиқади)

Тегманг! Мана эшик!

(Қирол ётоқхонасининг очиқ турган эшигини кўриб, қочиб киради, ичкаридан қулфлаб олади.)

Қ и р о л

(белидан олтин камар олиб)

Калити бунда.

(Калит солиб эшикни очади, кириб ичкаридан қулфлайди.)

М а р о

(У эшикдан мўралаб воқеани кузатиб турган эди. Кулиб.)

Унга шафқат бўлмас ётоқхонада.

Бечора қиз!

(де Гордни чақиради)

Ҳой, граф!

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Маро, сўнг сарой аъёнлари, сўнг Трибуле.

Г о р д

(Марога)

Нима гап ўзи?

М а р о

Бўри панжасига тушди қўзичоқ.

П а р д а л ь я н

(севинганидан сакраб)

Шўрлик Трибуле!

П ь е н н

(эшикнинг олдида қолиб, ташқарини кузатиб туриб)

Тсс! Ана ўзи!

Г о р д

Жим! Сезиб қолмаса бўлди.

М а р о

У фақат – менга ёпишиши мумкин.

Мен билан гаплашган кечаси.

П ь е н н

Жим. Келяпти.

Трибуле киради. Кўринишидан ҳеч нарса ўзгармаган, ўша кийими, ўша бепарволик ҳолати. Фақат ранги бўзарган.

П ь е н н

(бошлаган гапини давом этгандай, Трибулени кўриб кулгидан ўзларини зўрға тийиб турган ёш зодагонларга қўли билан ишоралар қилиб)

Келсинлар, Трибуле! – жаноблар, демак,

Қўшиққа шундай банд қўшамиз яна.

(куйлайди)

Марселни кўриб Бурбон

Деди лашкарга:

«Ким чиқар бизни бу он

Қарши оларга?»

Т р и б у л е

(қўйшиқни давом эттириб)
Йўл гоҳи паст, гоҳ баланд,
Йўл оғир кушод.
Келдилару уйда ҳам
Бўлмадилар шод.

Ҳ а м м а

Жуда соз!

Т р и б у л е

(аста авансценага келиб, четга)
Қани у?

(қўйшиқ айтишида давом этади)
Келдилару уйда ҳам
Бўлмадилар шод.

Г о р д

(чапак чалиб)
Яша, Трибуле!

Т р и б у л е

(атрофда кулаётганларга қараб)
Тушунарли, булар барчаси шерик.

К о с с е

(Трибуленинг елкасига уриб қаҳқаҳа билан)
Нима янгилик бор оламда, тентак?

Т р и б у л е

(бошқаларга де Коссени кўрсатиб)
Эшитинг, мисоли гўрков кулгуси.
(Де Коссени масхара қилиб)
«Нима янгилик бор оламда, тентак?»

К о с с е

(яна кулиб)

Оламда янги гап йўқ экан, демак!

Т р и б у л е

(уни бошдан-оёқ кузатиб)

Кўлингиздан бир иш келади фақат,

Сил бўлади сизга ким бўлса улфат.

*Ушбу саҳнанинг биринчи қисми давомида Трибу-
ленинг кўриниши, хатти-ҳаракатида нимадир из-
лаётган, кузатаётган одамнинг белгилари кўри-
нади. Бу белги фақат унинг кўзларида намоён бўла-
ди. Ҳеч ким қарамаётганини сезгандагина стул-
ларни суради, эшикни тортиб кўради... Лекин
ҳамма билан худди аввалгидек қувноқ, хандон таиш-
лаб гаплашади. Сарой аҳли бир-бири билан сирли
кулишиб, бир-бирига ишоралар қилиб ҳар хил мав-
зуда суҳбат қурадилар.*

Т р и б у л е

(ўзича)

У шунда, қайгадир беркитилган у,

Сўрасам кулгуга қоламан лекин.

(Қувноқ кулгу билан Маронинг олдига келади.)

Маро! Зап бемаъни тун бўлдимми-а?

Шамолламадингми кеча?

М а р о

(таажжублангандай)

А? Кеча?

Т р и б у л е

(тушунарли, дегандай кўз қисиб)

Хурсандман, хўш, ўйин қандай тугади?

М а р о

Ўйин?

Т р и б у л е

(бош иргаб)

Ҳа!

М а р о

(билмаганга олиб)

Тун бўйи туш ҳам кўрмасдан

Қотиб ухлаб чиқдим.

Қанақа ўйин?

Т р и б у л е

Демак, уйда эдинг, кеча мен кўрган

Арвоҳинг экан-да.

(стол устида ётган рўмолчани кўриб қолади ва югуриб бориб қарайди)

П а р д а л ь я н

(де Пъеннга, аста)

Дастрўмолимдан

Белги қидиряпти.

Т р и б у л е

(рўмолчани бир чеккага отиб, четга)

Уники эмас!

П ь е н н

(саҳна ичкарисиди кулишиб турган ёшларга қараб)

Секинроқ!

Т р и б у л е

(четга)

Қаерда бўлиши мумкин?

П ь е н н

(де Гордга)

Нимага куляпсиз?

Г о р д

(Марони кўрсатиб)

Манави қурғур

Ичакларни узди.

Т р и б у л е

(четга)

Бўйнинг узилсин.

Г о р д

(Марога кулиб)

Ўзингни тутиб ол, йўқса елкангга

Трибуле билан битта соламан.

Т р и б у л е

(де Пъеннга)

Қирол чиқмадими?

П ь е н н

Чиқиш қаёқда!

Т р и б у л е

Товуш чиқмадими хонаи хосдан?

(эшикка яқинлашади)

Де Пардальян уни тўхтатади.

П а р д а л ь я н

Жаноби олийни уйғотиб қўйма!

Г о р д

(де Пардальянга)

Ҳозир баттол Маро латифа айтиб
Бизни ҳўп кулдирди: эмиш, уч эркак
– Олис йўлдан қайтиб уйига келса
Уччаласининг ҳам хотини, бошқа
Эр билан ётганмиш...

М а р о

У ёғини айт.

Т р и б у л е

Ҳа, нимаси қизиқ?!

К о с с е

Хотинлар бари
Бевафо!

Т р и б у л е

(де Коссега)

Эҳтиёт бўлиб гапиринг.

К о с с е

Хўш?

Т р и б у л е

Калтакнинг учи сизга тегяпти.

К о с с е

Нима учун?

Т р и б у л е

Қани, жаноб, чироққа
Яқинроқ келинг-чи, пешонангизда
Бир нимадир борга ўхшайди.

К о с с е

Нима?

Т р и б у л е

(кулиб)

Шармандалик!

К о с с е

(газаб билан)

А?

Т р и б у л е

Ҳа! Мана, жаноблар

Жонивор қутурди! Сузиб олмасин!

(де Коссени масхара қилиб)

А??

Ҳамма кулади. Қиролича мулозимларидан
бўлган з о д а г о н киради.

П ь е н н

Хўш, келинг, Водрогон!

З о д а г о н

Мени бу ерга

Юбордилар улуг Қироличамиз.

У зот Қирол билан гаплашмоқчилар.

*Де Пьенн имо-ишоралар билан бу мумкин эмас
дейди. Зодагон туриб олади.*

П ь е н н

(бетоқат бўлиб)

Жаноблари ҳали турганлари йўқ.

З о д а г о н

Бекор гап. У киши ҳали шу ерда
Сизлар билан эди.

Де Пьенн баттар тоқатсизланади. У имо-ишоралар қилади, Зодагон тушунмайди. Трибуле диққат билан де Пьенни кузатади.

П ь е н н

У киши овда.

З о д а г о н

Итлар тайёр эмас, маҳрамлар ҳам йўқ.
Жаноб овда эмас!

П ь е н н

(четга)

Бефаҳм, овсар!

(Зодагонга яқин келиб, ўшқириб)

Улуғ зот ҳеч кимни қабул қилмайди,
У киши банд! Тамом-вассалом!

Т р и б у л е

(тўсатдан ҳайқириб)

Билдим!

У шу ерда экан! Қирол ёнида!

Сарой аҳли ҳайрон.

Г о р д

Бечора ақлдан озди!

Т р и б у л е

Эшитинг,

Жаноблар, бир огиз гапим бор сизга.

Де Коссе ва Пьенн, бир тўда шайтон,
Монморанси, Брион тил бириктириб
Ҳа, бўйинга олинг, кеча уйимдан
Олиб қочдингизлар бир ожизани.
Сиз ҳам бор эдингиз, жаноб Пардаल्याн.
Уни сиз бу ерга беркитгансиз, ҳа!

П ь е н н

(қаҳ-қаҳ уриб)

Букурнинг ўйнаши! Паривашмикан
Ё ўзидек маймоқ!

Т р и б у л е

(ғазаб билан)

Иблис, у қизим!

Ҳ а м м а

Қизим!

Ҳамма ҳайрон.

Т р и б у л е

(қўлларини кўксига чалиштириб)

Ҳа, у қизим! Қулинг, жаноблар!

Нега жим қолдингиз? Ё менинг дардим

Сизни ҳайронликка солдими? Қизиқ!

Дард не қилсин букур масхарабозда

Оталик не қилсин! Ахир бўри ҳам

Бола кўради-ку! Бу менинг қизим!

(бақариб)

Ҳей, беринг қизимни! Ҳа, сиз энгдингиз,

Мендан ўч олдингиз! Етар, бас, майли

Одамлар мазахлаб кулсин устимдан

Барига тупурдим, қизимни беринг!

Ахир у шу ерда!

(эшикка ташланади)

Зодагонлар эшик олдида туриб унга йўл бермайдилар.

М а р о

Ақдан озди.

Ташланмоқчи.

Т р и б у л е

(алам билан чекиниб)

Ҳей, сиз, макруҳ бандалар!

Сарой малайлари, йўлтўсар зотлар,

Ўғирлаб келдингиз ёлғиз қизимни,

Оталик шаънимни ерга урдингиз!

Сизда зарра борми номус-диёнат?

Менга таскин берар фақат бир нарса

Қиролимиз шундай беорки, унга

Сарой хонимлари барчаси ўйнаш!

Бу даргоҳда аёл шаъни – икки пул,

Эрлик номуси-чи, азалдан абас.

Қиrol марҳамати эвазига сиз,

Унга хотинингиз қўшиб қўйибсиз!

(Уларнинг кўзига тик қараб)

Қани айтинг, сўзим ёлғонми? Йўқ, рост.

Мартаба, унвону ёғлиқ жой учун

(де Пардальянга)

Сен – туққан онангни,

(де Брионга)

Сен – ўз опангни,

(де Гордга)

Сен-чи, хотинингни сотишга тайёр!

Маҳрамлардан бири

(стаканга май қуйиб ичади ва куйлайди)

Марселни кўриб Бурбон

Деди лашкарга:

«Ким чиқар бизни бу он...»

Трибуле

Ким чиқар, билмадим, лекин, Обюссан,

Сенга май тиқилиб, тобутинг чиқар!

(ҳаммага)

Эй сиз оқсуяклар, энг олий зотлар,

Улуғ аждодларнинг сизлар вориси!

Номус– мендай фақир битта шўрликнинг

Қизини ўғирлаб бағрини эзмоқ –

Номус, номус. Айтинг ёки онангиз

Ҳалол туғмаганми? Ё отбоқардан

Бино бўлганмисиз? Айт, ҳаромилар!

Горд

Тилингни тий!

Трибуле

Қани Қирол берган пул?

Ахир қизим учун Қирол сизларни

Нақд пул билан рози қилгандир?

(сочларини юлиб)

Эй, воҳ!

Балки Қиролингиз ўйлар, пул бериб,

Хурсанд қиламан дер отасини ҳам.

Йўқ! Ўлганим афзал бундай номусдан.

Қани менинг қизим? Қайтаринг ҳозир!

О, менда бойлик йўқ– фақат қўлим бор!

Мана шу меҳнаткаш қадоқ қўлларим.

Қиличим йўқ, аммо тирноқларим бор!

Очинг, дейман, ҳозир эшикни!

*Яна ғазаб билан эшикка ўзини уради, уни эшик-
дан нари сурадилар. Бир муддат олишади, сўнг ҳол-
сиз авансценага келади, тиззаси билан йиқилади.*

Бутун бошли тўда менга қарши...

(ўксиниб йиғлайди)

Йиғлаяпман, ахир!

(Марога)

Маро, сен мени

Бопладинг, қойилман. Усталик қилдинг,

Дидинг бор йигитсан. Сен ҳам мен каби

Ғарибсан-ку, сўйла, қизим қаерда?

Бу аблаҳлар кулсин майли, сен ахир

Булар тоифаси эмассан, сўйла.

Қизим шу ерда-ку? Нега жимсан, айт?

(эмаклаб тўралар ёнига боради)

Кечиринглар мени! Мана эмаклаб –

Келдим, ҳазилларим учун кечиринг.

Баъзида ранжитдим, аммо – не қилай,

Бу менинг хизматим эди. Ҳар қалай,

Сизларни кулдириб хизмат қилганман.

Менинг хазинамни беринг, у шунда!

Қизим қани, шафқат қилинг, сўрайман!

(Ҳамма жим. У алам билан ўрнидан туради)

Жимсиз, куляпсиз! Эҳ, парвардигор!

Менинг дардим сизга берар ҳаловат.

Менинг йиғлашимдан, бир кечадаёқ

Оқарган сочларим юлиб эмаклаб

Фарёд қилишимдан завқ олмоқдасиз!

*Шу вақт бирдан Қирол ётоқхонасининг эшиги
очиhib сочлари ёйилган, кўзлари олазараk Бланиш
отилиб чиқади. Кийимлари тартибсиз. У аламли
нидо билан ўзини отасига отади.*

Б л а н ш

Отажон!

Т р и б у л е

Қизгинам! Ёлғизим, бахтим!

Пешонамга битган танҳо бойлигим!

Мана бағрим бутун, оилам бутун!

(бир вақтда келган йиғи ва кулгу томоғига тикилади)

Ҳеч гап эмас экан ақддан озмоқ,
Кечиринг, жаноблар, биринчи марта
Сизнинг олдингизда аламларимни
Кўз ёшларим билан тўкаётирман.

(Бланишга)

Қўрқма, қизалоғим! Бу ҳазил холос,
Фақат кулгу учун қилинган ўйин.
Булар ҳаммаси ҳам яхши одамлар,
Улар бизни хафа қилишмас энди,
Биз бирга яшаймиз яна бахтиёр.
(тўраларга)

Тўғримми?

(яна Бланишга, қучоқлаб)

Сен яна ёнимдасан-ку,
Барча аламларни унутдим, мана,
Ҳозир йиғлаб туриб яна куляпман.

(унга безовталиқ билан тикилиб)

Йиғлаяпсан? Нечун?

Б л а н ш

*(кўз ёши оқиб турган қизарган кўзларини қўлла-
ри билан яшириб)*

Ўлганим яхши!

Қандай номус!

Т р и б у л е

Нима?

Б л а н ш

(юзини унинг кўксига яшириб)

Сўраманг ҳозир,

Буларнинг олдида айта олмайман.

Т р и б у л е

*(ғазабдан титраб, Қиролнинг эшиги томон бу-
рилади)*

Макруҳ иблис! Ҳали сен ёвуз олчоқ –

Менинг қизимга ҳам куч кўрсатдингми?

Б л а н ш

(ҳўнграб унинг оёғига йиқилади)

Улар кетсин!

Т р и б у л е

*(уч сакраб тўраларнинг олдида етиб боради ва
уларни тепиб ҳайдай бошлайди)*

Йўқол ҳамманг кўзимдан!

Ҳайвонлар! Қирол ҳам яқинлашмасин!

(Вермадуага қараб)

Сиз соқчисиз! Айтинг Қиролгаки, мен

Шу ерда эканман, чиқа кўрмасин!

П ь е н н

Жаҳдини қаранг-а, масхарабознинг

Г о р д

(қўл ҳаракати билан уни тўхтатиб)

Ҳеч вақт гўдак билан масхарабозга

Гап қайтариб бўлмас!

(чиқишади)

Т р и б у л е

(Қирол курсисига ўтиради ва ерда ярим ётган қизини кўтаради)

Иккимиз қолдик!

Энди ҳаммасини айтиб бер менга!

(орқасига қайрилиб де Коссенинг турганини кўриб қолади ва ўрнидан туриб, қўли билан эшик-ни кўрсатиб)

Йўқолинг бу ердан! Эшитдингизми?

К о с с е

(Трибуленинг газабли буйруғига бўйсуниб чеки-нади)

Ҳамма нарса мумкин масхарабозга!

Қаранг, дағдаға ҳам қилади.

(Кетади.)

Т р и б у л е

(ғамгин)

Энди –

Гапир, қизим.

Б л а н ш

(ерга қараб, сўзлари йиғи билан бўлиниб)

Сизга айтишим керак

Унинг уйга қандай кириб олганин...

Эҳ, номус...

(юзини қўллари билан беркитиб йиғлайди)

*Трибуле уни қучоқлайди ва оҳиста кўз ёшлари-
ни артади.*

Бошидан айтайин, менга
Қўпдан у эргашиб юрарди... Дастлаб –
Ибодатхонада учради.

Т р и б у л е

Қирол!

Б л а н ш

(давом этиб)

У секин ёнимга келиб ўтирди...

(овози борган сари сустлашади)

Кеча уйимизга кириб олибди...

Т р и б у л е

Бўлди, бас, гапирма, ҳаммаси маълум,
(ўрнидан туради)

Оҳ, бу не кўргилик! Эй, қодир танграм!

Қандоқ балоларга қилдинг гирифтор!

Беомон сўлдирмай тоза гулимни

Юборсанг бўлмасми эди ўлимни.

Не қутмоқ мумкин бу ифлос даргоҳдан,

Йиғлаяпсан, қизим, майлига, йиғла.

Ғамни енгиллатар қизнинг йиғиси.

Қанийди бу ғамни отангга берсанг!

(ўйлаб)

Энди ёлғиз нажот – Парижни ташлаб

Узоққа бош олиб кетамиз, қизим.

(Қирол эшиги томон ўгирилиб)

Сен-чи Қирол Франциск! Сенга худойим

Ўзи жазо берсин. Илоҳим минбаъд

Оталик кўз ёшим кўр қилсин сени!

Шу уйда тез кунда тобутинг чиқсин.

Б л а н ш

(қўлларини осмонга узатиб, четга)

Бунга қулоқ солма, о, парвардигор,

Мен уни севаман!

Ичкаридан шовқин ва қадам товушлари эшитилади. Саллотлар ва зодагонлар кўринади. Олдинда де Пьенн.

П ь е н н

(чақириб)

Ҳей, Моншеню, тезроқ панжарани оч,

Сен-Вале кетяпти Бастилияга!

Саллотлар ичкаридан иккитадан бўлиб ўтади. Улар қуршаб олган Сен-Валье эшик ёнига келганда тўхтаб Қирол хонасига қараб мурожаат қилади.

С е н ь-В а л ь е

(баланд овоз билан)

Мен Қиролга лаънат ўқини отдим,

Бир оз енгил бўлди, алашим, аммо

Қасос ололмадим. Ёруғ дунёда

На бир дўстим бору, на қондошим бор...

Мен учун ўч олса!?

Т р и б у л е

(бош кўтариб, унга тик караб)

Эшитинг, граф,

Сиз учун бошқалар олади қасос!

ТҶҢРТИНЧИ ПАРДА

БЛАНИШ

Сена дарёсининг яланг қирғоғи. Сен-Жермендан қўйироқ. Ўнг томонида лой кўзачалар, ёғоч курсилар қўйилган қашшоқ кулба. Иккинчи қават– болохона, ойнадан ямоқ-ясоқлардан тузилган ўрин кўринади. Томошабинга уйнинг ичи борича кўриниб туради: ўртада– стол, бир ёнда ғишт ўчоқ– камин, ичкарида– болохонага чиқадиган нарвон. Саҳнанинг чап томонида уйнинг ичидан тўғри кўчага чиқадиган эшик қўйилган. Девор – эски, ёриқ. Ёриқлардан ичкари шундоқ кўриниб туради. Эшикка кичкина дарича ўрнатиб, панжара билан тўсиб қўйилган. Эшикка ташқари томондан ёпиқ зонт ўрнатишган! Ёриқнинг устида «Ошхона» деб ёзиб қўйилган.

Саҳнанинг қолган қисми – соҳил. Чап томонда эски, синиқ-ёриқ панжара. Унинг тагида Сена оқади. Панжарага қўнғироқ учун устун ўрнатишган. Орқа томонда, дарёдан нарида Вединг ўрмони. Ўнг томонда узоқдан тепалик Сен-Жермен шаҳарчаси ва ибодатхонаси кўринади.

БИРИНЧИ КўРИНИШ

Ташқарида Трибуле ва Бланиш, ичкарида – Сальтабадилъ. Бутун кўриниш давомида Трибуленинг юз кўриниши ва хатти-ҳаракатларида бир нарсадан чўчиган, бировнинг кўриб қолишидан кўрққан одамнинг аҳволи кўринади. У тез-тез атрофга қарайди, кўпроқ кулба томон ҳадик билан тикилади. Сальтабадилъ ташқарида бўлаётган воқеадан беҳабар индамай қайишини тозалаб ўтиради.

Т р и б у л е

Уни севасанми?

Б л а н ш

Севаман.

Т р и б у л е

Э, воҳ!

Бу қандай кўргилик! Мен-чи, вақт ўтиб -
Янглиш ҳислардан қайтар деб эдим.

Б л а н ш

Севаман.

Т р и б у л е

О, нодон аёл юраги!

Нимасини севдинг! Тушунтир менга.

Б л а н ш

Ўзим ҳам билмайман.

Т р и б у л е

Бу мумкин эмас.

Бу – даҳшат!

Б л а н ш

Ҳеч қачон!

Тангри бошимда,

Бу тангри – муҳаббат. Унинг амри – ҳақ.

Жоним халос этиб ўзга бир кимса

Бошимдан олтинлар сочганида ҳам

Кўнгил бермас эдим. У бўлса, менга –

Қанча азоб берди. Лекин севаман.

Ундан ўзгани ҳеч демас юрагим.

Гарчи сиз дўстимсиз, у-чи душманам,

Жоним керак бўлса сизларга маним,
Сизга фидо бўлур, унга ҳам нисор.

Т р и б у л е

Кечирдим, қизгинам.

Б л а н ш

У ҳам севади.

Т р и б у л е

У? Қандай нодонсан!

Б л а н ш

Ҳа, қасам ичган.

У қандай келишган, қандай ботир, мард,

Юракни банд этар оташ сўзлари.

Барча аёлларга тенг ширинсухан,

Ажойиб Қирол у!

Т р и б у л е

(газаб билан)

Бас! У беномус!

Ўғирламоқ бўлди ҳаётимни у!

Б л а н ш

Ахир кечирдингиз.

Т р и б у л е

У бедиёнат,

Касофатни ҳеч вақт кечирмас кўнглим.

Вақт келар, тузоққа тушар у иблис.

Б л а н ш

Бир ойки, ёнаман сирли бир ўтда...

Ахир авваллари хуш кўрардингиз.

Т р и б у л е

Аввал билмас эдим.

(газаб билан)

Энди ўчим бор!

Б л а н ш

(ялиниб)

Раҳм қилинг, ота!

Т р и б у л е

Унинг сўзлари –

Ёлғон эканини мабодо билсанг

Ундан кечармидинг?

Б л а н ш

У ҳеч алдамас.

Т р и б у л е

Унинг аблаҳдигин кўз билан кўрсанг

Афсус қилармидинг?

Б л а н ш

Айта олмайман.

Ёлғизим деб айтди куни кеча у.

Т р и б у л е

(аламда)

Қачон айтди?

Б л а н ш

Кеча.

Т р и б у л е

Қара-чи, қизим

Ановилардан бири сенга танишми?

(девордаги ёриқдан ичкарини кўрсатади)

Б л а н ш

У ерда бир киши.

Т р и б у л е

Яхшироқ қара!

Оддий офицер кийимида Қирол пайдо бўлади. У қўшни хонадан кичкина эшик орқали кирган.

Б л а н ш

(вужуди титраб)

Отажон, қаерга қочай?

Ё тангрим!

Бутун келгуси кўриниш давомида у девор ёригидан кўз узмай тикилади. Бутун вужуди кўзу қулоқ. Гоҳи уни титроқ тутади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Аввалгилар, Қирол, Магелона.

Қирол Сальтабадилнинг елкасига уради. Сальтабадиль қайрилиб қарайди.

Қ и р о л

Икки нарсa керак!

С а л ь т а б а д и л ь

Хўш?

Қ и р о л

Қадаҳ ва жонон.

Т р и б у л е

(заҳарханда билан)

Кўринг бу Қиролни, қандай фаришта!

Бу манзилга элтмиш уни пок ният.

(ғазаб билан)

Бу кун заҳар бўлар ичган шаробинг!

Қ и р о л

(хиргойи қилади)

Ўғзалларда йўқ вафо,

Уларнинг иши жафо.

Оқил одам уларга

Ишонмас асло!

*С а л ь т а б а д и л ь қўшни хонадан ишша ва
стакан олиб чиқади ва индамай столга қўяди. Сўнг
узун қиличининг дастаси билан икки марта шифт-
га уради. Бу ишора билан нарвондан кўркамгина,
қувноқ, лўли либосини кийган қиз тушиб келади.
Қиз кўриниши билан Қирол уни қучоқламоқчи бўла-
ди. Лекин қиз тисарилади.*

Қ и р о л

*(яна қайишини тозалашга ўтирган Сальтаба-
дилга қараб)*

Ошна, қайишингни кўчага чиқиб,

Бафуржа тозалаб келсанг бўларди.

С а л ь т а б а д и л ь

Тушунарли.

*С а л ь т а б а д и л ь ўрнидан туради, Қиролга
қовушмай таъзим қилади ва эшикни ёпиб чиқади.
Трибулени кўриб сирли бир қараш билан унга яқин*

келади. Улар шивирлашиб гаплашар экан, ҳалиги қиз Қирол билан ўйнашиб туради. Блани даҳшат ичида кузатади.

С а л ь т а б а д и л ь

(уйга бармоқ билан ишора қилиб)

Тайёр.

Пичоқ чархланган.

Келишиб олайлик нима қиламиз?

Ўлсинми, қолсинми?

Т р и б у л е

Узоққа кетма.

(Ишора билан кетишни буюради)

С а л ь т а б а д и л ь панжара орқасига ўтиб кўздан йўқолади. Бу вақт ичида Қирол лўли қизга хушомад қилади, қиз ноз қилиб ўзини олиб қочади.

М а г е л о н а

Асло!

Қ и р о л

Асло дема. Қучаман десам

Нега асло дейсан? Бери кел, санам,

Гап бор.

Лўли қиз яқинлашади.

М а г е л о н а

Нима дейсиз?

Қ и р о л

Бир ҳафта аввал

Трибуле билан анов қаҳвода

Сени учратдиму шайдойи бўлдим.

Шундан бери йўқдир кўнглимда ором.

Магелона

(кулиб)

Қолган йигирмасин унутдим денг-а?

Қирол

У йигирматанинг биттасига ҳам

Камина ёқмаган.

Магелона

Мақтанчоқ!

Қирол

Ҳа, рост!

Лекин мен хароба кулбага келиб

Хароб таомлар еб, хароб май ичиб

Умримда илк бора бахтиёр бўлдим.

Гарчи жонга тегди бадқовоқ аканг

Ёмон фирибгарга ўхшайди ўзи

Бу кеча шу ерда қолганим бўлсин.

Магелона

(четга)

Ўлигинг қолади!

Қирол уни қучоқламоқчи бўлади.

Қўйинг!

Қирол

Қўймайман.

Магелона

Эсингизни йигинг.

Қирол

Эсим жойида:

Раҳматлик Сулаймон сўзи ёдимда –

У айтган: ёрни сев ва тўйгунча ўп.

М а г е л о н а

О, ҳикматга жуда уста экансиз.

Қ и р о л

(унга интилиб)

Қулоқ сол.

М а г е л о н а

(сирғалиб)

Эртага!

Қ и р о л

Аччигим ёмон!

Бекор ағдараман стулни, бас қил.

«Эрта» деган сўзга ҳеч тоқатим йўқ.

М а г е л о н а

(бирдан юмшаб Қиролнинг ёнига келиб ўтиради)

Келинг, ярашамиз!

Қ и р о л

(унинг қўлларини ушлаб)

О, қандай нафис!

Ҳуру малакларнинг эркалашидан

Мана шу қўлларнинг ургани афзал.

М а г е л о н а

Ҳазиллашманг!

Қ и р о л

Рост гап!

М а г е л о н а

Мен хунукман!

Қи р о л

Йўқ!

Гўзал ўз ҳуснини билмоғи керак.

Ўт бўлиб ёнмоқда бутун вужудим,

Наҳотки билмасанг, мендек бир ошиқ

Сенинг жамолингга шайдо бўлганми?

М а г е л о н а

(қаҳ-қаҳ уриб)

Айтинг, қай китобдан топдингиз буни?

Қ и р о л

(четга)

Дарвоқе, қаерда ўқиган эдим?

Бир бўса!

(М а г е л о н а га)

М а г е л о н а

Мастмисиз?

Қ и р о л

Севгингдан мастман.

М а г е л о н а

Яна куляпсизми менинг устимдан?

Қ и р о л

Асло!

(ўнади)

М а г е л о н а

Бўлди, етар!

Қ и р о л

Турмуш қурамиз!

Магелона

Сўз беринг.

Қирол

Гўзалим!

Қандай шаддодсан!

(тиззасига ўтқазиб қулогига нимадир шивирлайди.)

Магелона бошини орқага ташлаб хандон кулади. Бланиш ортиқ тоқат қилолмай Трибуле томон ўгирилади. Унинг юзида қон йўқ, вужудида титроқ.

Трибуле

(аввал бир нафас жим кўз тиккач)

Энди ўч олишга не дейсан, қизим?

Бланиш

(жуда секин қийналиб гапиради)

Нақадар разиллик! Бузуқ, шарманда!

Кечагина менга ишқ изҳор қилиб

Бугун юрагини бошқага бермиш!

Юрак ўзи борми унда, йўқ асло!

(бошини отасининг кўкрагига қўйиб)

Бу шарманда хотин яна у билан.

Трибуле

Жим, энди гапни қўй, йиғлама, қизим,

Бу ёгини менга қўйиб бер.

Бланиш

Майли,

Сиз айтганча бўлсин.

Трибуле

(аламли хушнудлик билан)

Бўпти.

Б л а н ш

Бизларни

Худойим кечирсин. Режангиз қандай?

Т р и б у л е

(куйиниб)

Қопқон тайёр. Аммо сўрама, қизим.

Томоғимни бўғиб келар ғазабим.

Тезгина уйга бор. Кўпроқ пул олиб

Йигит кийимни кий, отга мин-у тез

Эврёга қараб уч. Бир кундан кейин

Мен етиб бораман. Шляпа, плашч,

Ботфортни кийиб ол. Бари сандикда,

От ҳам эгарланган. Айтганимни қил.

Бир соатдан кейин бу ерда қизим,

Даҳшат юз беради. Орқангга қайтма.

Эсингдан чиқмасин. Қани, бор.

Б л а н ш

Сиз-чи?

Т р и б у л е

Мен борсам бўлмайди.

(қучоқлайди ва ишора билан кетишга буюради)

Б л а н ш

Қўрқаман.

Т р и б у л е

Қўрқма.

Тезда кўришамиз.

(яна қучоқлайди)

Бланиш истар-истамас қадам босиб чиқади.

Қайғурма, қизим.

Ушбу ва келгуси саҳна давомида Қирол ва Магелона ўртасида ишқий муносабат давом этади. Блани кўздан йўқолиши билан Трибуле панжара ёнига келиб қўли билан ишора қилади. Салтабадиль пайдо бўлади, қоронғи тушади.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Трибуле, Салтабадиль – таишқарида. Магелона, Қирол ичкарида. Трибуле олтин тангаларни санайди. Салтабадиль қараб туради.

Трибуле

Мана ўнта – хамир учидан патир.
(олтинни беришдан олдин тўхтаб)

Бу кеча шу ерда қоладими у?

Салтабадиль

(жавоб беришдан аввал осмонга қараб)
Булутларни қара!

Трибуле

(ўзича)
Албатта, Лувр.
Унинг жонига ҳам теккан. Қолади.

Салтабадиль

Бир соат ўтмасдан жала қуяди,
Уни кеткизмайди жала ва жонон.

Трибуле

Мен ярим кечада келаман.

С а л ь т а б а д и л ь

Нега?

Мен ўзим биламан. Сиз аралашманг.
Жасадни Сенага ташлайман. Тамом.

Т р и б у л е

Йўқ. Ўзим ташлайман.

С а л ь т а б а д и л ь

Хўп, ундай бўлса

Бир соатдан кейин қопнинг оғзини
Тикиб сизга тайёр қилиб қўяман.

Т р и б у л е

(олтинни бериб)

Ол. Яна шундайни кейин оласан.

С а л ь т а б а д и л ь

Йигитчанинг исмин билсак мумкинми?

Т р и б у л е

Ҳали ўзинг кимсан деб ҳам сўрарсан.

Унинг исми– Гуноҳ, меники– Ўлим.

(кетади)

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Ҳалигилар. Фақат Трибуле йўқ. Сальтабадиль ёлиз қолиб Сен-Жермен томондан босиб келаётган булутларга қарайди. Қора шом пайти. Чақмоқ чақади.

С а л ь т а б а д и л ь

Сел яқин. Парижни қоплаган булут

Соҳилда бир зот йўқ. Буниси– қойил.

(ўйга чўмиб)

Лекин, рост айтганда, бу ишга унча–
Қўнглим бормаяпти. Билмайман нечун.
Ё манов букурнинг ёвуз турқими,
Ёки кайфиятим шундайми... Ажаб...

(осмонга қараб бош чайқайди)
Бу вақтда Қирол Магелона билан суҳбатлашиб
ўтиришади.

Қ и р о л

(белидан қучмоқчи бўлиб)
Қулоқ сол, жонгинам.

М а г е л о н а

(сирғалиб чиқиб)
Шошманг.

Қ и р о л

Шайтон-эй!

М а г е л о н а

Шароб – қуёш кулгуси,
Майдан келар гул иси.

Қ и р о л

Бундай қадди-қомат, бундай елкалар –
Дунёда бормикан? Гумон қиламан.
Сенга қарайман-у лол бўлар қўнглим,
Тангри қудратига таҳсин ўқийман.

М а г е л о н а

Труля-ля-ля!
(Қиролни итариб)
Тўхта! Акам келяпти.

С а л ь т а б а д и л ь киради ва эшикни ёпади.

Қ и р о л

Аканг бўлса нима?!

Момақалдироқ гумбурлайди.

М а г е л о н а

Момақалдироқ.

С а л ь т а б а д и л ь

Ҳозир сел келади.

Қ и р о л

Сел келса нима!

Мен шу ерда қолдим, тамом-вассалом.

М а г е л о н а

Яна не истайсиз? Амру фармони–

Қиrolнинг ўзи-я. Бу ерда қолиб

Кейин нима дейсиз оилангизга?

Сальтабадилъ уни туртади ва қўли билан ишора қилади.

Қ и р о л

Менинг оилам йўқ.

С а л ь т а б а д и л ь

(четга)

Буниси– дуруст!

Ёмғир томни тақиллата бошлайди. Тимқора кеча.

Қ и р о л

(Сальтабадилга)

Истаган ерингда ётишинг мумкин,

Хоҳда кўча, хоҳла шайтон қўйнида.

С а л ь т а б а д и л ь

(таъзим қилиб)

Миннатдорман.

М а г е л о н а

(чироқ ёқар экан, Қиролга шивирлаб тез гапиради)

Кетинг.

Қ и р о л

(кулиб баланд овоз билан)

Шу ёмғирда-я?

Бу пайт шоирлар ҳам кўчага чиқмас.

(дераза олдига келади)

С а л ь т а б а д и л ь

(Магелонага олтинларни кўрсатиб, секин)

Қолсин! Мана, хамир учидан патир,

Ярим тунда яна шунча келади.

(Қиролга тавозе билан)

Бўшатиб бераман сизга хонани

Бу иш бизга шараф.

Қ и р о л

(кулиб)

Бу ерда июль

Чидаб бўлмайдиган жазира эди,

Ноябрь қарангки, серёгин экан.

С а л ь т а б а д и л ь

Кўрасизми?

Қ и р о л

Майли.

Сальтабадиль чироқни олади. Қирол Магелонанинг қулогига нимадир деб шивирлайди ва кулади. Сўнг Сальтабадиль кетидан болохонага чиқади.

М а г е л о н а

Шўрлик...

(ойна олдига келади)

Зим-зиё

Нақадар қўрқинчли.

С а л ь т а б а д и л ь

Мана каравот.

Керак бўлиб қолса бу стол-стул.

Қ и р о л

(каравот ва стулларни кўздан кечириб)

Оёқлари нечта. Уч... тўққиз... қойил!

Буларинг, мазмуни, урушда бўлган,

Чўлоқ, маймоқ...

(ойна олдига келиб)

На ром ва на дераза,

Ишқилиб биқинни тешмасин шамол,

(столга жинчироқ ёқиб қўяётган Сальтабадильга қараб)

Хўп, хайр!

С а л ь т а б а д и л ь

Соғ бўлинг.

(чиқади ва унинг зинадан аста тушаётгани эшитилади)

Қ и р о л

(ёлғиз, қилич, камарини ечар экан)

Мана, ёлғизман.

Мизғиб олсаммикан висол олдидан?

(столга иляпа, қилич, ботфортларини ечиб қўяди ва каравотга ётади)

Қиз лекин ажойиб, диркилайди-я!

(туради)

Қулфламади чоғи эшикни? Майли буниси ҳам яхши.

(яна ётади)

Бир дақиқадан сўнг у қаттиқ ухлаб қолади. Сальтабадиль ва Магелона пастда. Момақалдироқ, чақмоқ, жала. Магелона дарча ёнида нимадир тикиб ўтирибди. Сальтабадиль Қиролдан қолган шишани бўшатяпти. У ўйчан. Улар бир дақиқа жим туришади.

М а г е л о н а

Жуда мулойим... Ажойиб...

С а л ь т а б а д и л ь

Ажойиб бўлганда қандоқ

Йўқса олармидим йигирма олтин.

М а г е л о н а

Қанча?

С а л ь т а б а д и л ь

Йигирмата.

М а г е л о н а

Кўпга арзийди.

С а л ь т а б а д и л ь

Тентак. Тур, қара-чи, унда каллани
Қилич билан сақлаш нияти йўқми?

*Магелона туради. Момақалди роқ, жала авжида.
Саҳна ичкарисиди Блани пайдо бўлади. У отлик
эркак кийимида, шпорли ботфорт кийган, қора
либосда. У аста-секин кулбага яқинлашади. Саль-
табадил ь шишани бўшатар экан, Блани ухлаб
ётган Қиролни кузатади.*

М а г е л о н а

(кўзиди ёш)

Бечора!

(қиличини олади)

Уйқуда ётибди шўрлик.

(Пастга тушади, қилични акасига беради.)

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

*Қирол болохонада, Сальтабадил ь ва Магелона
ичкарида, Блани таиқарида.*

Тинимсиз момақалди роқ.

Б л а н ш

О, нақадар даҳшат! Бир фалокатни
Сезаётир кўнглим. У шу кулбада
Ёлғиз қолди. Нечун? Кечиринг, ота,
Сўзингиздан чиқдим бугун илк марта.
Мен бу ерга келдим. О, қандай даҳшат.
(ойнага яқин келади)

Нималар бўлмоқда, ақлимга сиғмас,
Севги мени тамом қилмиш девона.
Рост экан, рост экан, сеvgи оташи
Дилни ёндираркан то кул қилгунча.

Мана шу кул қилди кўнглимни, эй, воҳ!
(аччиқ-аччиқ йиғлайди)
Осмон ҳам дардимга эш бўлиб йиғлар.
О, фалак, не учун яратдинг ишқни!
(Бош кўтариб деразага қарайди ва чироқни
кўради)

Нималар бўлмоқда?
(яқинроқ келади ва яна чекинади)
Нега турибман?
Балки уни ҳозир ўлдирмоқчилар?!

*Магелона ва Сальтабадиль суҳбатни давом эт-
тирадилар.*

М а г е л о н а

Ҳавони қара-я!

С а л ь т а б а д и л ь

Ҳа, осмонда ҳам
Ҳозир биров йиғлаб, биров кулмоқда.

Б л а н ш

Отам кўриб қолса нима бўлади!

М а г е л о н а

Ака!

Б л а н ш

(сесканиб)

Одам товуши!

Тешикка яқин келиб ичкарига қарайди.

М а г е л о н а

Ака, менга қара!

С а л ь т а б а д и л ь

Ҳа, нима дейсан?

М а г е л о н а

Менда бир фикр бор.

С а л ь т а б а д и л ь

Қанақа фикр?

М а г е л о н а

Топ.

С а л ь т а б а д и л ь

Қаёқдан билай.

М а г е л о н а

Анави йигит

Жаннат филмонидай чиройли экан.

Мени севиб қолди. Ўлдирма уни,

Исо пайғамбардай ухлаб ётибди.

Б л а н ш

(эшитиб, даҳшатга тушади)

О, танграм!

С а л ь т а б а д и л ь

Бекорчи гапни қўйгин-да,

Яхшилаб қоп яса манави бўздан.

(сандиқдан бўз ва тош олади. Бўзни Магелонага узатади)

М а г е л о н а

Булар нега керак?

С а л ь т а б а д и л ь

Ўша барнони

Тинчитганимдан сўнг шу қопга солиб

Мана бу тош билан секин дарёга

Шўнғитамиз. Тамом, вассалом.

М а г е л о н а

Аммо...

С а л ь т а б а д и л ь

Сен ўз ишингни қил, менинг ишимга

Аралашма!

М а г е л о н а

Нега?

С а л ь т а б а д и л ь

Одам ўлдирган

Ҳаммага маслаҳат солавермайди.

Мановини тик.

М а г е л о н а

Гап бор.

С а л ь т а б а д и л ь

Хўш?

М а г е л о н а

Айт, у сенга ёмонлик қилдими?

С а л ь т а б а д и л ь

Йўқ! Нима эди?

М а г е л о н а

Бу йигитни кўр-у букурингни кўр,

Бу фаришта бўлса- у иблис.

С а л ь т а б а д и л ь

Аммо

Ўша иблис менга пул тўлайди-да.
Мен учун бари бир, гўзалми, букур,
Маймоқми, ишқилиб, пул чиқса бўлди.

М а г е л о н а

Ундай бўлса ҳали букур келганда
Ўзини саранжом қилиб қўя қол!

Б л а н ш

Отажон!

М а г е л о н а

Бўптимми?

С а л ь т а б а д и л ь

Эй, менга қара!
Мен кимман? Ўғри ё йўлтўсарманми?
Ахир инсофданми нақд пулни олиб
Буюрган одамнинг ўзин ўлдирсам?

М а г е л о н а

(қипиқни кўрсатиб)

Бўлмаса қипиқми, гўлами солиб
Бера қол шу қопга. Бу қоронғида
Қаёқдан билади?

С а л ь т а б а д и л ь

Ақлни ишлат

Ёғоч қаёқда-ю, мурда қаёқда!
Сезмай ўлиптими?

М а г е л о н а

О, шафқат айла!

С а л ь т а б а д и л ь

Куйла яна!

М а г е л о н а

Қандай олижанобсан!

С а л ь т а б а д и л ь

Бекор айтибсан! У ўлади – тамом!

М а г е л о н а

(ғазаб билан)

Йўқ! Ҳозир уйғотиб чиқаман уни!

Б л а н ш

О, қандай муниса!

С а л ь т а б а д и л ь

Ўн сўм олтин-чи? Гап тамом.

М а г е л о н а

Йўқ! Йўл қўймайман!

(акасининг йўлини тўсиб зинанинг олдига туриб олади)

Сальтабадиль синглисининг қатъияти олдида таслим бўлади ва сахна олдига келиб ўзича режа тузади.

С а л ь т а б а д и л ь

Соат ўн иккида чол келади... Хўш...

Нима қилсам экан. Бўлганча бўлди –

Биринчи эшикни қоққан йўловчи

Йигитнинг ўрнига қурбон бўлади.

Ким билсин, эшикдан кириши билан

Ўлдириб шу қопга солиб қўяман.

Бошқа иложим йўқ.

М а г е л о н а

Майлига, аммо –

Шу ёмғирда қайси аҳмоқ келарди.

С а л ь т а б а д и л ь

Балки келиб қолар...

М а г е л о н а

Шундай кеча-я!

Б л а н ш

О, тангрим! Ё сенга менинг ёш жоним

Керак бўлдимиди? Оҳ!

М а г е л о н а

Бундай пайтда

Бировнинг келиши мўъжиза фақат.

С а л ь т а б а д и л ь

Бошқа иложим йўқ. Ҳеч ким келмаса–

Демак у ўлади.

Б л а н ш

Нима қилайин

Ёки қоровулни чақирсаммикан,

Қоровул уйқуда, бунинг устига

Отам қўлга тушиб қолиши мумкин.

Ўлмоқ истамайман, йўқ! Отамни ҳам

Шарманда қилмайман. Не қилсам экан.

Мен ҳали ёшман-ку... Энди ўн олти...

Наҳот совуқ ханжар кўксимга ботар...

Соат уч бор занг уради.

С а л ь т а б а д и л ь

Соат чоракам ўн икки бўлди.

Ҳеч ким келмади. Бас, кутиш бефойда. .

(зинага қараб юради)

Магелона йиғлаб унинг йўлини тўсади.

М а г е л о н а

Жон ака, бир оз тур!

Б л а н ш

Сен бегона қиз

Йиғлаяпсан. Мен-чи? Қараб турибман.

У мени севмайди – усиз тириклик

Менга не керак? Демакки – ўлим.

Севгим учун ўлай.

(яна иккиланади)

Нақадар даҳшат!

С а л ь т а б а д и л ь

(Магелонага)

Энди кутиш бекор. Йўлимни тўсма!

Б л а н ш

Қотил қаеримга пичоқ ураркин?

Қийнаб ўлдирмаса бўлгани, фақат.

Юзимга урса-чи? О, тангрим!

С а л ь т а б а д и л ь

(йўлини тўсиб турган Магелонани итариб)

Тентак!

Кимни кутай шундай зимистон тунда.

Б л а н ш

(жунжикиб)

Совуқ

(эшикка қараб юради.)

Кетдим.

(тўхтайди)

Шундай ёмғирда ўлсам...

(эшикни қоқади)

М а г е л о н а

Эшик тақиллади.

С а л ь т а б а д и л ь

Шамол. Қўйвор.

Блани яна тақиллатади.

М а г е л о н а

Ана!

(чошиб келиб эшикни ойначасидан ташқарига қарайди)

С а л ь т а б а д и л ь

Бўлмаган гап!

М а г е л о н а

(Бланига)

Ким у?

(Сальтабадилга)

Бир шўрлик.

Б л а н ш

Жой борми?

С а л ь т а б а д и л ь

Бечора.

Магелона

Ажал ҳайдабди.

Бланш

Очинг!

Сальтабадилъ

Шошма! Аввал пичоқни келтир

Чархлаб олай.

*Магелона унга пичоқ беради. Сальтабадилъ уни
ўроқнинг дамида қайрайди.*

Магелона

Ўз оёғи билан келганини кўр.

Бланш

Музлаб боряпти бутун баданим...

Наҳотки, ўламан?..

(тиз чўкади)

Оҳ, парвардигор!

Сенинг ҳузурингга кетяпман, мана.

Уларни кечирдим, икковини ҳам

Тангрим, отажоним, сиз ҳам кечиринг

Мени ва Қиролни. Мен унинг учун

Жонимни беряпман. Мендан кейин ҳам

Уни паноҳингда асрагин, тангрим.

Қўп йиллар яшасин, ўйнасин, кулсин.

Ўламан. Кечиргин қотилимни ҳам

(ўрнидан туради.)

Ҳа, мана у тайёр!

(яна эшикни тақиллатади)

Магелона

Бунча сабрсиз.

С а л ь т а б а д и л ь

(пичоқнинг дамини столга уриб кўради)

Тайёр. Бу ёқда тур, ҳозир очасан.

Б л а н ш

Эшитиб турибман!

Сальтабадиль эшикнинг орқасига ўтиб туради.

М а г е л о н а

(Сальтабадилга)

Занжирни олдим.

С а л ь т а б а д и л ь

(эшик олдида, қўлида пичоқ)

Оч.

М а г е л о н а

(эшикни очади)

Киринг.

Б л а н ш

(ўзича)

Фаришта тусида иблис.

(чекинади)

М а г е л о н а

Кирмайсизми?

Б л а н ш

(даҳшат ичида, четга)

Ака-сингил қотиллар!

Отажон! Алвидо! Кечиринг мени!

(киради)

У остонадан қадам қуйиши билан Сальтабадиль пичоқни кўтаради. Парда тушади.

БЕШИНЧИ ПАРДА **Т Р И Б У Л Е**

Ўша кўриниш, фақат Сальтабадиль уйининг
ичи дарча билан тўсилган. Томошабинга кўрин-
майди. Чироқ йўқ. Зим-зиё.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

*Саҳна ичкарисидан плашчага ўралган Трибуле чи-
қиб келади. Жала тина бошлайди. Баъзан узоқдан
момақалдироқ овози ва чақмоқ шуъласи келади.*

*Трибуле чуқур хаёлга чўмган. Кўзларида аччиқ
қувонч.*

Т р и б у л е

Ниҳоят, вақт келди! Мана— алқасос!
Шу онни кутардим бир ойдан буён.
Бир ойдан бери мен бир нафас тинмай
Ниятим яшириб юрак тубида—
Орзу қилар эдим. Ниҳоят етдим.

(уйнинг пастак эшигига қараб)

Мана шу эшикдан кўп ўтмай ҳали
Олиб чиқадилар жасадни. Гарчи—
Ҳали бир оз вақт бор— келдим эртароқ
Шу эшикка тўйиб қарайин дедим.

(Момақалдироқ.)

Осмон ҳам кўнглимдан ханда урмоқда.
Мен бу он нақадар улуғ одамман,
Алам менга қудрат берди мислсиз.
Қаранг, ҳалок қилдим қандай Қиролни!
Жаҳони қирғину осойишталик
Ахир эмасмиди унинг қўлида?
У ўлди— мамлакат йўқотди тинчин,

Мен фақат бир михни олиб қўйдим-у-
Замин мувозанат йўқотди бутун.
Қўзғолар шаҳарлар, қўзғолар бутун-
Европа ўзига таянч ахтариб.
Агар парвардигор сўраса ердан:
«Айт ким бўронларга ташламиш сени?
Ким? Буюк Папами, Дориа, ёки
Буюк Карл? Сўйла, христиану
Мусулмон одамин қўзғотган кимдир?
Цезарми? Султонми ва ёки Исо!
Ким сени муштидек силкитиб турган?»
Ер жавоб беради шунда: «Трибуле!»
Қувон, масхарабоз, кўкрагингни кер!
Сенинг қасосингдан титрамоқда ер!

*Момақалдироқнинг сўнги гумбурлашлари ора-
сида олисдаги минора соатининг ярим тун занги-
ни ургани эшитилади.*

Вақт етди!
(тезда уйга келиб эшикни тақиллатади)
Ичкаридан овоз
Ким?

Т р и б у л е

(ҳаяжондан овози тиқилиб)
Бу мен.

Эшикнинг тагидаги туйнук очилади.

О в о з

Тура туринг.

*Сальтабадиль эмаклаб эшикнинг тагидан чиқа-
ди ва оғир қонга ўхшаган бир нарсани тортиб таи-
қарига чиқаради. Қоронгида бу нарсанинг нимали-*

*гини кўриш мумкин эмас. Унинг қўлида ҳам, уйда
ҳам чироқ йўқ.*

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Трибуле, Сальтабадиль

С а л ь т а б а д и л ь

Жуда оғир. Қарашинг.

*Трибуле қувончидан титраб унинг қўлидаги
қопни саҳна олдиға олиб чиқишади.*

Одамингиз қопда.

Т р и б у л е

Кўрамиз. Гугурт!

С а л ь т а б а д и л ь

Ҳазиллашманг. Гугурт чақиб бўлмайди.

Т р и б у л е

Нимадан қўрқасан?

С а л ь т а б а д и л ь

Соқчилар уйғоқ!

Чироқ ёқадиган вақтми ҳозир?

Пулни чўзинг.

*Трибуле унга ҳамённи беради. У пулни санаркан
Трибуле қопни кўздан кечиради.*

Т р и б у л е

Алам бахтга айланди.

С а л ь т а б а д и л ь

Сенага ташлашда ёрдам берайми?

Т р и б у л е

Ўзим.

С а л ь т а б а д и л ь

Бир кишига жудаям оғир.

Т р и б у л е

Душманнинг ўлиги оғир бўлмайди.

С а л ь т а б а д и л ь

Берган пулингизга рози бўлинг...

(панжара ёнига келади)

Ҳей,

Хўжайин, у ерга ташламанг, саёз.

Мана бу ёқ тузук.

(панжара синган жойни кўрсатади)

Чаққонроқ бўлинг.

Худо қувват берсин. Хайр, соғ бўлинг.

(уйга кириб ичкаридан эшикни занжирлайди.)

У Ч И Н Ч И К ў Р И Н И Ш

(ёлғиз, қопдан кўз узмай)

Мана, ўлжа! Ўлган! Қараб кўрайми?

(қопни ушлаб кўради)

Керакмас. Қопда ҳам ўхшаб турибди.

Худди ўзи.

(қаддини кўтариб қопга оёғини қўяди.)

Қара энди, эй, замин!

Масхарабоз билан Қирол жасади!

О, қандай Қиролки! Улуғлар ичра
Улуғи оёғим остида ҳозир.
Уни Сена ютгай. Кафани ҳам соз!
Ким уни шу ҳолга солган?

(қўлини кўкрагига чалиштириб)
Мен букур!
Элу юрт эрталаб нима дер экан?
Шундай буюк Қирол. Валуа ўғли
Қаҳрамон, кўксида ўқ ўтмас совут,
Сонсиз қўшинларни жангга бошлаган,
Жаҳонни титратган мардлиги билан.
Шундай Қирол бирдан йўқолиб қолса
Йўқолиб қолгандай эси йўқ бола!
Эртага эрталаб ҳамма кўради
Жарчилар қопларда олтин кўтариб
«Қирол йўқолди! Ҳой! Топиб беринглар!
Дея жар солади. Қандай ғаройиб!

(бир оз сукутдан сўнг)
Мана, қасос олдим, қизим, сен учун.
(жазаб билан жасад устига энгашиб)
Аблаҳ! Сўзларимни эшитяпсанми?
Барча тахтларингдан қизим азизроқ!
У ҳеч кимга озор бермаган маъсум,
Сен-чи ўғирладинг унинг номусин.
Мана, қасос вақти келди-ку ахир!
Мен ўзимни доим гўлликка солиб
Қулиб юрар эдим сенинг олдингда.
Сен мени таҳқирлар эдинг бетиним.
Сен жаҳонгир эдинг– мен масхарабоз.
Мана, айт, ким енгди?

(жасад устига яна кўпроқ энгашиб)
Сенми ёки мен?
Ахир қулинг эдим, ит дердинг мени.

(жасадни тепади)

Кўзимиз очганда қасос истаги
Қалбимиз уйғонар ўткир тиф бўлиб.
Хасталар куч топар, тубанлар ривож!
Ғазабдан қўрқма, қул, у қилар ботир,
Мушук шер бўлади, мазахбоз қотил.

(қаддини кўтариб)

О, сен эшитсайдинг бу сўзларимни,
Афсус, эшитмайсан! Бас, битди кунинг,
Дарё қаърига бор! Балки Сен-Дени
Аббатлигига сузиб борарсан.
Алвидо, Франциск! Алвидо, Қирол!

(қопни бир учидан ушлаб дарё томон судрайди.)

У панжарага яқинлашган пайтда уйнинг эшиги
очилади ва Магелона чиқади. У атрофга тикилиб
қарайди, қўли билан ҳеч нарса кўрмаганига ишора
қилади, қайтиб уйга киради ва тезда Қирол билан
бирга чиқади. Қўл ҳаракати билан атрофда ҳеч ким
йўқ, кетавер, деган ишорани қилади. Магелона қай-
тиб киради, Қирол Магелона кўрсатган томонга,
сахна ичкарисига юради. Бу пайтда Трибуле қопни
Сенага ташламоқчи бўлиб турган бўлади.

Т р и б у л е

(қопни ушлаб туриб)

Суз, шоввоз!

Қ и р о л

(сахна ичкарисида хиргойи қилади)

Гўзаллар иши жафо, Уларда ҳеч йўқ вафо.

Т р и б у л е

Нима бу? Тушимми, ўнгми?

Ё дарё шовқини алдади мени?

(орқасига қарайди ва қўрқув ичида қулоқ солади.)

Қ и р о л о в о з и

Гўзаллар иши жафо
Уларда ҳеч йўқ вафо.

Т р и б у л е

Минг лаънат! Бу қопда у эмас— бошқа!
У қутулиб қочган. Э, воҳ, алдандим!
(уйга чопиб келади. Уйнинг фақат юқори дарчаси очик) Номард!
(кўзи билан дарчани чамалайди. Тирмашиб чиқишни мўлжаллайди.) Дарча баланд!

(Қопга қайтиб келади, даҳшат ичида)
Ким бўлди экан
Қиролнинг ўрнига қопга тикилган?
(қопни қўли билан ушлаб кўради)
Ҳа, бунда жасад бор!
(ханжар билан қопни ёради, ҳаяжон ва қўрқув ичида тикилади)

Ҳеч кўрмайпман.
Йилт этган учқун йўқ, ҳарёқ зимистон
Бутун Париж гўё қора гўристон.

(Жасад устига энгашади)
Чақмоқ чақиб қолар.

(бир неча дақиқа қопга тикилади. Қоп ичида Бланиш кўринади)

ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

Трибуле, Бланш

*Бирдан чақмоқ чақади. Трибуле сакраб туриб
хайрат ва алам тўла нидо билан чекинади.*

Т р и б у л е

Болам-ку! Болам!

О, фалак!

(қўлларига қараб)

Қўлларим қоп-қора қон! О!

Йўқ-йўқ ишонмайман! Бу алдоқ шарпа,

Йўқ, бу мумкин эмас! Қизгинам йўлда,

Эврёга кетмоқда! Бу қизим эмас!

(жасад олдида тиз чўкиб қарайди.)

О, тангрим! Ростданми?! Йўқ, йўқ, бу тушим!

(чақмоқ чақади. Бланининг қонсиз ва юмуқ

кўзлари кўринади.)

У! Болам! Ёлғизим! Кир қоп ичиди!

(ҳўнграб ўзини жасад устига ташлайди.)

Кўзингни оч, қизим! Гапир, жонгинам!

Ким сенга қасд қилди? Сўзла отангга!

Сен ахир тириксан. Кўзимнинг нури!

Б л а н ш

(отасининг овозидан қайта тирилгандай аста

кўзларини очади ва сўник овоз билан)

Ким мени чақирди?

Т р и б у л е

Тирик! У – тирик!

У яшайди! Ана кўзини очди.

Б л а н ш

*(бош кўтаради, унинг кўйлаги қон, оёғи қон ичи-
да)*

Қаердаман?

Т р и б у л е

Болам! Мунисам, жоним!

Менман! Овозимни эшитяпсанми?

Б л а н ш

Отажон! Ҳолим йўқ!

Т р и б у л е

Нақадар зулмат!

Ҳеч нарсa кўринмас! Ярадормисан?

Айт! Бошингни кўтар!

Б л а н ш

(бўлиб-бўлиб)

Қотил пичоғи... Юрагимга тегди...

Т р и б у л е

Ким ўша қотил?

Б л а н ш

Ўламан... мен ўзим... ўзим айбдор...

Сизга айтмагандим... севар эканман...

Уни ҳаддан ошиқ... мана... ўляпман...

Т р и б у л е

Ўзим қазган чоҳга ўзим тушибман!

Қизгинам! Айт, сени қайдан топишди?

Б л а н ш

(сўник овоз билан)

Мени гапиртирманг!

Т р и б у л е

(бетиним ўпиб)

Кечир, қизгинам! Жонинг оғрияпти...

Б л а н ш

(бурилиб қарашга ҳаракат қилади)

Ичим ёняпти.

Т р и б у л е

(озроқ кўтариб, алам билан)

Бланш! Кўзингни оч! Ўлма, ёлғизим!

Мени ташлаб кетма!

(азоб билан орқасига қайрилиб)

Ҳой, ким бор! Ёрдам?

Бирор тирик жон йўқ! Дарвоқе, ана,

Қўнғироқ ёнбошда!

(Бланишга)

Бориб келайми?

Одам чақираман, сув келтираман.

Бланш қўл ҳаракати билан бу иш фойдасизлигини кўрсатади.

Яхши бўлар эди! Нега кўнмайсан?...

(унинг ёнидан кетмай ёрдамга чақиради.)

Ҳей, ким бор?!

Жимжитлик. Уй қоронғиликка чўккан.

Ҳеч зот йўқ! Бу уй гўристон! Бланш жон бермоқда.

Шошма, жоним, ўлма! Мен учун, ўлма,

Сенсиз менга дунё қоронғи зиндон.

Б л а н ш

О!

Т р и б у л е

Қўлим ботдими?

(қўлининг ҳолатини ўзгартириб)

Энди тузукми?

Сабр қил, оғриғинг ҳозир қолади!

Ҳозир келишади, сув беришади!

Э, воҳ ҳеч кимса йўқ! Ҳар ён зимистон!

Б л а н ш

(зўр-базўр, сўниқ овоз билан)

Отажон... Алвидо... уни кечиринг!

Жони узилади.

Т р и б у л е

Нафас йўқ.

*(қўнғироқ ёнига бориб уни жон-жаҳди билан ча-
лади)*

Дод, ким бор! Халойиқ, ёрдам!

Одам ўлдиришди!

(Бланининг олдига қайтиб келади)

Овоз бер қизим, нега индамайсан?

(кўтаришига ҳаракат қилади)

Наҳотки,.. йўқ, йўқ...

Ўн олти ёшда-я. Йўқ, мумкин эмас,

Қизим отасини ташлаб кетмайди.

*(Одамлар машғал кўтариб ҳар томондан югу-
риб келадилар)*

Менга раҳминг келсин, кўзёшларимни

Қўряпсанми, болам? О, парвардигор,

Бундоқ жафоларинг бор экан, нега

Дунёга келтирдинг мени, не учун

Жонимни олмадинг эртароқ...

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Ҳалигилар, халқ – эркаклар, аёллар.

Б и р а ё л

Қаранг, сўзлари одамни эзиб юборди.

Т р и б у л е

(қайрилиб қараб)

Ҳа, келдиларингми? Жуда вақтида

Уйғонибсан ҳамманг!

(қўлида қамчи ушлаб турган аравакашнинг ёқасидан тутади)

Араванг борми? Филдирак борми?

Аравакаш

Бор. Ёпишма менга.

Т р и б у л е

Бўлса, бошимни эз, босиб мажақла!

(яна Бланининг жасадига ташланади)

Болажоним!

Б и р о д а м

Анов шўрлик отани олиб кетиш керак. Ҳолини кўринг.

Трибулени олиб кетишмоқчи бўлишади. У қаршилик кўрсатади.

Менга тегманг. Нима қилдим сизларга?

Сизни танимайман. Қўйворинг мени!

(аёллардан бирига қараб)

Сен йиғлаяпсан-ку, демак, қалбинг бор!

Айт буларга, бизни ҳоли қўйишсин.

Аёл Трибуленинг тарафини олади. Уни қўйиб юборадилар. У яна Блани жасади олдига келиб тиз чўкади.

Т р и б у л е

Йиғла, кўксингни ёр, эй масхарабоз,
Бугун ёлғизингдан айрилиб қолдинг.

А ё л

Томоша кўрсатманг бу ерда, йўқса
Олиб кетишади сизни!

Т р и б у л е

(ўзини йўқотиб)

Йўқ! Қаранг!

У ҳали тирик-ку!

(қизининг жасадини қучоқлаб кўтаради)

Мана елкамга

Бошини қўйяпти. Доктор чақиринг!

Йўқ, у ўлгани йўқ.

Чарчаган холос.

Жим бўлинг, бир нафас дамини олсин.

(худди она ухлаётган боласини кўтаргандай, уни қўлига олади.)

Худойим билади, менинг кимим бор –

Шу қизимдан бўлак? Уни олмайди.

У тирик, у фақат ухляпти! Жим!

Болалигида ҳам камқувват эди,

Тез чарчаб қоларди. Қўлимда доим

Кўтариб юардим. Мана шундай, ҳа!

Ухляпти. Ширин тушлар кўряпти,

Ҳали-замон кўзин очади болам.

Азоб-уқубатдан қолмайди нишон?!
Мана, қўлларини иситдим, кўринг!

А ё л

Доктор келди, тақсир!

Т р и б у л е

Кўринг, доктор, у –
Ўзидан кетганми?

Д о к т о р

(Бланини кўриб)

Йўқ, ўлган. Мана –
Биқинида чуқур жароҳат бор. Қон –
Ичга уриб кетган.

Т р и б у л е

Э, воҳ, қизгинам!
Мен сени ўлдирдим ўз қўлим билан!

Талом

ВИКТОР ГЮГО ҲИКМАТЛАРИ¹

* * *

Агар сизда куч бўлса, бизда ҳуқуқ қолади.

* * *

Атеизм мажбуриятларни бажармаганлик учун
Худого жарима солади.

* * *

Марҳаматли бўлиш жуда осон, мушқули – адо-
латли бўлиш.

* * *

Буюк одамлар ўзларига шоҳсупани ўзлари қад
кўтаради, ҳайкални эса келажак ўрнатади.

* * *

Кекса бўла олиш – буюк санъат... Янада катта
санъат – ёш бўла олиш, ёшликнинг, етукликнинг
кексаларга қандай муносабатда бўлишини билиш-
дир.

* * *

Инсоннинг буюклиги бўйи билан ўлчанмагани-
дек, халқнинг буюклиги унинг сони билан ўлчан-
майди; ягона мезон – ақллилик ва маънавият да-
ражасидир.

* * *

Бахтсизларга раҳмдил бўлинг, бахтлиларга ил-
тифотли бўлинг.

¹ Эркин Эрназаров ва Луқмонжон Исоқов таржималари

* * *

Инсоннинг ички дунёсидаги меҳр – бу қуёш-
дир.

* * *

Айбдор ўз айбини тан олганида у қутқариши
мумкин бўлган ягона нарса – ўз ор-номусини қут-
қаради.

* * *

Журъат! Журъат билан тараққиётга эришила-
ди. Барча дабдабали ғалабалар журъат учун кат-
та ёки кичик мукофотдир.

* * *

Болалар бахтга дарҳол ва тортинмасдан қўни-
кади, зеро улар табиатига кўра – ўзлари қувонч
ва бахтдир.

* * *

Тириклар курашади... Қалбини юксак орзулар-
га бахшида этганларгина тирикдир.

* * *

Чиройли ифодалар чиройли фикрни безайди ва
уни сақлайди.

* * *

Дехқон ерга ишлов беради, ишчи шаҳарни бо-
йитади, мутафаккир мушоҳада юргизади, сано-
ат ажойиб буюмлар ясайди, даҳо мўъжизалар яра-
тади... ва буларнинг ҳаммаси жанггоҳ деб ата-
лувчи даҳшатли халқаро кўргазмада ҳалокатга
учрайди.

* * *

Дангасалик – бу она. Унинг ўғли – ўғрилик, қизи
– очлик.

* * *

Севги ишида кимки сир сақласа, доғда қолмай-
ди.

* * *

О, нақадар ширин, тотли бу ҳаёт!
Яшамоқ бахти деб шуни айтурлар!
Истакнинг ҳадди йўқ!

* * *

Кимнинг хотини йўқ – кўнгли тўқ бўлсин.

* * *

Хотиннинг ботири эрининг шўри!

* * *

Ҳаётни безамас ёлғиз жононлар,
Бир кун жонга тегар...

* * *

Жонон жонга тегса илм овунчоқ.

* * *

Жононларингиз бор – ҳумоюн қушлар,
Жононларингиз бор – кўнглингиз хушлар.

* * *

Хотинлар севади тож ила тахтни!

* * *

Кетган номус сира қайтиб келмайди.

* * *

Рашк ёмон нарса...

* * *

Ҳамма ишнинг ўз баҳоси бор.

* * *

Бу жаҳонда бўлмас онангдек аёл.

* * *

Дунёда не қолар – ўйнаган қолар.

* * *

Бу дунёда ўйна, ёр васлига тўй!

* * *

Маъшуқа бўлганми ҳеч қачон хотин.

* * *

Э, воҳ, қандай номус – маъшуқа бўлмоқ!

* * *

Хотинлар бари – бевафо!

* * *

Ҳеч вақт гўдак билан масхарабозга гап қайта-
риб бўлмас!

* * *

Ғамни енгиллатар қизнинг йиғиси.

* * *

Гўзалларда йўқ вафо,
Уларнинг иши жафо.
Оқил одам уларга
Ишонмас асло!

* * *

Ёрни сев ва тўйгунча ўп.

* * *

Гўзал ўз ҳуснини билмоғи керак.

* * *

Шароб – қуёш қулгуси,
Майдан келар гул иси.

* * *

Рост экан, рост экан, севги оташи
Дилни ёндираркан то қул қилгунча.

* * *

О фалак, не учун яратдинг ишқни!

* * *

Душманнинг ўлиги офир бўлмайди.

* * *

Гўзаллар иши жафо, уларда ҳеч йўқ вафо.

* * *

Маҳкум ҳукм ижро этилишини кутаётганда ҳис
этадиган азоб-уқубатлар билан тенглашадиган
жиноят мавжудми?

* * *

Бир инсонда бошқа бировни ҳаётдан маҳрум
этиш ҳуқуқи қаердан пайдо бўлган?

* * *

Барча эҳтимол тутилган судланувчиларнинг,
айбдорларнинг ёки бегуноҳларнинг барча судлар
ва суд қилувчилар олдида, барча маслаҳатчилар

олдида, барча одил судловни амалга оширувчилар олдида воситачи бўлиш ролидир.

* * *

Адабиёт инсон онгининг инсон зоти учун дастуриламалидир.

* * *

Фикрловчи инсонни ҳаёт олдида муқаддас таъзим қилишидан танишади.

* * *

Келажакни яратишга ҳеч нарса дадил орзулардек хизмат қилмайди. Бугунги хаёл – эртанги рўёдир.

* * *

Одоб – ҳақиқатнинг гуллашидир.

* * *

Руҳ қалъасини сақлаш учун тана қалъасини сақлаб туриш зарур.

* * *

Халқни ўқитиш – уни яхшироқ қилишдир; халқни маърифатли қилиш – унинг одобини яхшилашдир; саводхон қилиш – камол топтиришдир.

* * *

Ҳаётимиз – сайр, гоя – йўл бошловчидир. Йўл бошловчи бўлмаса, ҳамма нарса тўхтайдди. Мақсад йўқотилса, қувват ҳам кетади.

* * *

Ватанга қарши курашиб, қаҳрамон бўлиш мумкин эмас.

* * *

Ер юзида боланинг бижир-бижиридан тантанаворроқ мадҳия йўқ.

* * *

Йўлни биладиган эшак тахминий ром очадиган фолбиндан қимматлироқдир.

* * *

Эркаклардаги қўрқоқлик, аёллардаги мардлик муҳаббатнинг биринчи белгисидир.

* * *

Ғолиб чиқиш – аҳмоқона машғулотдир. Шоншухратга ғолиб чиқиш эмас, балки ишонтириш сазовор.

* * *

Шоир – бир инсон қучоғидаги дунёдир.

* * *

Ҳаётда энг катта бахт – сени севишларига ишончдир.

* * *

Зиё! Ҳамиша зиё! Ҳамма ёқда зиё! Унга барча муҳтож. У китобдадир.

* * *

Кулгу – бу қуёшдир: у инсон чеҳрасидаги қишни қувиб солади.

* * *

Ахир раҳмдиллик, айниқса, фалокатли йиқи-лиш бўлган жойда намоён бўлиши керак эмасми?

* * *

Инсон онги ҳамма нарсанинг қулфини очадиган уч калит: рақам, ҳарф, нотага эга. Билиш, ўйлаш, орзу қилиш. Ҳаммаси уларда мужассам.

* * *

Ватанга етказилган жароҳатни ҳар биримиз қалбимиз қаърида ҳис этамиз.

* * *

Ҳуқуқни англаш бурчни англашни ривожлантиради. Умумий қонун – бу ўзганинг эркинлиги бошланадиган жойда сенинг эркинлигинг тугашидир.

* * *

Қирқ ёш – ёшликнинг қарилиги, эллик ёш – қариликнинг ёшлиги.

* * *

Эркинликни фақат биродарлик орқали қутқариш мумкин.

* * *

Сир – тўрдек нарса: бир илмоқ узилиши кифоя ва бутун тўр титилиб кетади.

* * *

Китобнинг ижодкори – муаллиф, китоб тақдирининг ижодкори – жамиятдир.

* * *

Ёлғон-яшиқда яшаётган учун ҳақиқат қўланса туюлади.

* * *

Шоир – бу аниқликнинг файласуфи ва мавхумликнинг рассомидир.

* * *

Ҳуқуқ – бу ҳақиқат ва адолатда мужассамлашган ҳамма нарса.

* * *

Фан олға борар экан, босган йўлини муттасил равишда ўчириб боради.

* * *

Биз бошқаларга инъом этадиган қувонч ҳар қандай шуъла каби сўнмасдан, аксинча ўзимизга янада ёрқин бўлиб қайтиши билан мафтун қилади.

* * *

Ҳозирги вақтда меҳнат – бу буюк ҳуқуқ ва буюк мажбуриятдир.

* * *

Чинакам буюк ёзувчилар – фикрлари услубларининг ҳамма бурмаларига кириб борадиган адиблардир.

* * *

Ватанини уялтириш – унга хиёнат қилишдир.

* * *

Бурчга садоқатни англаш ўз манфаатларини ёддан чиқаришни талаб этади.

* * *

Қилични синдириш мумкин, лекин ғояни йўқ қилиб бўлмайди.

* * *

Чинакамига бахтли бўлиш учун бахтга эгалик қилиш етарли эмас. Унга сазовор бўлиш ҳам зарур.

* * *

Аёлни уқубатга қўйиб, эркакни бахтли қилиб бўлмайди.

* * *

Келажакнинг бир нечта номи бор. Ожиз киши учун у имкониятсизликдир, иродасиз учун – мавҳумлик, сермулоҳаза ва шавкатли учун – идеалдир.

* * *

Қўшиннинг бостириб киришига қаршилиқ кўрсатиш мумкин, аммо ғоянинг бостириб киришига қаршилиқ қилиб бўлмайди.

* * *

Сукут – инсоний қайғунинг бутун тубини ҳис этаётган жайдари қалб қўнимгоҳидир.

* * *

Буюк қалбнинг деярли барча сири «қатъият» сўзида мужассамлашган. Мардлик учун қатъият – дастакка ғилдиракдекдир; бу таянч нуқтасини муттасил ўзгартириб боришдир.

* * *

Ёлғон – ёвузликнинг мужассамидир.

* * *

Мен учун куч қайси томондалиги муҳим эмас;
ҳуқуқ қайси тарафдалиги муҳимдир.

* * *

Дунёдаги ҳамма қўшинлардан ҳам қудратли-
роқ нарса бор: бу вақти етиб келган ғоядир.

* * *

Муҳаббат – дарахт сифатдир; у ўзи ўсиб чиқа-
ди, бутун вужудимизга чуқур томир ортади ва
кўпинча ҳатто қалбимиз вайроналарида ҳам гул-
лаб-яшнайверади.

* * *

Тарбия – виждон ишидир, таълим – фан иши-
дир. Кейинроқ шаклланган инсонда улар бир-би-
рини тўлдиради.

* * *

Ҳамиша бир-бирингизни бутун қалбингиз би-
лан яхши кўринг. Дунёда муҳаббатдан ўзга деяр-
ли ҳеч нарса йўқ.

* * *

Инсон ақли бўлган ҳамма жойда китоб бўлиши
шарт.

* * *

Оилани парчаламоқчи бўлган ҳар қандай иж-
тимоий таълимот яроқсиз, бунинг устига уни
қўллаб бўлмайдди. Оила – бу жамиятнинг биллу-
ридир.

* * *

Ҳар қандай қўполлик яхши китобларни ҳар куни ўқишнинг таъсирида худди олов устидагидек эрийди.

* * *

Олий одил судлов – бу виждондир.

* * *

Хаёлотларимиз ҳаммадан ҳам кўпроқ ўзимизга ўхшайди.

* * *

Бундан буён келажак одамларнинг икки тури: сермушоҳада инсон ва меҳнаткаш инсонга тегишлидир. Моҳият жиҳатидан улар яхлитдир, зеро фикрлаш – меҳнат қилиш демакдир.

* * *

Улкан нарсалар улкан воситалар орқали яратилади.

* * *

Ҳалоллик – буюкликка энг яқин турганидир.

* * *

Дипломатлар ўз ҳис-ҳаяжонларидан ташқари барчасига хиёнат қиладилар.

* * *

Адолатдан юқори нима бор? Одилик.

* * *

Қонун эркакка биринчи ўрин берса, ор-номус аёлга биринчи даражани беради.

* * *

Қонунлар урф-одатларнинг давомидир.

* * *

Олмос ботқоқда гарқ бўлмас.

* * *

Бекорчилик – кексаларнинг бахтсизлиги ва болаларнинг хушбахтлиги.

* * *

Уйқусизлик – туннинг инсон устидан зулм ўтказиши.

* * *

Уятсизлик гоҳида уятни беркитади.

* * *

Инсоннинг ички дунёсидаги эзгулик бу қуёшдир.

* * *

Буюк одамлар камдан-кам ҳолларда ёлғизликда пайдо бўлишади.

* * *

Буюк одамларнинг ўзлари пойдевор қуришади. Келажак эса ҳайкал тиклайди.

* * *

Уруш қанчалик зўр бўлса, шунча кулфат олиб келади.

* * *

Фикрингнинг пишишига имкон бер. Аммо, пишиб, эзилиб кетмасин. Пишиб эзилган фикрларни мевалар каби ғамлаб бўлмайди.

* * *

Бақа бошқа бақани дунёга келтириб, шоҳ асар
яратади. Шубҳаланияпсизми? Сиз ҳам шундай
қилишга уриниб кўринг.

* * *

Ҳаёт бу қўшиқ, ўлим унинг нақоратидир.

* * *

Ҳаёт бу гул, муҳаббат эса унинг ширасидир.

* * *

Хушомад – ҳарир парда орқали ўпишдек гап.

* * *

Жамият икки тоифадаги инсонларни, яъни,
унга ҳужум қиладиганларни ва ҳимоя қиладиган-
ларни ёмон кўради.

* * *

Мантиқ шафқат билмайди.

* * *

Кунлардан бир кун мен севиб қолган камба-
гални кўрдим. Унинг шляпаси эски, пальтоси тир-
сагига келар, бошмоғи сув ўтказар, қалбидан эса
юлдузлар чақнади.

* * *

Ҳамён бўшаётганда юрак тўлади.

* * *

Кўрқувнинг устидан ғалаба қозониш бизга куч
беради.

* * *

Машҳурлик майда танга ҳажмидаги ифтихор.

* * *

Тараққиёт – бу ижтимоий ҳаётнинг моддий базаси.

* * *

Тараққиёт – бу инсоният турмушининг усули.

* * *

Менинг ёмон қўшиқларимга қарсак чалганлардан кўра яхши қўшиқларимни ҳуштак чалиб обрўсизлантирсинлар.

* * *

Тақдир билан олдиндан музокаралар қила олмайсиз.

* * *

Озодликни фақат биродарлик орқали сақлаб қолиш мумкин.

* * *

Меҳнат бизнинг давримизда катта ҳуқуқ ва катта мажбуриятдир.

* * *

Манманлик – ичимизда ва бизга қарши бўладиган қўрқинчли куч.

* * *

Жаҳолат – инсоннинг ягона ҳукмдори.

* * *

Севгидан ўлиш у билан яшаш демакдир.

* * *

Тақдир фақатгина кўр эмас, балки севадиганларни ҳам кўр қилади.

* * *

Меҳрибон бўлиш жуда ҳам осон. Адолатли бўлиш – жуда қийин.

* * *

Фикр юритиш ақлнинг иши, хаёлпарастлик унинг ҳирсидир.

* * *

Фарзанд – келажак истиқболи.

* * *

Ҳар бир эркакнинг бурчи, зинҳор фазилати эмас.

* * *

Бемулоҳаза ўжарлик – шундай бир тентакликки, у аҳмоқлик билан ўпишиб кўришади ва бора-бора, муқаррар шу аҳмоқлик мақомига етишади.

* * *

Ҳар бир одамнинг кўзида доим унинг тафаккури акс этиб туради.

* * *

Шон-шуҳрат ва нафрат ҳамиша елкама-елка юради.

* * *

Иродаси бақувват одамларнинг ўлим олдидан айтган сўзлари бениҳоя улкан салобат касб этади.

* * *

Ўлим жазоси – ваҳшиёна қассоблик.

* * *

Бизнинг қонунларимиз халқни ана шундай ито-
аткорликка даъват этади.

* * *

Табиат инсоннинг инсон бўлиши учун қанча
ҳисса қўшган бўлса, жамият ҳам шунча улушини
қўшсин.

* * *

Бинобарин, ҳақиқатга тик қараб, биздан ни-
малар талаб қилинишини ҳал қилишимизга тўғри
келади.

* * *

Баданни куйдириб, тамға босиш – янги ярага
туз сепишдек азоб. Бу ўта бемаъни жазо, жино-
ятчини умрбод жиноят билан ошно қилиб қўяди.

* * *

Сургун (қамоқ) – бу ярамас малҳам; у аввал ёмон
қонни сўриб олиб, кейин уни янада кўпроқ за-
ҳарлаб, баданга сингдиради.

* * *

Чўғдек қиздирилган темир тамға, сургун ва
гильотина – булар битта мантиқий хулосанинг
учта таркибий қисмидир.

* * *

Табиат инсонни яратиш чоғида унинг тарhini
ёмон чизган, тарбия эса тархдаги нуқсонларни
тузата олмади.

* * *

Халқнинг ақл даражасини имкон борича камол топтиринг.

* * *

Фирт нодонлик ёмон билимдан афзалроқдир...

* * *

Умид кишини бардошли қилади.

* * *

Халқнинг саводини чиқаринг, уни тарбияланг, маърифатли қилинг, онгига ахлоқ-одоб тушунчаларини сингдиринг, ундаги мавжуд лаёқатни керакли томонга йўналтиринг, ана унда одамларнинг бошини кундада чопишингизга важ қолмайди.

* * *

Виждонли одам ўчирилганлардан ташқари ҳамма ёзувни ўқиши мумкин.

* * *

Сарлавҳани ким қўя олса ўша қўйсин, мен эса қандай мавзуни ривожлантирганимни топишга ҳаракат қиляпман.

* * *

Буюкликни эъзозланг!

* * *

Конституцияга шон-шарафлар бўлсин!

* * *

Мен бир одамни мулкдор бўлишини эмас, ҳар бир одам мулкдор бўлишини хоҳлайман.

* * *

Агар нимаики аъло даражада, шунингдек, радикал бўлса?! Унда, ҳа – мен радикалман. Мен ҳамма соҳада яхшиликка чорлайман.

* * *

Улар биздек ҳис қилишади, биз эса улардек ўйлаймиз. Улар биздек азобланишяпти, биз эса улардек севамиз.

* * *

Шундай расмлар борки, уларни чизиш керакмас.

* * *

Сизнинг бахтсизликни ошкора қилишга ҳаққингиз йўқ!

* * *

Ҳамма нарсада чексизлик мавжуд.

* * *

Меҳнат – бу ҳаёт, фикр – эса ёруғлик ...

ВИКТОР ГЮГО ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ

– 1802 йил 26 февраль – Леопольд ва Софи Гюго фарзанди Виктор Гюго Франциянинг Безансон шаҳрида туғилди.

– 1808 йил, февраль – отаси Леопольд Роял-Корсика полкининг полковники ва провинция ҳукмдори бўлган.

– 1811 йил 10 март – Софи Гюго ўғиллари Виктор, Абель ва Евгений билан Мадридга йўл олган.

– 1812 йил, май – Леопольд Гюго Мадрид майдони ҳокими бўлган.

– 1816 йил 14 октябрь – Виктор Гюго Париждаги Буюк Людовик лицейининг фалсафа йўналишига кирган.

– 1819 йил 26 апрель – Виктор Гюго онасининг хоҳишига қарши бориб, Адель Фуше билан хуфёна никоҳ қурган.

– 1820 йил 9 март – «Герцог де Берри ўлимига қасида»си учун Людовик XVIII мукофотиغا сазовор бўлган.

– 1821 йил 27 июнь – онаси Софи Гюго вафот этган.

– 1821 йил 28 июнь – Париждаги Вожирар қабристонига Софи Гюго дафн этилган.

– 1821 йил 21 июль – отаси Леопольд Гюго Катрин Томага уйланган.

– 1822 йил 12 октябрь – Париждаги Муқаддас Сюлпис черковида Виктор Гюго ва Адел Фушеннинг тўйи бўлиб ўтган.

– 1823 йил 8 февраль – «Исландиялик Ган» лирик мелодраммасини нашр этган.

– 1824 йил 24 июнь – Виктор Гюго оиласи Париждаги Вожирар кўчаси 90-уйга кўчган.

– 1824 йил 28 август – Виктор Гюго ва Адель Фушенинг қизи Леопольдина дунёга келган.

– 1825 йил 29 апрель – Виктор Гюго Фахрий Легион орденини олган.

– 1826 йил 6 август – «Кромвель» шеърий драмасини ёзишни бошлаган.

– 1826 йил, ноябрь – «Қасидалар ва балладалар» нашр этилган.

– 1827 йил август – Гюго «Кромвель» асарини ёзиб тугатган.

– 1827 йил 5 декабрь – Гюгонинг «Кромвель» асари чоп этилган.

– 1828 йил 28 январь – Виктор Гюгонинг отаси Леопольд Гюго вафот этган.

– 1829 йил 3 февраль – Гюго аноним тарзда «Ўлимга ҳукм қилинган кишининг сўнгги куни» асарини чоп этган.

– 1829 йил 14 август – Гюгонинг «Марьион Делорм» пьесаси таъқиқланган.

– 1829 йил 24 сентябрь – Гюго «Эрнани» номли пьесасини ёзиб тугатган.

– 1830 йил 25 июль – Гюго «Париж Биби Марьям ибодатхонаси» асарини таҳрир қилишга киришган.

– 1831 йил 15 март – «Париж Биби Марьям ибодатхонаси» тарихий романи нашр этилган.

– 1833 йил 2 февраль – Жулет Друэ билан ҳамкорликда Париждаги Муқаддас Мартин дарвозасидаги театрда «Лукреция Боржа» пьесаси яратилган.

– 1833 йил 17 февраль – Жулет Друэ Гюгонинг маъшуқасига айланган.

– 1834 йил 6 сентябрь – Гюгонинг «Клод Гё» қиссаси чоп этилган.

– 1835 йил 25 июль – Жулет Друэ ва Гюго Нормандия ва Пикардияда саёҳат қилган.

– 1837 йил 3 июль – Гюго Фахрий Легион офицерига айланган.

– 1841 йил 7 январь – Гюго Француз Академиясига сайланган.

– 1842 йил 28 июнь – Гюго Француз Академиясининг директори этиб сайланган.

– 1848 йил 25 февраль – Гюго Парижнинг VIII районга вақтинчалик мэр қилиб тайинланган.

– 1848 йил 4 июнь – Гюго Франция Парламентига депутат этиб сайланган.

– 1848 йил 20 июнь – Гюго Миллий Мажлисда ўзининг биринчи нутқини сўзлаган.

– 1849 йил 13 май – Гюго Қонунчилик ассамблеясига консерватор депутат этиб сайланган.

– 1850 йил 28 июнь – Жулет Друэ Гюгонинг Леония Бияр билан муносабатлари ҳақида билиб қолган.

– 1852 йил 5 август – Гюгонинг «Кичик Наполеон» асари нашр қилинган.

– 1853 йил – Бельгияда Гюгонинг «Жазо» асари чоп этилган.

– 1856 йил 23 апрель – Гюгонинг қизи Леопольдина ўлимидан сўнг 158 поэмадан иборат «Мушоҳадалар» номли тўплам нашр этилган.

– 1859 йил 7 сентябрь – Гюгонинг «Асрлар афсонаси» асарининг биринчи жилди нашр этилган.

– 1862 йил 30 июнь – Гюго «Хўрланганлар» асарининг еттинчи-ўн биринчи жилдлари чоп этилган.

– 1864 йил 15 апрель – Гюгонинг «Уильям Шекспир» асари чоп этилган.

– 1866 йил 12 март – Бельгияда Гюгонинг «Денгиз заҳматкашлари» асари чоп этилган.

– 1870 йил 20 октябрь – Гюгонинг «Жазо» асари сотила бошланган.

– 1871 йил 13 март – Гюгонинг ўғли Шарль Бор-
дода вафот этган.

– 1873 йил апрель – Жулет Друэнинг уй хиз-
маткори Бланш Ланвен исмли аёл Гюгонинг маъ-
шуқасига айланган.

– 1874 йил 19 февраль – Гюгонинг «Тўқсон учин-
чи йил» номли тарихий романи нашр этилган.

– 1876 йил 30 январь – Гюго Париж сенатори
этиб сайланган.

– 1877 йил 26 февраль – Гюгонинг «Асрлар аф-
сонаси» асари нашр этилган.

– 1878 йил 28 июнь – Гюгонинг миясига қон
қуйилган.

– 1881 йил 8 апрель – Париж муниципал кен-
гаши Эйлов шоҳ кўчасининг асосий қисмини
«Виктор Гюго шоҳ кўчаси» деб аташга қарор қил-
ган.

– 1881 йил 31 август – Гюго ўз асарлари ва
қўлёзмаларини Франция Миллий кутубхонасига
қолдиришни васият қилган.

– 1885 йил 15 май – Гюго ўпка инсультига ду-
чор бўлган.

– 1885 йил 22 май соат 13:27да Виктор Гюго-
нинг Парижда жони узилган.

– 1885 йил 31 май – Гюгонинг тобути «Зафар
арки» остида омманинг видолашиши учун қўйил-
ган ва дафн маросимида икки миллиондан ортиқ
киши иштирок этган.

– 1885 йил 1 июнь – Гюгонинг хоки Париждаги
атоқли инсонлар қўйиладиган дахма-Пантеонга
қўйилган.

МУНДАРИЖА

Виктор Гюго – Европа фуқароси (Акмал Саидов)	3
Клод Гё (Қодир Мирмуҳамедов таржимаси)	21
Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида (Эркин Эрназаров таржимаси)	60
Шоҳона ишрат (Эркин Воҳидов таржимаси)	85
Виктор Гюго ҳикматлари	223
Виктор Гюго ҳаёти ва ижодининг асосий саналари	243

Адабий-бадиий нашр

ВИКТОР ГЮГО

**КЛОД ГЁ
ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА
ШОҶОНА ИШРАТ
ҲИКМАТЛАР**

Муҳаррирлар
Жавлонбек АБДАЛНИЯЗОВ, Маъмура ҚУТЛИЕВА
Мусаҳҳиҳ Ҳасан ТЕШАБОЕВ
Бадиий муҳаррир Уйғун СОЛИҲОВ
Техник муҳаррир Сурайё АҲМЕДОВА
Компьютерда саҳифаловчи Феруза БОТИРОВА

Босишга 14.05.2014 й.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 7,75. Шартли босма тобоғи 13,02.
Гарнитура «Bookman Суг+Uzb». Офсет қоғози.
Адади 5000 нусха. Буюртма № 26.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.
Лицензия рақами: АИ № 198, 2011 йил 28.08 да берилган.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89;
Маркетинг бўлими – 128-78-43. факс – 273-00-14;
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru